

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҶАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ ВА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
КАФЕДРАСИ**

У.А. БУТАЕВА

**ПСИХОЛОГИК ЕТУКЛИК ДАРАЖАСИНИ
ТАШХИС ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

монография

ТОШКЕНТ –2020

КВК: 86.2(3Ўзб)

Н 21

УО'К: 451.25.14.(22)

**У.А. Бутаева // Психологик етуклик даражасини ташхис қилишнинг
психологик хусусиятлари, монография.**

– Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2019. 144 бет.

Мазкур монография талабалар психологик етуклик даражасини ташхис қилишнинг психологик хусусиятларига бағишиланган бўлиб. Унда ўзбек ҳамда хориж психологларининг шу муаммо бўйича илмий таҳлилларига асосий эътибор қаратилган. Етуклик муаммоси, етукликни ташхис қилувчи диагнотик методикаларнинг келиб чиқиши тарихи ва уларнинг психологик манбаларда кузатилиши ҳақида таҳлилий мулоҳазалар билдирилган.

Монографияда психологик етуклик даражасини психодиагностика методикалари ёрдамида текшириш ва ривожлантирувчи дастур муаммоси таҳлил этилиб, бунда қандай мезонларга асосланиш кераклиги кўрсатиб ўтилади, бу йўналишда ташхис ишларини амалга ошириш учун зарур анъанавий ҳамда янги муалифлик методикалари келтирилади. Ушбу қўлланма амалиётчи психологлар, психология фани ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар ҳамда психик тараққиёт муаммоларига қизиқувчи барча турдош мутахассисларга мўжалланган.

Маъсул мухаррир:

Н.С. САФАЕВ – Ўзбекистон Миллий университети “Психология” кафедраси профессори, психология фанлари доктори

Тақризчилар:

Ф.Б. НАРЗИКУЛОВА – Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ педагогика, психология ва таълим технологиялари кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

С.М. ТЎЙЧИЕВА – Тошкент фармацевтика институти “Тиллар” кафедраси мудири психология фанлари номзоди, доцент

Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ Илмий кенгашининг 2020 йил “16” июнь
5/3-5-сонли йиғилишида нашрга тавсия этилди

МУНДАРИЖА

Кириш	5
1-БОБ. Психологик етуклик муаммосининг ижтимоий психологияда илмий-назарий талқини	15
1.1. Психологик етуклик муаммосининг психологик феномен сифатида психологик-педагогик тадқиқотларида илмий-назарий ўрганилганлиги	15
1.2. Психологик етуклик компонентлари ва уларга таъсир этувчи омиллар	24
1.3. Психологик етуклик мезонларини аниқлаштириш истиқболлари	37
1-боб бўйича хulosалар	45
2-БОБ. Психологик етуклик диагностикаси ва унга қўйиладиган талаблар	47
2.1. Психологик етуклик диагностикасининг ривожланиши тарихи	47
2.2. Психологик етукликни ташхис қилишнинг анъанавий усул ва воситалари	52
2.3. Масъулиятни психологик етуклик мезони сифатида ўрганиш тажрибаси	56
2.4. Носитуатив мусъулият шахс психологик етуклигининг кўрсаткичи сифатида	64
2-боб бўйича хulosалар	71
3-БОБ. Талабалар психологик етуклигининг ижтимоий интеллект ва шахсий сифатларга	73

боглиқлигини натижалари	эмпирик жиҳатдан	ўрганиш	
3.1. Талабалар психологик етуклигини эмпирик ўрганишнинг умумий натижалари		73	
3.2. Талабалар психологик етуклигининг ижтиомий-психологик хусусиятлари ўртасидаги муносабатлар		88	
3.3. Талаба психологик етуклигининг шаклланишида ижтиомий интеллект ўзига хос жиҳатлари		98	
3.4. Талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантиришнинг самарадорлиги		108	
3.5. Талабаларни ўзлигини англаш ва ўз-ўзини бошқаришга ўргатишга қаратилган тажриба-синов ишларининг натижалари		118	
Учинчи боб бўйича хуносалар		123	
Хуроса		126	
Тавсиялар		128	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		130	

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Жаҳонда ёшлар салоҳиятини ривожлантириш ва амалга ошириш, шахс ўз-ўзини англаш ва ижтимоий интеллкетни муваффақиятли бошқариш шарт-шароит ва имкониятларни яратиш, психологик жиҳатдан етук шахсларни шакллантириш муаммоларига асосий эътибор қаратилган. Психологик жиҳатдан етук инсонлар ҳар қайси давлат ва жамиятнинг асосий таянчи ҳамда ҳаракатлантирувчи кучи экан, замонавий ижтимоий-гуманитар билим соҳасида ушбу муаммога жиддий эътибор қаратилиши ва кўп йиллар давомида психологияда шахснинг етуклиги муаммоси сақланиб қолмоқда. Айниқса экзистенциал ва гуманистик, психологияда тегишли, «ўзини ўзи англаш»¹, «тўлик фаолият кўрсатувчи»², «етук»³ ва «соғлом»⁴ каби тушунчалар киритилди. БМТнинг Бутунжаҳон «ёшлар кўникмалари»⁵ кунига бағишлиланган маъruzасида «Тегишли кўникмаларга эга ёшлар биз муҳтоҷ бўлган инклузив ва барқарор жамият қуриш ва тараққиётга эришишда зарурий кучни ташкил қиласидилар» деб таъкидланган. Мазкур масала, ҳар бир соҳада изчил равища олиб борилаётган ислоҳатлар ва кадрлар тайёрлашнинг сифатига бевосита алоқадор.

Дунё миқёсидаги тадқиқотларда психологик етуклик муаммосини ўрганиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилган. Жумладан, маҳсус тадқиқотларда шуни кўришимиз мумкинки, психологик етуклик муаммосининг асосий масаласи – етуклиknинг кўрсаткичлари ҳамда мезонларини аниқлашга йўналтирилган. Мазкур тадқиқот ишларида муаллифлар томонидан шахс психологик етуклигини ташхис қилишнинг турли хил услубий

¹Ананьев В. А. Основы психологии здоровья. Книга 1. Концептуальные основы психологии здоро-вья. СПб., 2006

²Маслоу А. Мотивация и личность. СПб., 2006

³Роджерс К. Взгляд на психотерапию. Становление человека. М., 1994.

⁴Русалов В.М. Психологическая зрелость: единая или множественная характеристика? // Психолого-генный журнал. 2006. №5. С. 83-91.

⁵The World Youth Report on Youth Civic Engagement. – NY: United Nations, 15 July 2015.

воситалари таклиф этилади. Хориж ва Ўзбекистон олимлари томонидан шахс етуклигининг психологик жихатларига тъисир этувчи омиллар ва муаммолари хақида тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, аммо, ёшларда психологик етукликнинг ижтимоий-психологик муаммоси ва шахсий сифатлар билан ижтимоий интеллект муаммосини ўзаро алоқадорлиги талабалар мисолида маҳсус илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Шу боис, талаба ёшларда психологик етукликни аниқловчи психодиагностик методикаларни такомиллаштириш ва яратиш ҳамда етуклик компонентларини ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳимлигича қолмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшларнинг маънавий ҳамда ижтимоий етуклиги, шу билан биргаликда психологик етуклик масаласидаги ва ёшларга оид ислоҳатлар самарадорлигини янада оширишдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу мақсадларнинг ижобий натижага эга бўлиши, энг аввало, ёш авлодга илмий билимлар асосини пухта ҳамда сифатли билим бериш, кенг дунёқарашиб ҳамда тафаккур кўламини дунё билан тенглаша оладиган даражада ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш борасидаги самарали таълим жараёни ташкил этади. Шундан келиб чиқсан ҳолда тадқиқотимизда талаба-ёшларда психологик етукликнинг ижтимоий-психологик асосларининг турли қирраларини тадқиқ қилиш ва бунинг учун мос психодиагностик методикаларни такомиллаштириш истиқболларини ўз олдимизга мақсад қилиб кўйдик.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси», 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406 сонли Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги

Фармони⁶, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори⁷, 2019 йил 3 апрелдаги «Ёшлар маданияти юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус» дастури шунингдек мазкур масалага оид ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Инсон ҳаёти биринчи дақиқалардан сўнги сонияларигача узлуксиз синовлардан ташкил топган. Катта-кичик муаммолар, паст-баланд тўсиқлар билан ҳаётимиз бизнинг хилма хил сифатларимиз – қатъият ва мақсадга интилувчанлик, садоқат ва вафодорлик, сабр-бардош, раҳм-шавқат, умуман, шахсимизнинг бетакрорлигини ҳосил қилиб турган барча-барча хусусиятларимизни қайта-қайта синаб чарчамайди. Бу синовларда ирова ва эътиқодимиз, турли ғоя ва қарашларга содиқлигимиз муайян ишлар ва курашлар учун тайёрлигимиз, “пишганимиз”, бир сўз билан айтганда қанчалик етилганимиз, етуклика эришганимиз текширилади. Шубҳасиз, синов натижаларига кўра, ҳаёт ўз ҳукмини чиқаради. Аммо кўп ҳолатларда ҳаёт ўз ҳукмини қатъий чиқаради ва муҳокамага ўрин қолдирмайди. Шундай экан, ҳаётнинг чинакам синовларига олдиндан тайёр бўлиш инсон ҳаёти ва келажаги учун ўта муҳим аҳамият касб этади. Кураш ва синов майдонига тайёргарлик даражаси аниқланмаган, шунга кўра сараланмаган одам қўйилса, унинг хатти-ҳаракатлари ва якуний аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунга мувофиқ муайян масалаларни ҳал қилишга тегишли даражада “пишиб етилмаган” одамни сафарбар этиш кечириб бўлмайдиган хатолик эканига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларимизни унинг синов ва машақкатларига ҳар жиҳатдан

⁶ 2017-2021 йиллар Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2017. – 244 б.

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарор «Ҳалқ сўзи» газетасининг 2017 йил 21 апрелдаги 79 (6773)-сон

тайёрлаш катта авлод зиммасидаги бош вазифа, керак бўлса, Ватан келажаги олдидағи муқаддас бурчdir. Ёшларни тайёрлаш дегани уларда маълум хусусиятларни ривожлантириш ва, аксинча, қайсиdir сифатларининг куртак отишига йўл қўймасликни назарда тутади. Бу анча мураккаб, узоқ давом этадиган педагогик жараён бўлиб, унинг самараси кўп жиҳатдан эришилган даражанинг тўғри баҳоланишига боғлиқdir. Зоро, тегишли хусусият ва сифатларнинг ривожланиш даражасини билиш қайси йўналишда яна қанчалик шуғулланиш кераклигини, одамни шахсий камолот йўлида қандай йўналтириш кераклигини аниқлаштириб беради. Шунинг учун психологик ривожланишнинг айни кўрсаткичларини аниқлаш, умумий интеллектуал ва шахс етуклигини юқори даражаларга олиб чиқишининг мухим шартиdir.

Ақл-заковат, фаҳм-фаросат инсоний фазилатлар соҳасидаги етуклика нисбатан умумий равища心理学 етуклик тушунчасини ишлатиш ўринли бўлади. Психологик етуклик тушунчасига берилган турли хил таърифларни таҳлил қилган ҳолда уни қуйдагича тушунишни ўринли, деб ҳисоблаймиз: психологик етуклик ташқи табиий ва ижтимоий мұхит талабларини онгли қабул қилиш, уларга муносабат билдиришда мустақиллик, вазминлик, узоқни кўра билишни намоён этиш ва бундай муносабатнинг ҳар қандай оқибатини мардонавор қарши олишга тайёргарлик даражасини белгилаб берувчи хусусиятдир.

Психологик етуклик мураккаб кўп бўғинли, тизимли сифат бўлгани учун унинг даражасини ташхис қилиш масаласи ҳамиша кўплаб бахс-мунозараларга сабаб бўлган. Ушбу илмий мунозараларнинг энг катта натижаси шуки, улар психологик етуклик диагностикаси масаласига бўлган эътиборни тобора кучайтириб бормоқда. Бу соҳадаги кўп йиллик илмий изланишлар натижасида ҳозиргача қатор психодиагностика методикалари ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланиш учун таклиф қилинган. Мазкур илмий-услубий қўлланмада ушбу ташхис воситалари, уларнинг ишлаб чиқилишига асос бўлган назарий қарашлар таҳлили улардан фойдаланиш тартиб қоидалари келтирилади. Кўлланма “Ўзбекистон

ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностикаси воситаларини ишлаб чиқиши, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан тайёрланган бўлиб, унинг алоҳида бобида бевосита лойиҳа доирасида ўтказилган илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган, асосланиб берилган ва синовдан ўтказилган ташхис воситалари таклиф этилади. Кўлланма фундаментал лойиҳани бажаришнинг биринчи йилида тайёрланганини эътиборга олиб, унда келтирилган услубий воситалар кейинги босқичларда яна қайта ишланиши ва тўлдирилиши табиий. Бунда, албатта, амалиётчи психологлар ва бошқа фойдаланувчилар таклифларини асос қилиб оламиз.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Психологик етукликнинг ижтимоий-психологик асослари тўғрисида М.Г.Давлетшин, Э.Г.Фозиев, В.М.Каримова, Р.И.Суннатова, З.Т.Нишоновалар ўқитувчи фикрини янада шакллантириш, мантиқийлик, ижодий, танқидий ва мустақил фикрни ифодалаш муаммоларини ўз тадқиқотларида ёритиб бердилар. Ф.Б.Шоумаров «етуклик» тушунчаси маълум бир ҳаётий тажриба билан, яъни «ҳаётий билимлар» билан боғлиқлигини таъкидлайди, Н.С.Сафаев тадқиқотлари педагог талаба-ёшларда ўзликни англаш, қадриятларнинг психологик механизмлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишлиланган. Б.Р.Қодиров иқтидор ва истеъдод масалаларига катта эътибор қаратган, Д.Г.Мухамедова шахснинг ҳар бир тараққиёт босқичидаги етуклигини шу босқичдаги етакчи фаолият, унинг фаоллиги, муваффақиятга эришиши таъминлайди деган ғояни илгари суради ўз тадқиқотида⁸.

⁸Фозиев Э.Ф. Онтогенез психологияси. – Т.: Ношир. 2010. – С. 48.; Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.; А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, “ЎАЖБНТ” маркази, 2002. – 205 б.; Суннатова Р.И. и др. Самосознание субъекта жизнедеятельности.- Т.: -Фан, 2005.; Нишонова З.Т. Мустақил ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг психологик асослари. Психл.ф.док. дисс. – Т.: ЎзМУ, 2005. –Б. 8-9.; Сафаев Н.С. Проблема саморегуляции личности в психологии // Педагогик таълим. 2004/3-сон.; Шоумаров Ф.Б. ва бошқ. Шарқона оила. – Т.: 2012. 122 б.; Мухамедова Д.Г. Совершенствование социально

Психологик етуклик мұаммоси тұғрисида В.В.Семикин, Д.В.Берко, Л.И.Божович, А.Grey ва M.Daviesлар үз тадқиқотларида шахснинг юқори ва паст даражадаги етуклигига эътибор қаратишган бўлса, бошқа тадқиқотчилар Дж.Баттерворт ва М.Харрис, Л.Г.Буряк, Е.А.Водинчар, К.Левин, Г.Олпорт, А.А.Реан, Е.А.Сергиенко, Э.Фромм, Е.Н.Чуева, Э.Эриксон, П.М.Якобсон, ва Россия файласуф, педагог, психолог олимлари В.Г.Белинский, Л.Н.Толстой, В.С.Сухомлинский, К.Д.Ушинский, Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, П.К.Платонов, М.И.Дьяченко, Л.А.Кандибович, Б.Г.Ананьев, И.С.Кон, А.В.Дмитриев, Н.Ф.Тализина, Н.В.Кузьмина, А.К.Маркова, Л.М.Митина, Н.Д.Левитов, Т.Шербакова, М.В.Дубровина кабиларнинг ҳам илмий ишлари эътиборга молидир. Рус психологлари Б.Г.Ананьев, А.Г.Асмолов, С.Л.Рубинштейн, А.В.Брушлинский, Б.Ф.Ломов, В.Д.Шадриков, А.В.Петровскийларнинг тадқиқотларида шахс ва фаолият бирлигига, Б.Г.Ананьев, К.А.Абульханова-Славская, А.А.Бодалев, А.А.Деркач, Е.А.Климов, Н.В.Кузьмина, Э.Ю.Зеер, З.И.Рябикиналар профессионалнинг акмеологик ривожланишига, С.Л.Рубинштейн, К.А.Абульханова-Славская, В.П.Зинченколар шахсга фаол фаолиятни амалга оширувчи субъект сифатида, Дж.Гилфорд, Л.А.Петровская, А.К.Маркова, Л.М.Митина, А.В.Брушлинский, А.А.Бодалев, Н.Д.Левитов, Т.Шербакова, А.Гутько М.В.Дубровиналар психологик компетенция масалалариға алоҳида эътибор қаратадилар⁹.

Талаба-ёшларда психологик етукликнинг ижтимоий-психологик асослари мавзусининг турли қирраларини тадқиқ қилиш замонавий мұаммолардан ҳисобланади.

психологических технологий развития подготовки менеджера образования к инновационной деятельности. Диссерт.доктора психол.наук.-Т: 2015 год.

⁹Семикин В.В. Психологическая культура в педагогическом взаимодействии тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 19.00.07, доктор психологических наук; Божович Л.И. Проблемы формирования личности. М. 2008. 612 с.; Олпорт Г. Становление личности: Избранные труды / Пер. с англ. Л. В. Трубициной и Д. А. Леонтьева. – М., 2002. 234 с., 462 с.; Реан А.А. Психология личности. Социализация, поведение, общение. СПб., 2004.; Фромм Э. Бегство от свободы/ пер. Г.Ф.Швейни-ка. М., 2011. 288 с.; Эриксон Э. Детство и общество. 2-е изд. – Спб.: Ленато, 2006.

Тадқиқотнинг мақсади талаба-ёшларда психологик етукликтинг ижтимоий-психологик омиллари таъсирини назарий-амалий жиҳатдан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий тадқиқотларда психологик етукликтин кўрсаткичларини ажратиш ва илмий таҳлил этиш;

ажратиб олинган психологик етукликтин кўрсаткичларини ёшларда ўрганиш учун хизмат қилувчи психодиагностика ва психокорекцион воситаларини ишлаб чиқиш ва психометрия талабларига мувофиқ ҳолда илмий асослаш;

психологик етукликтин кўрсаткичларини ёшларда ўрганиш учун хизмат қилувчи илмий асосланган психодиагностик ва психокорекцион воситаларни амалиётда синовдан ўтказиши;

ёшларда психологик етукликтин кўрсаткичларини ўрганиш учун хизмат қилувчи психодиагностик ва психокорекцион воситалар жамланмасини амалий тавсия, илмий-услубий рисола ва умумий тўплам кўринишида жамлаш ҳамда амалиётда фойдаланиш учун тақдим этиши;

ёшларда психологик етукликтин кўрсаткичларини ўрганиш учун хизмат қилувчи психодиагностика воситаларидан замонавий ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида фойдаланиш учун ЭҲМ дастурий шаклини яратиш ва мутасадди ташкилотларга тавсия қилиши.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Олий ўқув юртлари педагогика йўналиши талabalari (жами 1-4 курсларнинг 502 нафар талабаси) жалб эталган.

Тадқиқотнинг предмети талаба-ёшларда психологик етуклини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик шароитлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион ишда танлаб олинган вазифаларни амалга оширишда комплекс методлар танлаб олинган бўлиб, булар: меъёрий ҳужжатлар таҳлили, эксперт баҳолаш, психологик тестлар, кузатув, сухбат, анкета, сўровнома, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш. Эмпирик тадқиқот методлари: Психологик етукликтин даражасини ташхис қилишда дунё миқёсида

кенг қўлланувчи энг машҳур методикалардан бири Э.Шостром томонидан 1963 йил таклиф этилган САТ («Самоактуализацион тест»), (Personal Orientation Inventory, E.Shostrom). С.С.Степановнинг «Ижтимоий ва психологик ёшни аниқлаш» методикаси; Е.В.Каляева, Т.В.Прокофьеваларнинг «Шахс етуклигини аниқлаш»га қаратилган сўровнома, Дж.Гилфорднинг «Ижтимоий интеллект диагностикаси» методикаси, «ВАС-вазиятнинг асосий сабаби» маҳсус ишлаб чиқилган методика; маҳсус ишлаб чиқилган «НОМ-носитуатив масъулият сўровномаси».

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

психологик етукликнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари «когнитив», «конатив» ва «эмоционал» жабҳаларда намоён бўлувчи ва шахсий сифатлар билан ижтимоий интеллект муаммосини ўзаро алоқадорлиги кенг қамровли феномен сифатида очиб берилиб, талабалар мисолида аниқланган;

психологик етуклик намоён бўлишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари «жинс», «минимум-максимум даражаси», «ижтимоий интеллект», «шахслик хусусиятлари», «ўзини-ўзи камол топтириш» билан алоқадорлиги аниқланган;

психологик етукликнинг вазиятдан ҳоли ҳолда намоён бўлувчи масъулият билан муносабатини ташхис этиш «Носитуатив масъулиятни ўлчаш сўровномаси » ва «ВАС-вазиятнинг асосий сабаби» методикаси ишлаб чиқилган;

талаба ёшларда психологик етукликни аниқлаш мақсадида электрон дастур яратилган, ҳамда психологик етуклик компонентларини ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тренинглар услугубий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузурида бажарилиши 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-126 рақамили «Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини

ишлаб чиқиши, илмий асослаш, амалиётга татбиқ этиши» номли фундаментал лойиха доирасида ишлар амалга оширилди;

Диссертациянинг амалий қисми «Психологик етуклик даражасини ташхис қилишнинг илмий-услубий жиҳатлари» илмий-услубий қўлланма ва «Психологик етукликни аниқлаш диагностикаси» номли ЭҲМ учун яратилган дастурини амалиётга жорий этиш бўйича Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-амалий Маркази психологлари билан ҳамкорликда талаба ёшлар билан «Талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш» илмий-амалий тренинглари ўтказилди ва дастурий синов амалга оширилди;

Диссертация иши натижалари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлати университети, Жizzах давлат педагогика институтлари ўқув жараёнига жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда маълумотлар халқаро миқёсда ўзининг ишончли эканини тасдиқлаган диагностик воситалар орқали тўплангани; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи тадқиқот методларининг қўлланилгани; тадқиқот обьекти сифатида турли ҳудудлардаги муассасалар танланганлиги; синаувчилар гурухининг етарлича репрезентативлиги; олинган эмпирик қийматлар математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги (Стьюодентнинг t -мезони, К.Пирсон усули бўйича корреляцион таҳлил қилинганлиги); хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани; олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижалари шахс психологияси, касб психологияси, муомала психологияси, ҳамкорлик психологияси, ижтимоий психология соҳаларини, педагоглар касбий тайёргарлигининг ўзига хос психологик хусусиятлари бўйича назарий материаллар билан бойитишга хизмат қиласи. Олинган эмпирик маълумотлар ва изланишларда илгари сурилган ғоялар, назарий мушоҳадалар, илмий

тахлиллар ва хulosалар талаба-ёшларнинг психологик етуклигини ривожлантириш қонуниятлари, механизмлари, мазкур жараёнда юзага келадиган муаммолар ва уларнинг шаклланишига тъсир этувчи омилларни аниқлашга, ўз вақтида ижобий ҳал қилишга, талаба ёшлар психологик етуклик истиқболларини белгилашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган хulosалар ҳамда тавсиялардан олий таълим тизими жараёнида юзага келадиган муаммоларни ечишнинг оптимал ва аҳамиятли усулларини шакллантиришда, бу борадаги долзарб масалаларни ечишга йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинглар ҳамда психологик маслаҳатлар ташкил этишда, олий таълим тизимида талаба-ёшларга таълим бериш, педагогик психология, ёш даврлари психологиясига доир ўқув, илмий-услубий қўлланмалар яратишда самарали фойдаланиш мумкин.

I-БОБ. ПСИХОЛОГИК ЕТУКЛИК МУАММОСИННИГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ

1.1. Психологик етуклик муаммосининг психологик феномен сифатида психологик-педагогик тадқиқотларида илмий-назарий ўрганилганлиги

Шахс билан боғлиқ тушунчалар қаторида унинг жисмоний, ақлий, ижтимоий, маънавий, фалсафий дунёси билан бевосита боғлиқ бўлган бир тушунча бор бу - етуклик тушунчаси. Етуклик тушунчаси В.И.Далнинг рус тили изоҳли луғатида (зрелость) “етилиш, пишиш, ўйлаб, фикрлаб иш кўриш даври” деб ифодаланган [51].

А.В.Петровский ва М.Г.Ярошевскийнинг “Психология” луғатида берилган изоҳда етуклик - бу онтегенезнинг узоқ давом этадиган даври бўлиб, шахснинг маънавий, интеллектуал ва жисмоний етилишининг юқори ривожлаганлиги билан харakterланади [111., 126 б]. Ушбу изоҳда етуклик ёш даврлари билан бевосита боғлаб берилган бўлиб, унда ёшлиқ, етилиш, асл етуклик таъкидланади. Ушбу тушунчага Артур Ребернинг “Катта психологик изоҳли луғати”да қуидагича изоҳ берилади. “Етуклик - улғайиш, бўй ўсишининг тугаши, етилиш даврининг якунланиши. Ушбу термин кўп ҳолларда етилиш турини аниқлаш мақсадида сифат билан қўлланилади. [125., 287]. Масалан, тўлиқ етуклик, интеллектуал етуклик, эмоционал етуклик ва ҳ.к. Кўп ҳолларда бу тушунча одамларни ижтимоий ҳаётдаги норма ва талабларни қай даражада намоён қилишларини баҳолашда қўлланилади.)

Француз психологи Э.Клапаред (1926) етукликни психик “тошдай қотиш” ривожланишнинг тўхташи деб изоҳлайди.

Етуклик тушунчаси А.Мадвалиев таҳрири остидаги Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “етук эканлик, етук даражага эга эканлик” деб таърифланган[181, 606 б].

Ўзбек тилининг изоҳли луғати З.М.Маъруфов таҳрири остида “етуклик – етук тушунчаси билан изоҳланган, етук - жисмоний жиҳатдан тўла ривожланган, камолатга эришган, билимли, илимли, ўз ишида катта тажриба, билим, маҳорат орттирган; тажрибали, юқори савияда ишлаган; пишиқ, пухта” деб таърифланган[182., 251 б]..

Психология фанлари доктори, профессор Ф.Б.Шоумаров етуклик тушунчасига “тўла етуклик” тушунчаси орқали изоҳ беради. Агар одамни у ёки бу фаолиятга “тўла етуклиги” ҳақида гапирадиган бўлинса, демак бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиши мумкин эмаслигини билдиради. “Етуклик” ҳақида гапирилганда бу тушунчадан маълум бир умум қабул қилинган стандарт, ўртacha меъёр, маълум бир шартли “ўлчов бирлиги”, кўрсаткичлар ва шу кабилар сифатидагина фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан олганда “етуклик”-ривожланишнинг маълум бир босқичи, фазаси, чегарасига етилганликнинг сифатий ва миқдорий характериститкасини маълум бир аниқликда белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб хизмат қиласи.

Замонавий психологияда бугунги кунда етуклик тушунчаси тез-тез қўлланилмоқда. Бу тушунча барча ёш даврларига нисбатан қўлланилиб, уларнинг мазмун-моҳиятини очишида муҳим аҳамиятга эга.

Етуклик бу нима? Бу жисмоний ёшгина эмас, балки бу ижтимоий, эмоционал, маънавий ва интеллектуал тараққиётдир. Етуклик, аввало, субъектив тушунча бўлиб, етукликни белгиловчи мезонларгина эмас, балки шу тушунчага ва шу ҳолатга шахснинг ўз муносабати ҳам муҳимдир. Психологияда етуклик тушунчаси анча кенг мушоҳада қилишни талаб этадиган тушунча. Зеро, бу тушунча индивид, шахс ва индивидуаллик тушунчалари билан бевосита боғлиқ. С.Л.Рубинштейннинг фикрича, боланинг етуклиги ташқи ва

ички факторларга эга. Улар шахс тараққиёти турмуш тарзи, унга бўлган эътибор ва муҳит билан белгиланади. Шу билан бирга, боланинг ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини тараққий эттириши ва фаолияти унинг турмуш тарзи ўзгаришига қараб ўзгаради ва тараққиётнинг янги босқичларига замин яратади. [128, 463с.]

Етуклик тушунчаси ва муаммоси қатор йиллар давомида академик Б.Г.Ананьев ва унинг шогирдлари томонидан ўрганилган. Б.Г.Ананьевнинг фикрича, етуклик мезонларини ишлаб чиқиш ва тахлилида “етуклик” тушунчаси “катта бўлиш”, “камол топиш” тушунчалари билан уйғунлашиб синонимик қаторни ташкил этиши мумкни. Лекин аслида, субъектив фаолият ва шахс ҳақида гап кетганда, улар, албатта, мазмун ва моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Катта бўлиб етилиш бу ҳали етуклик эмас. У инсоннинг етуклигига бевосита боғлиқ характерли хусусиятларни таъкидлаб ўтади. Булар: а) шахсий ва функционал ўзгаришларнинг гетерохронлиги; б) тарихий ўзгаришлар шароитида ёш ва индивидуал ўзгарувчанлик.

Б.Г.Ананьевнинг фикрича, инсон ўқув фаолиятидан меҳнат фаолиятига ўтганда етуклик бошланиб, у фуқаролик, ақлий ва ахлоқий етуклик йўналишларида намоён бўлади [17,158-159]. Буни ёш даврлари билан боғлаган ҳолда инсоннинг индивид сифатида етилиши (жисмоний етуклик), шахс сифатида етуклиги (фуқаролик етуклик), оламни англаш субъекти сифатида (ақлий етуклик) ва меҳнат фаолиятига йўналганлик (меҳнатга лаёқатлилик) бир ёш даврида намоён бўлмайди. Б.Г.Ананьевнинг фикрича, инсоннинг умумсоматик ва жинсий етуклиги биологик критерийлар билан, ақлий тараққиёт ва ақлий етуклик аниқ таълим тизими ва тарихий давр билан, фуқаролик етуклиги хуқуқий саводхонлик, юридик мақомга эга бўлиш, хуқуқ ва бурчлар билан, шахсий етуклик миллий урф-одатлар, муҳит, иқтисодий-сиёсий шароитга, касбий етуклик ақлий ва жисмоний етукликка бевосита боғлиқ.

Етукликнинг гетерохронлиги барча формацияларда сақланиб қолиши таъкиланади. Б.Г.Ананьев ва унинг шогирдлари томонидан шахснинг умумий соматик, жинсий ва психологик етилиш

гетерохронлиги ўрганилган бўлиб, инсоннинг ёши улғайган сари гетерохронлик яққол намоён бўлиб, ўрта ва ёшрок давларда мос келмаслик кузатилар экан.

Бугунги кунда етуклик тушунчаси инсоннинг турли ёш давларига изоҳ беришда қўлланилмоқда. XX асрнинг 60-70 йилларида етуклик тушунчаси “ўрта ёш”, “етилиш” деб талқин қилинган. Дж. Биррен тадқиқотларида “етуクリニック” инсоннинг қарилик даври билан уйғунлашади. У етукликини қуидаги давларга бўлади: ўспиринлик — 12-17 ёш; эрта етуклик — 17-25 ёш; етуклик — 25-50 ёш; кеч етуклик — 50-75 ёш; қарилик — 75 ёш.

Айнан ўспиринлик етукликинг бошланғич даври эканлиги ҳақида таъкидларни А.К.Болотова, Т.З.Козлова, И.С.Конлар ҳам айтиб ўтишган.

Маълумки, ҳар бир ёш даври, ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади, буларга: оиласда ва мактабда бола ҳолатининг ўзгариши, таълим ва тарбия шаклларининг ўзгариши ҳамда боланинг янги фаолият турлари, организмдаги айrim хусусиятларнинг етилиши сингари жараёнларни киритиш мумкин.

Кўп ҳолларда кўплаб адабиётларда “етук шахс” тушунчаси комиллик билан боғлаб келинган. Рус психологлари етук шахс хусусиятларига фаоллик, йўналганлик, англанилганлик ва хулқатвор, атрофга бўлган муносабат, шахслараро муносабатлар, установка ва шахс диспозицияларини киритишган.

Етуклик қадимий греклар томонидан ҳам эътироф этилган. Қадимий греклар етукликин ёш ва руҳий ҳолатидан келиб чиқиб “акме”, яъни чўққи, нимагадир эришишнинг юқори даражаси деб изоҳлашган. Бугун замонавий педагогика ва психологияда “акмэ” тушунчаси қўлланилиб, илк бор илмий жиҳатдан Н.Н.Рыбников (1928) “акмеология” терминини киритиб, етукликин инсон ҳаётининг энг мақсулдор, ижодкор даври сифатида таърифлайди [34]. Кейинчалик “акмэ” тушунчаси А.А.Бодалев томонидан янада кенгроқ таҳлил этилиб, акмэ – инсоният имкониятлари ва кучининг

ифодаланиши ижтимоий, ахлоқий, касбий, ментал етуклиги деб изоҳланади.

А.А.Бодалевнинг таъкидлашича, акмэ – бу, аввало, шахсий тараққиёт, инсоннинг бирор-бир вазият ва хатти-ҳаракатда ўз имкониятларини намоён қилиши, юқори ривожланган шахс сифатида жамият ва унинг маданий ривожланиши қадриятларини ўз қадриятлари сифатида намоён қилишидир. Шу нуқтаи назардан, улғайиш ва етуклик синоним ва бир хил тушунчалар эмаслиги у томонидан таҳлил этилади. Инсон улғайиши мумкин, лекин етуклик даражасига етмайди. “Агар инсон турли вазиятларда умуминсоний нормалар ва қадриятлар асосида хатти-ҳаракат қилса, уни дадил етук шахс дея оламиз. Лекин бошқа бир вазиятда бир норма ва талабга риоя қилиб, бошқа бир вазиятда унга риоя қилмаса ва қабул этмаса, демак у қисман “етук” дея оламиз”-дейди у[29]. Акмеология (akme) - юононча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузьмина, А.А.Деркач ва бошқалар касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий даврлари, етуклик босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг профессионализми, шахс ривожланишининг гуллаган давридаги психик қонуниятлари, профессионализмга етишдаги баландликлардан ўта олиш масалалари билан шуғулланганлар.

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассиснинг узоқ ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омилларга эса, инсоннинг истеъоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал қила олишидаги масъулияти, мутахассисларга хос билан ёндашувини киритади.

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида куйидагилар кўрсатилади:

- истеъоди нишоналари;
- уқувлилик;

- қобилият;
- истеъдод;
- оила тарбияси шароити;
- ўқувюрти;
- ўз хатти-ҳаракати.

Акмеология илмий нуқтаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал – ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чукурлиги, интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан ҳушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, яратувчиликка йўналган курашувчанлик қобилияти;
- ахборотларга ташналиқ, муаммолардаги ғайриодатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйгу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик (Н.В.Вишнекова).

В.А.Сластенин ижодий индивидуализмни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилайди:

- ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитиш;
- педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаб туриш;
- Самарали ва аҳамиятли меъёрларни белгилайдиган янги технологияларни топиш;
- шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиши асосида ўз ривожланишини таъминлаш.

Диспозицион назария муаллифи Г.Олпортнинг фикрича инсоннинг етилиши доимий, узлуксиз бутун умр давом этадиган жараёндир. У етук ва етук бўлмаган шахсни ажратади. Етук шахс хатти-ҳаракатлари автоном ва англанилган жараёнлар мотивига эга.

Етук бўлмаган шахсда мотивлар англанилмаган, болалик хотираларига боғлиқ.

Психологик етук шахснинг олти жиҳатларини таъкидлаш мумкин:

1. Етук шахс “Мен”и кенг имкониятларга эга. Етук шахс ўз-ўзига ташқаридан қарай олади. Улар меҳнат, оилавий ва ижтимоий муносабатларда фаолдирлар. Уларнинг хоббиси бор, турли масалаларга қизиқадилар ва ўз-ўзларига бўлган қизиқиш мавжуд.

2. Етук шахс илиқ инсоний муносабатларга мойил. Улар дўстлик ва ҳамдардлик муносабатларини ўрната оладилар. Дўстлик муносабатлари оила, яқин инсонларга нисбатан ифодаланса, ҳамдардлик толерантликда, шу одамни қабул қилиш ва унга ҳурмат муносабатини билдиришда намоён бўлади.

3. Етук шахс ўзига ташқаридан қарай олади, ўз эмоцияларини жиловлай олади, атрофдагиларни безовта қилишдан ўзини тияди.

4. Етук шахс вазият ёки ҳолатни қандай бўлса, шундай кўради ва қабул қиласи. Улар реал ҳаётни тўғри қабул қиласидар, фактларни ўзгартирмайдилар, ўз тажрибаларига суюнадилар. Зарур вазиятда ўз хоҳиш ва режаларини орқага суро оладилар.

5. Етук шахсларда ўз-ўзини билиш ва реал юмор ҳисси мавжуд. Олпортнинг фикрича, юмор- бу энг севимли нарса устидан қулиш ва шу билан бирга уни севиш ва ёқтиришдан тўхтамаслиқдир.

6. Етук инсонда ҳаётий фалсафа мавжуд. У оламнинг тўлиқ кўринишини тасаввур қиласи ва узвий кетма-кетликка риоя қиласи.

Етук шахс тушунчаси А.Адлер изланишларида ҳам ўз аксини топган. У етукликни умид бериш, қониқиши, альтруистик фазилатларни намоён қилиш, ўз ўрнини билиш, ижодий потенциалнинг ифодаланиши, деб изоҳлайди. Олимнинг фикрича, етук шахс намуна, этalon бўлиб, унда бошқалар билан мулоқотга киришиш учун энг яхши фазилатлар мужассамлашгандир.

Шахснинг етуклик муаммоси нафақат акмеология, балки тараққиёт психологияси, шахс психологияси негизида ҳам ўрганилган. Бу нуқтаи назардан хориж ва рус психологларидан Э.Эриксон, Г.Олпорт, К.Роджерс, Ф.Перлз, Б.Г.Ананьев,

Л.И.Божович, Д.И.Фельдштейн, П.М.Якобсон, К.А.Абульханова-Славская, И.С.Кон, Б.В.Зейгарник, Б.С.Братусь, Л.И.Анцыферова, А.А.Бодалев, А.А.Деркач, В.М.Русалов, А.А.Реан, Д.А.Леонтьев, Е.Л.Доценколар етук шахснинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини ўрганишган.

Илмий тадқиқотимизининг мақсади талаба-ёшларда психологик етукликнинг ижтимоий-психологик томонларининг назарий жиҳатларини ишлаб чиқиши ва амалда синаб кўриш бўлганлиги сабабли, ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар ҳам тахлил қилинди.

Хусусан, талабаларнинг олий таълимда ўқишга мотивацион тайёрлиги муаммолари билан А.К.Байметова, С.В.Бобровицкая, Е.П.Ильин, Е.В.Щелыковалар, талабаларнинг таълим ва меҳнат фаолиятига психологик тайёрлиги муаммолари билан Е.В.Вальтеран, Н.А.Зенков, И.Ф.Нестеров, М.А.Силковалар, талабаларнинг шахс етуклиги муаммосини А.Л.Журавлёв, мотивацион етуклик муаммосини А.К.Марков, Т.А.Матис, А.Б.Орлов, касбий етуклик муаммосини Е.Гинцберг, Д.Сьюпер, А.П.Чернявская, ички мотивациясини Э.Л.Диси, Р.Раян, В.И.Чирков, муваффақиятга эришиш мотивациясини Дж.Аткинсон, Т.О.Гордеева, Д.Макклелландлар ўрганишган.

Шуни таъкидлаш лозимки, илмий тадқиқотлар ва адабиётларда талаба шахсининг етуклиги, талаба-ёшларда психологик етукликнинг ижтимоий-психологик томонларининг назарий жиҳатлари муаммоси мустақил тадқиқотлар предмети сифатида акс этмаган. Кўп ҳолларда етуклик муаммоси бошқа муаммолар негизида, хусусан ишонч(Т.П Скрипкин), кризис шароити касбий, шахсий реадаптация (Г.Г. Горелова), ҳаётий муносабатлар (Е.Б.Старовойтенко), шахсий мулкка муносабат (О.Н.Маркова), пулга муносабат (М.Ю.Семенов), низолашув (И.Н.Свириденко), отоналиқ бурчлари (Е.А.Нестерова) контекстида ўрганилган.

Етуклик структураси эмоционал, когнитив, ижтимоий-мотивацион, интеллектуал, иродавий ва бошқа компонентлар билан узвий боғлиқ. Г.С.Абрамова, 1998; Л.И.Анцыферова, 1989;

И.А.Баева ва В.В.Семикин, 2004; Д.В.Берко, 2000; Л.И.Божович, 1992; И.П.Стрельцова, 2003; Л.А.Хараева, 1999; A.Grey ва M.Daviesлар ўз тадқиқотларида шахснинг юқори ва паст даражадаги етуклигига эътибор қаратишган бўлса, бошқа тадқиқотчилар Б.Г.Ананьев, 2005; Дж.Баттерворт ва М.Харрис, 2000; А.А.Бодалев, 1998, 1999; Б.С.Братусь, 2004; Л.Г.Буряк, 2005; Е.А.Водинчар, 2002; К.Левин, 2000; Г.Олпорт, 1998; А.А.Реан, 2002; Е.А.Сергиенко, 2003; Э.Фромм, 1990; Е.Н.Чуева, 2005; Э.Эриксон, 1996; П.М.Якобсон, 1998 ва бошқалар етукликнинг ёш билан бевосита боғлиқлигини таъкидлашган. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, ҳеч бир тадқиқотда алоҳида тўлиқ шахснинг етуклик муаммоси очиб берилмаган.

Етуклик муаммосининг психологияяда ўрганилганлигини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хуносаларга келиш мумкин:

1. Етуклик муаммоси психологик адабиётларда тез-тез ишлатилишига қарамай, бу муаммо бир ёқлама, шахс характеристикаси ва ҳолатини ўрганишда қўлланилмоқда.

2. Кўп ҳолларда “етуклик” тушунчасига маълум ёш давридаги ўзгаришлар ва етилиш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар хақида гап кетганда тўхтаб ўтилмоқда.

3. XXI аср бошларида “улғайиш” ва “етуклик” тушунчалари ўртасида фарқ юзага келди. Зоро, “улғайиш” ёши 25-30 дан 40-45 ёшгача, “етуклик” ёши эса 40-45 дан 55-60 ёшгача, деб таҳлил этила бошланди ва бу борада маълум эътиrozлар ва қарама-қаришиликлар юзага кела бошлади.

4. Етукликни характерлашда қуйидаги етуклик турлари изоҳланади: умумсоматик, жинсий, ақлий, фуқаролик, меҳнат, шахсий. Адабиётларда таъкидланишича, тараққиётнинг юқори чўққиси “акмэ” га улғайгач эришиш мумкин, деган таъкидлар мавжуд.

5. Психологик адабиётларда шахснинг “етуклиги” унинг жамиятда ҳар томонлама намоён бўлиши, ўз-ўзига бўлган муносабати, шахснинг келажақдаги ривожланиши муаммолари билан боғлиқ ҳолда баён қилинган. Шу билан бирга, адабиётларда

шахс етукликка маълум давр мобайнида, ўз устида ишлаш натижасида эришиши мумкин, деб таъкидланади.

6. Етукликнинг асосий уч турини ажратиш мумкин: биологик, когнитив ва психологик.

Етукликнинг биологик ва когнитив турлари маҳсус адабиётларда етарли ўрганилган, лекин “психологик етуклик” тушунчasi чуқур тахлил, изланишни талаб этиши ва барча ёш даврларида сензитивликдан келиб чиқсан ҳолда қўлланилиши мумкинлигини тадқиқ этиш лозимлиги аниқланди.

1.2. Психологик етуклик компонентлари ва уларга таъсир этувчи омиллар

Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг миллатнинг келажаги йўқдир. Ҳақиқий инсонни, фуқарони тарбиялаш мураккаб жараёндир. Зоро, ҳар бир фуқаро фуқаролик жамиятининг эзгу ғояларига содиқликни, аҳлоқ-одобиликни, ўзи яшаётган жамиятда юз берадиган ўзгаришларга бефарқ бўлмасликни, Ватан тимсолларини қадрлаш ва сақлашни, Ватан равнақи учун бутун куч, имкониятини сарфлашни ва ўз-ўзига «Мен нима учун, шу халқ учун, унинг равнақи ва фаровонлиги, тинчлиги ва гуллаб-яшнаши учун яшаяпман» деган жавобни мужассамлаштирган бўлиши лозим. Фуқаролик онгига мустақиллик, ватанпарварлик, садоқат, миллий ғурур каби тушунчаларни сингдириш, уларни буюк давлатнинг фарзандлари қилиб тарбиялаш давр талабидир. Жамият ва инсон манфаатига қаратилган бу ислоҳотларнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир.

Психологик етуклик тушунчasi ва унинг компонентлари ҳақида фикр юритар эканмиз, улар энг аввало етуклик даврининг мураккаб, қарама-қаршиликларга эга, онтогенези қонуниятларида намоён бўлувчи, фаолиятга бевосита таъсир этувчи ва шахснинг ҳаётий тажрибасини ўзида акс эттирувчи хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Шундан келиб чиқсан ҳолда Б.Г.Ананьевнинг

таъкидлашича, етуклиқ онтегенези икки фазадан иборатdir. Биринчи фаза умумий функциялар фронтал прогресс асосида шаклланади (ўспиринлик, ёшлик ва ўрта ёшда). Иккинчи фазада функциялар эволюцияси маълум фаолиятга йўналганлик негизида ривожланиб боради. Етуклиknинг иккала фазасида ҳам юқори ривожланиш даражасига эришиш юқори мотивация, оптимал юклама, операцион янгиланиш эвазига амалга оширилади[17., 158-159 б].

Етуклиқ деганда, инсоннинг маълум ёш даврида унинг ривожланишига қўйилган мезонлар даражасида тўлиқ етилиши, катталар қўядиган талабларга жавоб бериши ҳамда ўзи ҳам айнан шу жараённи англаб етиши деб изоҳлашимиз мумкин. Айнан психологик етуклиқ ҳақида гап кетганида унга таъсир этувчи биринчи омиллардан бири интеллектдир. Ғарб олимлари ўз тадқиқотларида ушбу муаммога ҳар томонлама ёндошишига ҳаракат қилганлар ва ўз тадқиқотлари предметига айлантирганлар.

Экзистенциализмнинг асосчиси бўлмиш немис файласуфи Мартин Хайдеггер (1889-1976) “ўз диққатимизни тушуниш учун фикримизни қарат олсаккина, биз фикрлашга ўрганамиз”, -деб ёзади. Унинг фикрича, нарса ва воқеаларнинг моҳиятини тушуниш, англаб етиш инсоннинг фикрлаш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Тушунишни талаб қиласидиган нарса инсонни фикрлашга ундейди. Тушунишни талаб қиласидиган нарса ҳеч қачон биз томонимиздан яратилмайди.

Ғарб ёзувчиси И.Лафантен ҳам ўз вақтида ёшларга ақл тарбияси хусусида бундай ёзган эди: «Ақлли, доно бўлишни хохлайсанми? Оқилона сўраш, диққат билан тинглаш, баъманилик билан жавоб бериш, гапиришга сўзинг қолмагандан, ўз вақтида тўхташга ўрган». Бу сўзларнинг тагида, замирида жуда катта маъно ва ҳаёт фалсафаси ётибди. Тафаккурнинг функцияси мия фаолияти жараёнида кечадиган субъектив психологик жараёнлар билангина чегараланмайди.

Биринчидан, интеллект онгнинг субъектив ҳолатинигина ифодаламасдан, балки объектга ҳам тегишли бўлади ва нарсалар муносабатини ифодалайди.

Иккинчидан, янги фикрнинг вужудга келиши билан билиш жараёни тугамайди, балки фақатгина бошланади. Бу билишнинг бошланғич босқичи бўлиб, ғоянинг субъектив ҳолатидир, энди фикрни амалга ошириш босқичи бошланади.

Учинчидан, алоҳида индивиднинг фикри ижтимоий етилган фикрларнинг хусусий кўринишидир. Ҳар бир алоҳида шахс ижтимоий тушунчалар ва тасаввурлар ёрдамида фикрлайди. К.Р.Мегрелидзе инсон фикрининг ижтимоийлиги ҳақидаги фикрни қайта-қайта таъкидлайди: «Фикрлар ва ғоя эркин индивидуал ижоднинг маҳсули эмас, балки индивиднинг ўзи каби жамият ва ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Шунинг учун инсон тафаккури, тафаккур босқичлари, инсон тафаккурининг шакллари ва усуллари ҳақидаги жумбоқнинг ечимини мантиқий изланишлардан, анъанавий психологиядан эмас, балки аввало бу ғояларнинг ижтимоий келиб чиқишидан излаш керак. У ёки бу индивид жамиятда етилган ижтимоий ғояларнинг «тасодифий» ифодаловчиси бўлиб қолади».

Замонавий ўзбек психология фанида ҳам тафаккур, шахс интеллекти муаммоси қатор тадқиқотлар обьектига айланган. Ушбу муаммо билан боғлиқ тадқиқотлар, илмий рисола ва мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, тафаккур муаммоси мунозаралар обьекти сифатида олимлар дикқат эътиборидадир.

М.Г.Давлетшин, Э.Г.Ғозиев, В.М.Каримова, Р.И.Суннатова, З.Т.Нишоновалар биз кўтарган муаммони ўқитувчи фикрини янада шакллантириш, мантиқийлик, ижодий, танқидий ва мустақил фикрни ифодалаш муаммоларини уйғунлаштирган ҳолда ўз тадқиқотларида ёритиб бердилар. Бирор нарса ёки ҳодиса рўй берган, бераётган воқеа-ҳодиса хусусида миямииздан ўтган туйғуларимиз-фикрдир. Фикрларни тартибга солиш, уларни ўз ўрнида ишлатиш ва бошқариб туришга жавобгар бўлган жараённи психологлар фикрлаш ёки тафаккур деб атайдилар. Инсон ҳаётини

фикрсиз, фикрлашсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Муаллифлар фикрнинг ижтимоий моҳиятини очиб берадилар: «фикрлашни жамиятга боғлиқ ҳодисадир дейиш мумкин». Тасаввур қилинг: сизда бирор муаммо ёки масала юзасидан фикр бор, яъни мустақил ёки танқидий фикрнингиз бор, бу фикр сизга жуда маъқул ва уни сиз мантиқан асосланган, деб ҳисоблайсиз. Агар шундай ишонч, ҳаттоқи, эътиқод бўлса, сиз албатта, кимлар биландир уни ўртоқлашиш эҳтиёжини сезаётганлигинги англайсиз. Агар унинг «пишиб етилганига» бироз бўлса ҳам иккилансангиз, бу фикрни бирорга айтмай қўя қолиш ёки жуда яқин кишингиз билан ўртоқлашишга интиласиз. Демак, пайдо бўлган янги фикр одамни бошқалар билан мулоқотда бўлиш, улар билан ўртоқлашишга ундейди. Айни шу жиҳати фикрлашнинг ижтимоийлигидан дарак беради. Ушбу соҳа ўзбек психологларидан Э.Фозиев ишларида ўз аксини топган. Унинг тадқиқотларида ақлнинг энг муҳим сифатларидан-тафаккурнинг мустақиллиги ажратилади. Муаллиф тафаккурнинг бу муҳим сифатини қўйидагича белгилайди: «Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига конкрет мақсад, яъни вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характердаги фараз (гипотеза)лар қилиш, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган вазифани ҳеч кимнинг кўмагисиз кўрсатмасиз, ўзининг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб мустақил равища ҳал қилишдан иборат ақлий фаолият деб тушуниш керак». Олим олий таълим психологиясига доир қатор услубий кўлланмалар, хусусан, “Олий мактаб психологияси” кўлланмасини яратган ва унда талаба ёшларнинг ижтимоий-психологик аспектларига ургу берган[172., 106 б].

Етуклиқ даврида интеллект ва тафаккурнинг ривожланишига тўхталадиган бўлсак, Фульдс ва Равен фикрича, 20 ёшлиларда мантиқий тафаккур қобилияти 100%, 30 ёшда 96%, 40 ёшда- 87%, 50 да – 80% ва 60 ёшда 75%ни ташкил этаркан. Етуклиқ даврида интеллектнинг ривожланиши икки фактор: ички ва ташқи факторга боғлиқ. Иқтидор - бу ички фактордир. Иқтидорли кишиларда бу

жараён, яъни ривожланиш узоқ давом этади ва инновацияларнинг кириб келиши кечроқ бўлади. Етуклик даврида интеллект ривожланишининг ташқи факторларига таълимни киритиш мумкин. Зоро, айнан таълим етуклик даврида қариш ва психик функцияларнинг инволюциясини тўхтатиб туради. [31, 231-2346]

Е.И.Степанова етуклик даври интеллектуал тараққиётининг учта даврини ажратади. Биринчи давр-18-25 ёшгача, иккинчи давр-26-35 гача ва учинчи давр 36-40 ёшгача. Ушбу микро даврлар хотира, тафаккур, диққат ва умумий интеллектнинг турли темпда ривожланишини фарқлайди. Етуклик даврида интеллектнинг ниҳоятда ўзгарувчанлиги биринчи даврда кузатилади. Кейинги даврларда бу ривожланиш анча барқарорлашади. Иккинчи ва учинчи босқичда нутқий интеллектнинг ривожланиши яққол намоён бўлади. Ушбу даврларга қисқача характеристика Е.П.Ильин томонидан берилган бўлиб, у қўйидагича изоҳланган.

Эрта етуклик - етилишга қадам қўйиш босқичи бўлиб, у организмнинг биологик етилиши, оптимистик руҳнинг мавжудлиги, шахсий ва касбий келажакни режалаштириш, фуқаролик етуклигига эришиш, ижтимоий ролларнинг ўзгариши билан ифодаланди.

Ўрта етуклик - бу “очилиш” даври бўлиб, ижодий ва касбий муваффақиятга эришишнинг юқори босқичи, қайсиdir миқдорда ҳаётий фаолликнинг камайиши, ўз билим, малака ва кўникмаларини куйи авлодга қолдириш эҳтиёжининг мавжудлиги, лекин шу билан бирга, эриша олмаган ютуқлари ва муваффиқиятсизликларидан ўкиниш ҳам давридир.

Кеч етуклик - касбий ва профессионал фаолиятнинг якунланиши, янги ижтимоий ролларнинг юзага келиши, қарилик даврига ўтиш даври билан боғлиқдир[61., 7 б].

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интеллектнинг оптимизациясига илмнинг таъсири катта экан. Олий маълумотли кишиларда етуклик даврининг барча босқичларида интеллектнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Ҳатто, айнан етуклик даврида таълим ва илмни ривожлантиришга интилиш ортиши кузатилади.

Илмий фаолият билан шуғулланувчиларининг онтогенестик динамикаси

Старт	1-оптимум	1-инқироз	2-оптимум	2-инқироз	3-оптимум	3-инқироз
Математиклар	23-39	39-45	45-54	54-58	58-67	67 ёшдан кейин
Физиклар	27-41	41-45	45-55	55-60	60-70	70 ёшдан кейин
Биологлар	31-40	40-47	47-55	55-60	60-75	75 ёшдан кейин
Психологлар	30-40	40-45	45-59	59-65	65-70	70 ёшдан кейин
Физиологлар	28-42	42-46	46-55	55-60	60-70	70 ёшдан кейин

Етуклик даврида оптимум (юқори натижага эришиш) ижодий фаолиятда ҳам ёрқин намоён бўлади. Етуклик даврида, масалан, илмий фаолиятда оптимум 35-45 ёшда намоён бўлса, 20-25 ёшда хореографик, 30-35 ёшда мусиқа ва шеърият, 40-55 ёшда сиёsat ва бошқарув фаолиятида юқори натижалар кузатилади. Албатта етуклик даврида фақат оптимум эмас, балки инқирозий орқага кетиш ёки тўхтаб туриш ҳолатлари ҳам кузатилади. Шуни таъкидлаш лозимки, етуклик давридаги имкониятларни тўғри аниқлаш ва баҳолаш шахс имкониятларини тўғри тақсимлаш имкониятини беради. Бу инсон интеллектининг продуктив даврини билиш ва уни ишга солишга ёрдам беради. Албатта интеллектнинг оптимуми ва инқирози ҳаммада ҳам бир хил вақтда намоён бўлмаслиги мумкин. Бу шахснинг индивидуал хусусиятлари, ташқи ва ички омиллар, мотивацияга, яшаш муҳитига бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Бежизга ҳам етуклик даврида ижод ахли вакиллари бир хилда самарали меҳнат қилишмайди. Бу бевосита замон ва макон ҳамда шахсга боғлиқдир. Қуйидаги 1-жадвалда умумий ҳолатда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бир неча фан

йўналишларида шахс оптимуми ва инқирози даврларини кўришимиз мумкин.

Эрта етуклик даврида шахс шахсий ҳаётй образини, касбий ролини, ижтимоий фаоллигини тасаввур қиласи ва яратишга замин қўяди. Ўрта етуклик даврида ижтимоий ва касбий роллар консолидацияси юзага келади. Етукликтинг қути даврида фаолият йўналишига кўра касбий ва ижтимоий роллар доминанта ҳисобига ўзгариши, қайта кўриб чиқилиши, оилавий муносабатлар структурасига ўзгартиришлар киритилиши билан характерланади[143].

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, етуклик тушунчасида нафақат интеллектуал тараққиёт, касбий ролларнинг шаклланиши, балки оилавий етуклик фактори ҳам мавжуддир. Профессор Ф.Б.Шоумаров таъкидлаганидек, етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасидан ҳуқуқий, тиббий, жинсий етуклик аниқ маълумотлар, аломатларга эга бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик етуклик жиҳатлари бироз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади. Бунда оила етукликтинг барча кўринишлари шаклланишида бош омиллардан бири эканлигини таъкидлаш лозим[165].

Ёшларнинг ижтимоий етуклиги масаласи ҳам кўриб чиқилиши лозим. Ижтимоий етуклик турлари: жинсий, фуқаролик, касб-ҳунар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва психологик етукликтин фарқлаш лозим.

Профессор Ф.Б.Шоумаров “етуклик” тушунчаси маълум бир ҳаётй тажриба билан, яъни “ҳаётй билимлар” билан боғлиқлигини таъкидлайди. “Ҳаётй билимларни ўзлаштириш”, “Ҳаёт университетларидан” ўтишнинг ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлари мавжуд. Кимдир 20 ёшдаёқ “ҳаётни яхши билиб олади”, кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади. Ҳаётни билиш, ҳаётй тажрибалар турли индивидларда турли жадалликда

амалга ошиши мумкин ва бу ўринда қандайдир ёш, вақт оралигини мутлақ күрсатиш мумкин эмас[165].

Шунга қарамай, ижтимоий ва иқтисодий етуклиknинг маълум бир минимум чегараларини белгилаб олиш мумкин, яъни шундай ҳаётий тажриба, билимлар “минимуми” мавжудки, уларсиз бирон-бир ёшни, йигит-қизни том маънода етук деб ҳисоблаб бўлмайди.

Етуклиkn изоҳлашда бу жараёнга шахснинг ўз муносабатини таҳлил этиш лозим. Шундан келиб чиқсан ҳолда етуклиk:

- масъулиятни ўз бўйнига олиш ва қарор қабул қилиш;
- етакчи бўлишга интилиш, ўзи ва атрофидагиларни бошқара олиш;

- ўзи ва атрофидагиларни эмоционал ва руҳий қўллаб-куватлашга тайёр бўлиш;

- ўзига ишониш ва қатъият билан ҳаракат қилиш;

- фалсафий мушоҳада қилиш ва фикрларни умумлаштира олиш;

- ўз принципларини ҳимоя қилиш, илгари сурган қарашларини тасдиқлай олиш, танлаган йўлидан қайтмаслик, иродавий мустаҳкам бўлиш;

- шахсий индивидуал қарашга эга бўлиш;

- ҳаётий тажрибани орттириш ва уни ёш авлодга беришга тайёр бўлиш;

- реализм, рационаллик, қилган ишларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва унга жавоб бера олиш;

- ҳаётий ижтимоий ролларда ўзгармаслик ва тўғри бажаришга интилишдир.

Инсон юқорида қайд этилган мезонларни ўзида мужассамлаштиргандагина етуклиkkка етгани ҳақида гапириш мумкин. Бу ўринда етуклиk касбий, ижтимоий-оилавий, ҳаётий-сиёсий, мулоқот, шахслараро мунсабатлар, фарзанд тарбияси билан боғлиқ фаолиятларда ифодаланиши мумкин. Албатта, етуклиk шахс ривожланаётган мухит ва унга таъсир этаётган факторларга бевосита боғлиқ.

Шахснинг етуклиk даражасига таъсир этувчи 5 аспектни ажратиш мумкин:

1. Муваффакиятга интилиш мотивацияси - қўйилган мақсад сари интилиш, максимал равища ўз-ўзини реализация қилиш, мустақиллик, ташаббускорлик, лидерликка интилиш, юқори натижаларга эришишга ҳаракат қилиш.

2. Ўз “Мени”ига муносабат, ўзига бўлган муносабат, қобилият, характер ва темперемент муносабатлари, ўз-ўзини баҳолаш, талабчанлик, самимийлик, камсуқумлик, ўзини манманликдан асраш, бошқа одамларга нисбатан ҳурматда бўлиш.

3. Фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, касбий масъулият ва компетенция, мулоқот қилишга эхтиёж, жамоавий меҳнатни қўллаб-қувватлаш.

4. Ҳаётий установкалар. Интеллектнинг хис-туйғудан устунлиги, эмоционал барқарорлик, ҳамкорликка интилиш ва кенг фикрлилик.

5. Бошқалар билан эмоционал, психологик яқинликка интилиш. Бошқаларни эшлиши қобилияти, бошқалар билан яқин бўлиш эхтиёжи.

Шахснинг ҳар бир тараққиёт босқичидаги етуклигини шу босқичдаги етакчи фаолият, унинг фаоллиги, муваффакиятга эришиши таъминлайди. Д.Г.Мухамедованинг фикрича, етакчи фаолият қуидаги психологик характеристикаларга эга:

- шахсни эмоционал қамраб олади;
- эхтиёжалар ёркин, кучли хис-ҳаяжонли ҳолатларда кечадики, бу ўз ўрнида инсоннинг эмоционал ҳаётини бойитади;
- етакчи фаолиятда эришилган ютуқлар ҳаётий ютуқлар сифатида қабул қилинади;
- натижада чарчаш ҳолатларида кўтаринки рух, енгиллик, қониқиши хислари орқали зўриқишини енгади;
- шахснинг мураккаб ижтимоий муносабатлари такомиллашади;
- ҳаётдан тўла қониқишишга эришилади. [88]

Психология фанлари доктори, профессор Б.Р.Қодиров ўз тадқиқотларида иқтидор ва истеъдод масалаларига катта эътибор қаратган олимдир. У инсон иқтидори, шу жумладан, касбий ҳам,

биологик ҳам, ижтимоий омил сифатида намоён бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрича, олий таълим муассасаларида ўқувтарбия жараёнларининг муваффакиятида ташхис маркази ходимлари ва шу соҳага йўналтирилган психологик хизматнинг аҳамияти каттадир. Олим ўз тадқиқотларида айнан ташхис масалаларига алоҳида тўхтаб ўтади. Мазкур соҳанинг масъул ходими:

- талабанинг индивидуал-психологик имкониятларини ҳар томонлама чукур ўрганиб, шунга мос ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиши;

- касбий тайёргарликнинг ҳар бир қадамида ўқитувчининг талаба билан ишлаши ва мулоқотга киришишнинг мос ва қулай усусларини танлаши ва ўзгартириб туриши;

- ўқув-тарбия жараёнларини талабаларнинг психик ривожланганлик даражасига, уларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларига биноан мослаш ҳамда бўлғуси ўқитувчиларда шахсий ва касбий психологик имкониятларнинг намоён бўлиши ва ривожланиши учун зарурый шарт-шароитларни яратишда таълим субъектларига яқиндан ёрдам бериб бориши зарурлигини кўрсатиб ўтади[178 , 32 б].

Психология фанлари доктори, профессор Н.С.Сафаев тадқиқотлари педагог талаба-ёшларда ўзликни англаш, қадриятларнинг психологик механизмлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишлиланган. Олим ўз тадқиқотларида бўлажак педагогларнинг касбий ва миллий қадриятларни ўз фаолиятида уйғунлаштириши масалаларига тўхталиб ўтади. Муаллифнинг таъкидлашича, ўзликни англаш мураккаб ижтимоий феномен сифатида, тўрт асосий компонентдан таркиб топган:

1. Когнитив.
2. Аффектив.
3. Диний.
4. Хулқ-атвор.

Психологик фаол етук субъектнинг ижтимоий хулқ-атворида ушбу компонентлар ўзаро боғлиқ холда ривожланади ва “Виждон”

фалсафий категориясига жамланади. Психологик нүқтаи назардан “виждон” категорияси таҳлил қилинганда, субъектнинг маънавий оламини қамраб олади ва инсоннинг ички ижтимоий хулқ-атвори сифатида намоён бўлади. Бу ҳолат етуклиknинг муҳим таркибий қисми бўлиб, бўлажак муаллимнинг касбий барқарорлиги ва педагогик фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади [135. 139-159 б].

Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда етук шахснинг назарий моделини яратиш имкониятига эга бўламиз. Етук шахс қўйидаги компонентларни ўз ичига қамараб олади:

- эмоционал-иродавий компонент: юқори эмоционал барқарорлик, юқори иродавий назорат;
- мотивацион ва қадриятларни ўзида мужассамлаштирган компонент: қадриятлар тизимида индивидуаллик ва ижтимоийлашувнинг доминантлиги;
- ўз-ўзини бошқариш компоненти: юқори ижтимоий адаптация, юқори интерналлик, ўз хатти-ҳаракатларини бошқариш;
- рефлексив компонент: ўз-ўзини англаш, оламга позитив, ижобий муносабат, “Мен” концепциясининг дифференциацияси, меъёрдаги рефлексивлик.

Етук шахснинг назарий модели



1-диаграмма

Ушбу модель асосида “етук шахс” ва “етук бўлмаган шахс” образини яратиш имконияти туғилади. Унинг негизида эса, шахснинг психологик етуклиги модели яратилиши мумкин. Шахснинг психологик етуклиги - бу даставал, унинг турли ҳайтий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олишидир. Бу ҳушёрлик амалий, воқеликни тўғри баҳолай олиш, шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолашда намоён бўлиши керак. Психологик етук шахс ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имконияти етарли бўлган мақсадларни қўяди, ўз ҳаёт йўлини ва унга эришиш воситалари ва усувларини тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича яхши назорат қила олади, яъни ички интизомининг юқори ривожланганлиги билан характерланади.

Психологик етуклик бошқа одамларнинг хоҳиш, истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ. Бу ўз навбатида мулоқотнинг, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилиши, оиласда, турли гурухларда гармоник муносабатлар ўрнатилишига имкон беради. Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар билан қизиқиши, одати, таъби, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган одамлар билан ўринли муносабатда бўла олиши- шахснинг психологик етуклигининг асосий хусусиятларидан биридир.

Психологик етуклик тезда шаклланмайди. Унинг шаклланишининг асосий омили таълим ва тарбия. Психологик етуклик шахс хулқининг турли яшаш шароитига мослашувчанлигига ифодаланади. Психологик етуклик шахснинг бошқа одамларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрилийк, ғам-ташвишга шериклик, ўзаро ёрдамда маънавий жиҳатдан ҳам намоён бўлади. Психологик етуклиknинг муҳим мезонларидан бири масъуллик, адолатлилик ва виждан асосида муаммоларни ҳал этиш, ўз мустақил фикри, қарashi, позициясининг бўлиши, ўз-ўзини ва унинг учун қадрли бўлган кишиларни адолатли ҳимоя қила олишдир.

Психологик етуклик ҳақида гапирганда, албатта профессор Ф.Б.Шоумаров таъкидлаганидек, психологик етуклик мезонларига

ҳам тўхталиш ва зарурият асосида уларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳам лозим. Психологик етуклик мезонларига:

- Ижтимоий ролларни бажаришга тайёрлик. Биз объект қилиб танлаган даври оладиган бўлсак бунда шогирдлик, яхши фарзанд, ака-ука, опа-сингил, турмуш ўртоғи, тоға, амаки ва шу кабилар;

- Ижтимоий муҳитга мослашувчанлик. Таълим олиш билан бирга иш фаолиятини юритиш жараёнпида жамоада фаолият юритиш ва унга мослашиш, оила қурган бўлса янги оиласа мослашиш ва шу каби;

- Низодан қочиш ва низоли вазиятни юзага келтирмаслик;

- Хулқ-атворнинг ижтимоий нормаларига риоя қила олиш. Етук инсонга хос ахлоқийлик фазилатлари;

- Ўзига масъулиятни ола олиш;

- Ўзи ва яқинларига ғамхўрлик қилиш[39].

Шу билан бирга, биз индивидуал-психологик етукликнинг муҳим жиҳатларига:

- ўз хулқ-атворини мустақил ташхислаш, янги маълумотни олиш ва ностандарт вазиятларда қўллай олиш;

- мақсадга ўзини тўлиқ тайёрлаш ва йўналтира олиш;

- ўз-ўзини мустақил назорат қилиш;

- ўз мақсади, ҳаракатлари, қарорларини ўз-ўзини англаш орқали баҳолаш ва рефлексия ўтказиш;

- муваффиқиятсизлик ва турли вазиятлардан хulosса чиқариш ва объектив баҳолаш орқали коррекциялаш;

- ўз хулқ-атворидаги турли вазиятларга эмоционал-адекват реакцияни ифодалашни киритиш лозим деб биламиз.

Шахс ҳақида гапирилганда унинг етуклиги билан бирга, етарли даражада етукэмаслиги ҳам кузатилади. Бу биринчи ўринда ўсмир-ўспиринликда таълим-тарбияга етарли эътибор қаратилмаганлигидан далолат беради. Зоро, оиласа боланинг физиологик етуклиги билан ақлий ва психологик етуклигига эътибор қаратиш ниҳоятда муҳимдир. Бунда албатта, ота-онанинг ва тарбияловчининг ўзини етуклтик даражаси ҳам аҳамиятлидир.

1.3. Психологик етуклик мезонларини аниқлаштириш истиқболлари

Етуклик тушунчаси қадим замонлардан таълим-тарбия жараёнининг асосий масалаларидан бўлган. Психологик жиҳатдан етук инсонлар ҳар қайси давлат ва жамиятнинг асосий таянчи ҳамда ҳаракатлантирувчи кучи экан, замонавий ижтимоий-гуманитар билим соҳасида ушбу муаммога жиддий эътибор қаратилиши табиийдир. Ушбу эътиборнинг натижаси сифатида ҳозиргача фанда мазкур йўналишда салмоқли ҳажмда илмий билим тўпланган.

Жумладан, маҳсус тадқиқотлар психологик етуклик муаммосининг асосий масаласи – бундай етукликнинг кўрсаткичлари ҳамда мезонларини аниқлашга йўналтирилган. Хусусан, бу йўналишда ўтказилган тадқиқотларда психологик етукликнинг шаклланишида шахснинг ўз мақсадларига интилевчанлиги муҳим аҳамиятга эгалиги асосланган (Главатских М.М., 2015), манипулятив таъсир ўтказишга ва таъмагирликка мойиллик шахс психологик жиҳатдан етук эмаслигининг яққол кўрсаткичи эканлиги исботланган (Брантова Ф.С., Биржева М.А.2014), психологик етукликнинг муҳим кўрсаткичлари сифатида интериоризация ва вазият талабидан ташқарига чиқувчи фаолликнинг намоён бўлиш хусусиятлари текширилган (Леонов Н. И., Главатских М. М., 2014), психологик етуклик шаклланишида масъулият ривожланишининг аҳамияти очиб берилган (Панькина Е.В.2013), ижтимоий-психологик етуклик даражаси одам ўзини мансуб деб билган гуруҳларнинг сони ва кенглигига боғлиқлиги ўз исботини топган (Гудзовская, А.А., 1998), касбнинг психологик талабларини бажаришга тайёрликнинг психологик етуклик ривожланишидаги аҳамияти ёритилган (Степанова Т.В., 1998), ўқув гурухининг етуклик даражаси унинг аъзолари психологик жиҳатдан етилишига жиддий таъсир кўрсатиши исботланган (Еремина А.Н.2011).

Мазкур тадқиқот ишларида муаллифлар томонидан шахс психологик етуклигини ташхис қилишнинг турли хил услубий воситалари таклиф этилади. Бироқ, бу психодиагностика воситалари

муайян психологоик категорияларга мўлжал олиши, илмий-психологоик назарияларга асосланган эканлиги билан тавсифланади. Ваҳоланки, бевосита жамият ҳаётининг турли жабҳаларида одамларнинг тегишли шахс сифатлари илмий категориялар мазмуни билан эмас, балки ижтимоий аҳамиятли ҳодисалар билан боғланган ҳолда тушунилади ва талқин этилади. Шундай экан, ёшларда психологоик етуклик кўрсаткичларини ҳам илмий асосланган воситалар ёрдамида, аммо фанда қабул қилинган тушунча ва мезонлар асосида эмас, балки ижтимоий-сиёсий тасаввурлар доирасида аниқлаштириш имконини берувчи маълумотлардан амалиётда тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти ҳосил бўлади.

Психодиагностика текшируви тегишли жараён, ҳолат ва хусусиятларнинг муайян одам ва одамлар гуруҳида қанчалик ривожланган эканини билишга йўналтирилади.

Бундай масалада тегишли хulosаларни чиқариш учун, албатта, энг аввало тадқиқотчи ҳам, амалиётча ҳам муайян мезонларга таяниши керак бўлади. Чунки мезонларсиз ўрганилаётган психик ҳодисаларнинг даражасига тўғри баҳо бериш имконияти чекланади. Айнан мезонлар бўйича ташхис усуллари оркали ўрганилган жараён, ҳолат ва хусусиятларга қиёсий баҳо бериш, синалевчиларни шартли гурухларга ажратиш ва натижаларни талқин этишининг асосий шартидир.

Психологоик етукликни алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганиш давомида тадқиқотчилар унинг асосий мезонларини ажратиб кўрсатганлар. Албатта, турли муаллифлар томонидан кўрсатилган мезонлар ўртасида маълум тавофут мавжуд. Ўртадаги фарқ айнан нималарда кўриниши ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун қўйида ҳар хил муаллифларнинг ёндашувлари қиёсий келтирилади.

С.К.Нартова-Бочавер психологоик етукликнинг мезони сифатида “шахснинг психологоик суверенлиги” тушунчасини таклиф этади. Унинг ёндошувига кўра, психологоик етук инсон ўзининг мустаҳкам чегараларига эга бўлади. Бироқ улар вазият тақозоси билан бошқалар манфаатлари йўлида унинг ихтиёри билан

ўзгартириладиган даражада эгилувчанлиги билан ажралиб туради [23., 149-173 б].

Г.Г.Александрова шахс етуклигининг интеграл психологик мезони ижтимоий билиш жараёнида юкори даражадаги субъектлигини намоён этиш, яъни ижтимоий борлиқнинг ўзига адекват образини шакллантира олиш ва ўзгартира билиш, унга мувофиқ ҳулқ-атворнинг тегишли стратегиясини мустақил равища масъулият билан танлаб олишдан иборатлигини исботлайди [4., 34-35 б].

А.О.Маленова, Ю.В.Потапова шахс психологик етуклигининг мезонлари сифатида масъулият, процессуал йўналганлик, ўз-ўзи ва бошқалар билан баркамол муносабат, шахс яхлитлиги, ҳаётий вазифаларни хал килишда фаоллик ва мустақиллик, эркин танлов қила олишга қодирлик кабиларни ажратадилар ҳамда ушбу хусусиятларнинг даражасини ташхис килиш оркали шахс ўз тараққиётида етукликнинг қандай поғонасига етганини аниқлаш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қиласидилар [21., 21-29 б].

Қатор тадқиқотчилар толерантлик сифатини шахс етуклигининг мезони сифатида асослашга ҳаракат қиласидилар. Жумладан, А.А.Долникова, Е.А.Самойлова руҳий касал одамларга муносабатда толерантлик мисолида ушбу белгининг психик етукликдаги ролини кўрсатиб беришга уринишган [14., 168-170 б]. И.Н.Галасюқ номаълумликка нисбатан толерантликни, ҳаётий мақсадларнинг англанганлиги, турмушда сабр-бардош қаторида шахс етуклигининг билвосита мезони эканини эмпирик тасдиқлаган [11].

Узоқ хорижлик тадқиқотчилар психологик етукликни ташхис килишда сабр-тоқат ва “эго” нинг эгилувчанлиги мезон сифатида катта аҳамиятга эгалигини [39, 40], аксинча, академик ўзлаштириш даражаси деярли аҳамиятсиз эканини кўрсатишади [41].

А.Ю.Маленова, Ю.В.Потапова психологик етуклик мезонларини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қиласидилар, таълимотлар, илмий ишларни таҳлил этиб, ҳар хил

муаллифлар томонидан кўпинча айнан қандай мезонлар келтирилишини умумий жадвалда акс эттирадилар [21] (2-жадвал).

2-жадвал

Турли муаллифларнинг концепцияларида шахс етуклиги мезонлари

Мезон	Муаллиф
1.Масъулият	
Масъулият	Р.В.Овчарова,А.А.Реан, Е.С.Штепа, В.Франкл,Б.Уайнхолд, Дж.Уайнхолд
Ижтимоий масъулият – жамият равнақига ҳисса қўшиш	И.Гринбергер
Ижтимоий масъулият	А.Л.Журавлев
Масъулиятли мустақиллик	С.Л.Братченко,М.Р.Миронова
2.Инсонпарварлик, ижтимоий йўналганлик	
Проижтимоий хулқ	А.А.Реан
Хатти-ҳаракатларнинг жамият фойдасига йўналтирилганлиги	А.Л.Журавлев
Хатти-ҳаракатларнинг барча ҳаётий соҳаларида ижтимоий йўналганлиги	И.С.Кон
Эгоцентризмга тескари децентрация	Е.С.Штепа
Одамнинг инсоният тараққиёти, унинг маданияти ва цивилизацияси, инсонпарварлик қадриятларига йўналтирилган установкалари	Г.С.Сухобская
3.Фаоллик (ўзини-ўзи мотивлаштириш, мақсад қўйиб унга интилиш)	
Фаол ҳаётий позиция	Р.В.Овчарова

Идеалга эргаша олиш, идеалларни ҳаётда рўёбга чиқара олиш	Б.С.Братусь
Ташқи мотивациялар ҳамда ўзини-ўзи йўналтира олиш, мажбурлашга қодирлик	Г.С.Сухобская
Шахсий фаолият ва унинг натижаларини назорат қила олиш	И.Гринбергер
Шахсий ва жамоавий мақсадларни рўёбга чиқара олиш	А.Л.Журавлев
Фаол ижтимоий позиция	И.С.Кон
Куршаб турган муҳитни фаол назоратда тута билиш	Е.С.Штепа
Номаълумликдан қўрқмай ижодий ёндашувчанлик	А.А.Реан
Ўзини ўзи ривожлантириш, динамизм	С.Л.Братченко, М.Р.Миронова
4. Одамлар билан баркамол муносабат тузা олиш	
Бўлишиш ва ҳамкорлик қила олиш, бироннинг обрўсига ҳасад қилмай қарай олиш, ўз ҳистойғуларини соғлом тарзда ифодалаш, ички яқинликни ҳис эта олиш.	Б.Уайнхолд, Дж.Уайнхолд
Ўзига ва муносабатларига ишонч кўзи билан қараш, бошқалар билан яқин муносабатда ўзини хавфсиз ҳис этиш, муносабат ўрнатишда маъно-мазмун қўриш, айрилиққа бардошли бўлиш, узоқ масофадан ҳам ишонч билдириб туриш	К.Витакер
Етук шахслараро муносабат қура олиш	Р.В.Овчарова

Кўнгли кенглик, толерантлик	А.А.Реан, Е.Б.Штепа
Ўзини ва бошқаларни тўғри идрок этиш	И.С.Кон
Яккаланишга зид равишда алоқа ўрнатишга интилиш	Е.С.Штепа
Бошқаларни тушуниш ва қабул қилиш, ижтимоийлашганлик	С.Л.Братченко, М.Р.Миронова
Бошқа одамга муҳаббатли бўлиш	В.Франкл
5. Ўзига бўлган муносабатнинг баркамоллиги, ўзини тушуниш ва қабул қилиш	
Ўзини ўзи адекват тушуниш, ўзини англашга интилиш, ўзини-ўзи бошқариш ва ривожлантиришга қодирлик	Р.В.Овчарова
Ўз хулқ-авторини ҳар қандай ҳаётий вазиятда мустақил прогноз қила олиш, рефлексияга қодирлик	Г.С.Сухобская
Ўзини-ўзи қабул қилиш	Е.С.Штепа, С.Л.Братченко, М.Р.Миронова
Ички ҳис-кечинмаларнинг шахсий тажрибасини инобатга олишга тайёрлик	С.Л.Братченко, М.Р.Миронова
Ўзини ва бошқаларни тўғри идрок этишга қодирлик	И.С.Кон
Фрустрацияни жиловлай олиш қобилияти	Б.Уайнхолд, Дж.Уайнхолд
Чуқур ички кечинмаларни бошдан кечиришга тайёрлик	Е.С.Штепа
6. Мустақиллик ва мустақил танловга қодирлик, таъсир ва тобеликка қаршилик кўрсата олиш	
Масъулиятли мустақиллик	С.Л.Братченко, М.Р.Миронова

“Йўқ” деб айтишни билиш	Б.Уайнхолд, Дж.Уайнхолд
Эркин танловни амалга ошира олиш	Р.В.Овчарова
Мустақиллик	И.Гринбергер
Ўзига хослик	А.Л.Журавлев
Автономлик	Е.С.Штепа
Эркинлик	В.Франкл

7. Шахснинг яхлитлиги

Қадриятлар ориентациясининг шаклланганлиги	Р.В.Овчарова
Яхлитлик, бир бутунлик	И.С.Кон, С.Л.Братченко, М.Р.Миронова
Ягона ҳаёт фалсафасига эгалик, шахсий қадриятлар, чуқур кечинмаларнинг тизимлашганлиги, уйғулиги	Е.С.Штепа
Шахс қадриятлари ва хусусиятларининг барқарор тузилмасига эгалик	И.С.Кон

Албатта, юқорида келтирилган қайсиdir мезонлар бизда кўпроқ хайриҳоҳлик уйғотса, баъзилари юзасидан бахс-мунозара юритишга тайёр бўламиз. Бироқ, мазкур ишимизнинг бош ғояси турли ёндашувлар ўртасидаги фарқни, ҳақиқат кўпроқ ким тарафда эканини ажратиш эмас, балки, умуман, мазкур йўналишда қандай йўналишлар мавжудлигини кўрсатиб, ўзимизнинг янгича қарашимиз билан бу соҳага тегишли ҳиссани қўшишдан иборат. Шунинг учун ҳам бу ерда биз психологик етуклиknинг турли мезонлари юзасидан фанда тўпланган умумий қарашларни чуқур таҳлил этган ҳолда, уларни қайд этиш билан чегараланиб қолишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва кейинги ўринларда эътиборни бу масалага бизнинг ёндашувимиз нимадан иборатлигини ёритишга қаратамиз.

Талаба-ёшларда психологик тукликнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари ва назарий жиҳатларини ишлаб чиқиши, тадқиқот обьектини танлашда қўйидагиларга эътиборимизни қаратдик. Биринчидан, психологик етукликнинг мезонларидан келиб чиқсан ҳолда эрта етуклик давридаги битирувчи босқичда таълим олаётган, бир неча йўналишларда таълим олаётган, таълим йўналиши педагогика ва психология фанлари ва уларга яқин олий таълим муассасалари талabalари танланди. Иккинчидан, ижтимоий ролларни бажаришга тайёрлик, ижтимоий муҳитга мослашувчанликни аниқлаш мақсадида худудий ва жинсий тавофутларни аниқлаш ва бу тавофутларнинг ўзига хос хусусиятини тахлил қилиш белгиланди.

Диссертацион ишда илгари сурилган гипотезани амалга оширишда комплекс методлар танлаб олинган бўлиб, булар: меъёрий ҳужжатлар тахлили, эксперт баҳолаш, психологик тестлар, кузатув, сұхбат, анкета, сўровнома, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш ҳамда Э.Шостром томонидан таклиф этилган САТ (“Самоактуализацион тест”)(Personal Orientation Inventory, E.Shostrom), С.С.Степановнинг “Ижтимоий ва психологик ёшни аниқлаш”, “ВАС-вазиятнинг асосий сабаби” маҳсус ишлаб чиқилган методика, Е.В.Каляева, Т.В.Прокофьеваларнинг “Шахс етуклигини аниқлаш”га қаратилган, С.Р.Пантелеев ва В.В.Столинларнинг “Субъектив локал назорат хусусиятларини ўрганиш” ва тадқиқот жараёнида маҳсус ишлаб чиқилган “НОМ-носитуатив масъулият сўровномаси”дир.

1-боб бўйича хуносалар

Етуклик - ривожланишнинг маълум бир босқичи, фазаси, чегарасига етганликнинг сифатий ва миқдорий характеристикасини маълум бир аниқликда белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб хизмат қиласди.

Психологик етуклик тушунчаси ва унинг компонентларига энг аввало, шахс ривожланиши даврининг мураккаб, қарама-қаршиликларга эга, онтогенезнинг қонуниятларида намоён бўлувчи, фаолиятга бевосита таъсир этувчи ва шахснинг ҳаётий тажрибасини ҳам ўзида акс эттирувчи сифатлари киради. Илмий тадқиқотимизнинг мақсади талаба-ёшларда психологик етукликнинг ижтимоий-психологик томонларини, назарий жиҳатларини ишлаб чиқиши ва амалда синаб кўриш бўлганлиги сабабли, ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар ҳам тахлил қилинди. Бу йўналишдаги адабиётлар ва тадқиқотлар тахлили натижасида айнан талаба ёшларнинг психологик етуклиги муаммоси етарли ўрганилмаганлиги аниқланди.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интеллектнинг оптимизациясига илмнинг таъсири катта экан. Олий маълумотли кишиларда етуклик даврининг барча босқичларида интеллектнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Ҳатто, айнан етуклик даврида таълим ва илмни ривожлантиришга интилиш ортиши кузатилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда тахлил қилинган адабиётлар асосида психологик етукликнинг мезонлари ва уларга таъсир этувчи омиллар аниқланди.

Кўплаб тадқиқотлар ва адабиётлар тахлили ҳамда ўзбек психологлари профессор Ф.Б.Шоумаров, профессор Э.Ғ.Ғозиев ва уларнинг шогирдлари фикрлари негизида психологик етуклик мезонлари белгилаб олинди. Психологик етуклик мезонларига:

- Ижтимоий ролларни бажаришга тайёрлик;
- Ижтимоий муҳитга мослашувчанлик;
- Низодан қочиш ва низоли вазиятни юзага келтирмаслик;
- Хулқ-авторнинг ижтимоий нормаларига риоя қила олиш;

- Ўзига масъулиятни ола олиш ва масъуллик;
- Ўзи ва яқинларига ғамхўрлик қилиш киритилди.

Ушбу мезонлар бўйича талаба ёшларда бу характеристикалар қай даражада шаклланганлигини аниқлаш мақсадида тадқиқот методикалари аниқланди.

Жамиятда рўй берадиган ижтимоий-иктисодий ва маънавий ўзгаришлар фаол, мустақил фикрловчи, масъулиятни ҳис эта оладиган баркамол шахсни шакллантириш заруриятини кун тартибига қўймоқда. Зоро, инсоннинг интеллектуал қобилиятини ривожлантирумай, унда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантирумай туриб жамият тараққиётига эришиб бўлмайди.

Талаба психологияк етуклигининг шаклланишига таълимий фаолият мавжуд ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этилганда гина муваффақ бўлинади. Унда таълим жараёнини демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш, дифференциялаш, таълим жараёнига янги технологияларни киритиш ҳамда шахс интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ғоялар устувор ўрин тутади.

Ижтимоий тарбия аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, у шахсни шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутади.

Талабанинг психологияк стилиши учун уни ақлий, ахлоқий, эмоционал, жисмоний ривожлантириш, ижодий қобилиятини намоён этиши учун имконият яратиш, унда психологик билимларни ҳам таркиб топтириш мақсадга мувофиқдир.

Шахснинг психологияк етуклиги ва унинг моҳияти Шарқ мутафаккирларининг қарашлари, шунингдек, педагог ва психолог олимлар томонидан илгари сурилган ғояларда ўз аксини топган. Улардан талаба етуклигини ривожлантириш жараёнида замон талабларига мувофиқ таълимни ташкил этиш шу куннинг долзарб вазифаси саналади.

II-БОБ. ПСИХОЛОГИК ЕТУКЛИК ДИАГНОСТИКАСИ ВА ҮНГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2.1. Психологик етуклик диагностикасининг ривожланиш тарихи

Одамлар ўртасида нафақат жисмоний ривожланиш, балки ақл-заковат, лаёқат ва қобилиятда муайян тафовутлар мавжудлиги қадимдан маълум эди.

Шу сабабли одамлар ўртасидаги турли индивидуал психологик фарқларни аниқлаш, замонавий маънода психологик ташхис қўйиш анъаналари узоқ тарихга эга.

Маълумки, ўтмишда қайси фан тараққий этган бўлса, унинг ютуқлари аввало маҳсус хизмат идоралари фаолиятига тадбик қилинган. У ёки бу фаннинг ўтмишини, мутахассислар томонидан яратилган илмий қарашлар тарихини ўрганадиган бўлсак, фанларнинг интеграцияда, юртдошларимиз томонидан илгари сурилган назарий ғоялар, у ёки бу фан ютуқларини ҳаётга жорий этилиши борасида, ҳозирги замон психологияси таълимотларига оид мислсиз ишларнинг амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳар қандай соҳа фаолияти ўз хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда, психология фанлари ютуқларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Улардан энг асосийси, шу хизматни амалга оширувчи ходимни топиш, танлаш, унинг шахсини аниқлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, яъни ҳозирги замон тили билан айтганда, "Психодиагностика" билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди.

Аслида шахснинг қандайдир сифат ва хусусиятларини ташхис қилишга хизмат этувчи ҳар қандай тадбир қайсиdir даражада психологик етуклик диагностикасига алоқадор бўлиши муқаррар. Психодиагностика текшируви предмети бўлган жараён ёки хусусиятларнинг қандай даражада ривожланган экани кўп жиҳатдан ушбу сифат ва хусусиятлар бўйича психологик етукликнинг ҳолатини кўрсатади. Чунки ташхис жараёнида ўрганилган ҳодисалар ўз якунида психологик етукликнинг маълум бир соҳаси таркибиغا киради. Бошқача айтганда, аслида ҳар қандай психодиагностика жараёни кенг маънода психологик етуклик диагностикаси бўлиб

ҳисобланишга ҳақлидир. Шунга қарамай, психологик етуклик диагностикасини замонавий тестологиянинг алоҳида соҳаси сифатида ажратиб кўрсатишда маъно бор. Бунинг сабаби, бизнингча, психологик етуклик таркибида ҳам қатор таянч хусусиятларни ажратиш мумкин. Айнан шу сифатларнинг ташхис қилинишини тор маънода психологик етуклик дигностикаси, деб белгиланиши ўринли. Шу нуқтаи назардан, психологик етуклик диагностикасининг ўз ривожланиш тарихига эгалиги табиийдир.

Психодиагностика тарихидан маълумки, қадимдаёқ одамларни турли психологик синовлар орқали текшириш амалиёти қўлланилган. Масалан, қадимги Мисрда руҳоний бўлишга даъвогар одамларнинг турли амалий малакалари қаторида қоронғу ертўладан ёлғиз ўта олиш сифати, сукут сақлаш қобилияти текширилган [30, 34-б.]. Қадимги Юнонистонда Пифагор ўз мактабига шогирд танлашда турли математика масалаларидан ташқари устидан кулган, лақаблар билан ҳақорат қилган одамларга қандай жавоб қайтариш сифатини ҳам синаб кўрган [30, 35-б.]. Қадимги Хитойда Шаолинъ мактабига қабул қилиш бир нечта босқичли текширувлардан иборат тизим орқали амалга оширилган. Ушбу синовлар орасида, масалан, сабр-тоқатни текшириш учун сўйилган катта қора мол гўштини ўтмас пичноқ билан бўлаклаш топширилган. Кейин бирон нарса ҳарид қилишга юбориб, ортиб қолган қайтимни олиб қолишга рухсат берилган, аммо қайси номзод дарров қайтимини ўзига олса, уни мактабдан ҳайдашган [38, 11-б.].

Юртимизда яратилган энг қадимги, асарлардан бири, ёзилганига 2700 йилдан ошган “**Авесто**” да, ўша даврларда, психодиагностика амаллари қандай бажарилганлигига мисоллар мавжуд. Унда, ҳозирги Мовароуннахр ва Хурросон халқлари яшаган минтақаларда истиқомат қилган барча қавм ва қабила аҳллари орасида “лагомзадан”, “зин задан”, “камарбастан” каби синаш усуллари мавжуд бўлганлиги баён этилади. Уларда асосан, ёшларни кундалик ҳаётга, оиласа, у ёки бу касбни бажаришга тайёрлик даражалари аниқланган. Йигитлар молларни боқиши, туж, отларни парваришлаб уларни бошқариш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани дарранда

ҳайвонлар, қароқчилардан муҳофаза қилиш, **ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари мажбурий бўлган**. Ана шу малакалар ҳосил бўлгач, ўғил болалар 17 ёшида “лагомзадан” ва “зин задан” имтиҳонидан ўтган. Натижада улар балоғат ёшига етган, рўзгор юритишни ўрганиб, **“кад худо”** бўлиш, чўпон чўлиғини олиб, от суріб, тужа миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритган. Алоҳида иқтидорли йигитлар эса, чавандозликка маҳсус тайёрланган, ҳарбий машқларда иштирок этган. **Йигитларнинг энг саралари ҳарбий соҳаларга жалб қилинган**. Бу маълумотлар, ҳозирда номзодларнинг жисмоний, тиббий, интеллектуал етуклигини ўрганиш тадбирларининг тарихи узоқ ўтмишимизга бориб тақалишидан дарак беради. [183, 67-б.].

Шахснинг турли қобилияtlарини текширишга қаратилган қадимги тизимлардаги машқ ва топшириқлар мазмунини таҳлил этарканмиз, уларда одамдаги айнан психологоик етуклик диагностикасига тегишли вазифалар ҳам мавжудлигини қайд этишимиз керак. Демак, одамнинг индивидуал имкониятларини ўрганиш бўйича қадимги ёндашувлардаёқ психологоик етуклик диагностикаси элементлари қузатилган. Бироқ замонавий маънодаги психологоик етуклик психодиагностикаси тарихи XX асрнинг биринчи чорагида бошланган.

Инсон етуклиги ҳақидаги илмий тасаввурларнинг ривожланиш тарихини ўрганар эканмиз, дастлабки босқичда етуклик асосан биологик мазмунда тушунилганлигини эътироф қилишимиз мумкин. Бундай ёндашувда, табиийки, етукликнинг асоси одам маълум ёшга етиб келгани, унинг ўзидан насл қолдира олиши сифатидан иборат, деб қабул қилинган [45, 94-б.]. Мазкур ёндашувда етуклик ва етилиш тушунчалари чалкашиб кетаётганини пайқаш мумкин. Ваҳоланки, одам кекса ёшга кириши, бошқа сабаблар билан муайян физиологик имкониятларини йўқотиши унинг етукликдан ҳам маҳрум бўлишини англатмаслиги, шубҳасиз. Шундай экан, инсонинг етуклигини кенгроқ тушуниш ва бунда психологик жиҳатларини ҳам эътиборга олиш лозимлиги аён бўлиб боради.

Етуклик сифатини психологик маънода тушуниш XX асрнинг 30-йилларидан бошланган бўлиб, бунда етукликнинг аломатларини муайян психик функциялар ривожланиш даражасидан қидириш йўлидан борилади. Шунга мувофиқ психологик етукликни текширишга хизмат қилиши кўзда тутилган дастлабки методикалар, аввало, интеллектуал функциялар даражасини ўлчашга қаратилди. Масалан, шундай методикалардан бири XX аср 30-йиларида Вайленд ақли заиф болалар мактаби деректори Эдгар Долл томонидан ишлаб чиқилган “Вайленд ижтимоий етуклик шкаласи”. (“Vineland Social Maturity Scale”) дан иборат. Муаллиф психик ривожланишда нуқсони бўлган мактаб талабалари жамоасида олиб борган кўп йиллик кузатувлари асосида кундалик турмушда бажариладиган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш лаёқати қанчалик шаклланганини баҳолашга мўлжалланган методикани таклиф этган. Мазкур методика психологик жиҳатдан етук бола адаптив ижтимоий ҳулқ-атворга қодир бўлиши лозим, деган умумий тасаввурга асосланади. Методиканинг ҳозиргача қўлланилаётган варианtlари XX аср 80-йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг барчasi эксперт баҳони аниқлаш, яъни болани яхши билган одамлар (ота-она, мураббийлар ва б.) дан маълумот йиғишга асосланган [16, 277-б.].

Инсоннинг психологик етуклиги, аввало, унинг одамлар билан жамиятда қанчалик уйғун яшай олиши ва буни намоён қилишида кўриниши аён бўлиб, борган сайин масалани фақат интеллект соҳаси билан чеклаб бўлмаслиги англаб етилди. Бу ҳолат психологик етукликни ўрганишнинг янги босқичида шахс сифатидаги етукликни текширишга интилишда намоён бўлди. Бунда етуклик кенг қамровли ходиса сифатида тушунилиб, турмушнинг барча соҳаларида ижтимоий функцияларни юқори сифатда тўлақонли бажариш учун зарур психологик тузилмалар етарлича шаклланганини англатади [117, 10-б.]. Психологик етукликни ўрганишнинг бу босқичи тахминан XX асрнинг 60-йилларида бошланиб, бунга асосий омил гуманистик психология йўналишининг ривожланиши бўлди. Гуманистик психологияда

етукликни маълум ёш даври, балоғат ва улгайиш кўрсаткичлари билан боғловчи физиологик тушунишга қарама-қарши тарзда “шахс етуклиги” тушунчаси қўлланди. Бунда шахс етуклиги деганда, одамнинг ўз ҳаётдаижодкор бўла олиши, ўзини тўла-тўкис рўёбга чиқариши, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни енгиб ўтишга қодирлик даражасига етганлиги тушунилди [45, 6.94-95].

Психологик етукликни шахс даражасида тушуниш айни вақтда ҳаётий фаолиятнинг турли йўналишларига мос тарзда:

- касбий етуклик (маълум касб соҳасида нафақат юксак самарадорликка эришиш, балки меҳнатни қадрият, ўзини-ўзи рўёбга чиқаришнинг бош соҳаси сифатида англаш);
- фуқаролик етуклиги (фуқаро сифатида жамиятда бажариладиган ролларни мустақил равишда қабул қилиш, ташаббус ва масъулият билан бажариш қобилияти);
- ташкилий етуклик (шахснинг тегишли ташкилий тузилма таркибида тўлақонли фаолият кўрсата олиши);
- оилавий етуклик (оиладаги ролларни муваффақиятли ўзлаштириш, оилада унинг барча мезонлари тўла ривожланиши учун зарур шароит яратадиган кабиларнинг ажратилишига асос бўлди [117, 6.14-15]. Юқорида кўрсатилган шахс етуклигининг барча турларини умумлаштирувчи жиҳат шундаки, уларнинг замирида аҳлоқий асос мавжуд. Шунга асосан етуклик муаммосини ўрганишнинг ҳозирги босқичида мутахассислар айнан аҳлоқий асос шахс етуклигининг марказий бўғинини ташкил этади, деган хulosага келмоқдалар. Мазкур қараш психологик етуклик даражасини аниқлаш учун таклиф этилаётган методикалар мазмунида ҳам акс этади. Масалан, машхур Калифорния кўп факторли шахс сўровномасидаги психологик етуклик даражасини текширишга хизмат қилувчи саволлар гуруҳи ижтимойилашиш хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, бунда айнан аҳлоқий ривожланиш, ижтимоий ҳулқ-атворга берилиш эҳтимоли, жамиятда қабул қилинган қадрият ва меъёрларга муносабатни ташхис қилишга қаратилади [35, 172-б.].

Шундай қилиб, психологик етуклик психодиагностикаси тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, биринчидан, тестологияда бу соҳага ҳам муайян даврларни ажратиш мумкин; иккинчидан, бу йўналишдаги илмий тасаввурлар эволюциясида етукликни тор биологик тушунишдан аста-секин гуманистик psychology нуқтаи назаридан тушунишга ўтиш қайд этилади; учинчидан, психологик етукликнинг табиати ҳақидаги тасаввурлар ҳар бир тарихий даврда ўзига хос психодиагностика воситаларини ишлаб чиқишида асос сифатида қабул қилинади.

2.2. Психологик етукликни ташхис қилишнинг анъанавий усул ва воситалари

Замонавий тестология psychology фанининг анча тез ривожланаётган соҳаларидан биридир. Фикримизча, бунга бош сабаб – психодиагностиканинг психологик ёрдам ва хизмат амалиёти, psychologyнинг татбиқий томонлари билан яқиндан алоқадорлигидир. Мазкур соҳанинг жадал ривожланиши, шубҳасиз, янгидан янги методикалар ишлаб чиқилиши, мавжуд методикаларнинг модификация қилинган вариантлари яратилишида яққол намоён бўлади. Психологик етукликни ташхис қилиш соҳасининг шакланиши ва ривожланиш тарихидан маълум бўлдики, бу йўналишда анча тажриба тўпланган. Хусусан, психологик етуклик диагностикаси учун хизмат қилувчи тестологияк моҳият турлича бўлган методикаларнинг ўзига хос базасини шакллантироқда. Бунда асосан узоқ хориж мутахассисларининг ижод маҳсуллари етакчи ўрин эгаллайди. Илмий тадқиқот ишимиз доирасида биз томондан ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган психологик ташхис воситалари юзасидан фикр юритишдан аввал бу соҳада бизга қадар қўлланиб келинаётган методикаларни таҳлил этиб ўрганиб чиқишимиз зарур.

Замонавий psychologyда психологик етуклик бевосита шахс сифатида инсоннинг шаклланганлиги даражаси нуқтаи назаридан тушунилаётгани бу йўналишдаги анъанавий методикалар базасида ҳам акс этади. Ушбу методикаларнинг аксарияти айнан шахс

муаммосини гуманистик психология тамойиларига мос ёндашув асосида талқин этишга асосланади. Масалан, Москва давлат университетининг психология факультетида яратилган методикалардан бири “Шахс етуклиги сўровномаси” (М.Кроз, Л.Я.Гозман) шахснинг ўз-ўзига бўлган ҳурмати, ўзини ўзи қабул қилиш даражаси, ижодий ёндашув қобилияти каби гуманистик психология позициясидан қараганда психик тараққиётнинг энг муҳим аломатларини текширишга асосланади [116, 117-б.].

Ҳозирги кунда шахс психологик етуклигини ташхис қилишда қўлланувчи анъанавий методикалар ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилиш учун уларнинг бири ҳақида батафсил тўхталиб ўтишни ўринли деб биламиз. Психологик етуклик даражасини ташхис қилишда дунё миқиёсида кенг қўлланувчи энг машхур методикалардан бири САТ (“Самоактуализацион тест”) ҳисобланади. Мазкур методика шахс сўровномаси типида бўлиб, 1963 йил Э.Шостром томонидан таклиф этилган. Методиканинг ҳамдўстлик мамлакатларида кенг қўлланувчи варианти Москва давлат университети ижтимоий психология кафедрасида мослаштирилган сўровномадан иборат бўлиб, жами 126 та таъкидни ўз ичига олади [141]. Сўровноманинг икки асосий шкаласи мавжуд: 1) вақтни ҳис этиш хусусияти; 2) ёрдамни ҳис этиш хусусияти. Бундан ташқари сўровноманинг 12 та қўшимча шкаласи мавжуд, аммо мутахассислар ўзини ўзи рўёбгачиқаришга мўлжалолиш, яъни шахс психологик етуклигининг муҳим аломатини тезкор ташхисқилиш учун икки асосий шкала бўйича олинган натижалар таҳлили етарли, деб ҳисоблайдилар [35, 221-б.]. Методика ёрдамида психодиагностика ўтказишда синалавчига 126 та жуфт таъкид тақдим этилиб, ҳар бир жуфтликдан, унинг шахсий қарашларига, нуқтаи назарига кўпроқ мос бўлган битта таъкидни танлаш топшириғи берилади.

Методика қўйидаги шкалалар бўйича ташхис натижаларини чиқариш имконини беради:

1) вақтни ҳис этиш шкаласи (17 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг қанчалик ўз ҳаётини узлуксиз яхлит

тасаввур қилиши, бугунги кунни ўтмишнинг асорати ёки келажакнинг пойдевори эмас, балки ноёб қадрият сифатида тушунишини кўрсатади;

2) ёрдамни ҳис этиш шкаласи (91 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг ўз хатти-харакатларида қанчалик шахсий қарашлари ва эътиқодига суюниши, мустақил бўла олишини кўрсатади;

3) қадриятлар ориентацияси шкаласи (20 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одам ўзини-ўзи рўёбга чиқарувчи шахсга хос қадриятларга қанчалик мўлжал олаётганини кўрсатади;

4) хулқ-атворнинг эгилувчанлиги шкаласи (24 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг вазият ва шароит ўзгаришига мос равишда қанчалик тез ва тўғри жавоб қайтаришини кўрсатади;

5) ўз-ўзига сензитивлик шкаласи (13 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг ўз ҳис-кечинмаларини қанчалик яхши англаб олаётгани, ўзи нима истаётганини тўғри тушуниб олаётганини кўрсатади;

6) спонтанлик шкаласи (14 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг ўз ҳис-туйғуларини қанчалик очиқ ва самимий ифодалай олишини кўрсатади;

7) ўз-ўзига хурмат шкаласи (15 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг қанчалик ўз фазилатлари, ижобий сифатларини англай олиши ва ўзини қадрлай олишини кўрсатади;

8) ўзини-ўзи қабул қилиш шкаласи (21 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одам ўзини қандай бўлса шундайлигича, барча фазилат ва нуқсонлари билан қабул қилишга қанчалик тайёрлигини кўрсатади;

9) одамзоднинг табиати ҳақидаги тасаввурлар шкаласи (10 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг одамзод табиатидаги қарама-қаршиликларни қанчалик тўғри қабул қилиши, кўпроқ ижобий баҳо беришга мойиллигини кўрсатади;

10) синергия шкаласи (7 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг оламни ва одамларни қанчалик бир бутун яхлит идрок этишга қодирлигини кўрсатади;

11)агрессияни қабул қилиш шкаласи (16 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг ўз жахл, ғазаб ва ҳисекчинмаларини одамзоднинг табиатига хос табиий жараён сифатида қабул қила олиши ёки бу билан уларни оқлашга интилмасликка қанчалик тайёрлигини кўрсатади;

12) алоқа-муносабат шкаласи (11 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг қанчалик ҳиссиётларга бой, мазмунли муносабатлар қура олиши, мулоқот қила олишини кўрсатади;

13) билиш эҳтиёжи шкаласи (11 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг қанчалик атроф-олам ҳакидаги билимларни эгаллашга интилишини кўрсатади;

14)креативлик шкаласи (14 та банд) бўйича аниқланган кўрсаткичлар одамнинг ижодий фаолликка қанчалик йўналганилигини кўрсатади.

САТ методикасини стандартлаштиришда юқори, ўрта ва паст кўрсаткичлар меъёрлари аниқ ажратиб кўрсатилмаган. Аммо тажрибадан маълумки, психологик жихатдан етук шахс, одатда, ҳеч бир шкала бўйича ўта юқори баллга эга бўлмайди. Бундай шахслар асосан ўртачадан бироз юқорироқ кўрсаткичларга эга бўладилар.

Кўриниб турганидек, гарчанд тавсифлаб берилган методика мукаммал ишланган ва илмий асосланган бўлишига қарамай бевосита кундалик психологик-педагогик амалиёт, ёшлар билан олиб бориладиган амалий психологик иш учун анча мураккаблик қиласди, фойдаланувчи ва синалувчидан кўп вақт талаб қиласди. Лекин шунга қарамай илмий тадқиқот ишимизда бу методикадан фойдаландик ва олинган натижаларнинг сифат ва миқдор таҳлилини кейинги бобда берамиз. Шу билан бирга, амалиёт эҳтиёжлари учун ихчам, айни вақтда психологик етукликнинг муҳим жиҳатларини текширувдан ўтказишга, энг муҳими, маҳаллий муҳитда қўллашга яроқли бўлган методикаларни ишлаб чиқиш бугунги психология фани олдида турган муҳим масалалардан биридир. Диссертацион ишимизда фойданилган ва ишлаб чиқилиб маҳаллийлаштирилган методикалар “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностикаси воситаларини

ишлаб чиқиши, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий-тадқикот лойиҳаси устида иш олиб бориш жараёнида апробациядан ўтказилган. Кейинги бобда айнан шу йўналишдаги амалий ишларимиз ҳакида фикр юритилади.

2.3. Масъулиятни психологик етуклик мезони сифатида ўрганиш тажрибаси

Масъулиятга шахс хусусияти, ишда ва ҳаётда инсон ўзига ўзи талаб қўя олишини таъминловчи муҳим фазилат сифатида, унинг инсон ва жамият тақдиридаги ўрнига ортиқча баҳо бериш шарт эмас. Ушбу сифатнинг етарлича ривожланмаганлик даражаси нафақат алоҳида олинган инсон ҳаёти, балки давлат миқиёсида аянчли оқибатларга олиб келишини исботловчи мисоллар кўплаб топилади. Аксинча, масъулият юқори даражада ривожланган ҳолатларда инсон қандай юксак натижалар кўрсатиши, қандай жасоратларга қодир бўлишини ҳам ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотчилар нима учун ҳаётий кузатувлар ва илмий текширувларга асосланиб, масъулиятни инсон психологик етуклигининг муҳим мезони қилиб ажратишини тушуниш мумкин. Жумладан, В.П.Прядеиннинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, илк ўспириинлик ва етуклик даврида масъулият таркибида социоцентризм, англанганлик, натижага йўналганлик, интерналисм, стенизм, эргетизм каби сифатларнинг устунлиги қайд этилади [115]. Масъулият сифати билан алоқадорлиги қайд этилган ушбу хусусиятларнинг ҳар бири психологик етуклик шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, одам ўз хатти-ҳаракатларига жамият нуқтаи назарда баҳо бериши (социоцентризм), ҳар бир ишда онгли мотивларга асосланиб, натижани аниқ тасаввур қилиши (англанганлик, натижага йўналганлик), ўз ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар сабабларини ўзидан қидиришга мойиллиги (интерналисм), унда фаолиятга рағбат берувчи ҳиссиётларнинг устунлиги (стенизм), шубҳасиз, психологик жиҳатдан етуклиknинг муҳим аломатлари сифатида гавдаланади.

Масъулият психологик етукликнинг муҳим мезони экан, демак, уни ташхис қилиш орқали ушбу тузулманинг ривожланиш даражасини аниқлаш мумкин. Маълумки, психодиагностика амалиётида масъулият ҳиссининг ривожланиш даражасини текшириш учун локус назорат назарияси асосида ишлаб чиқилган методикалардан кенг фойдаланилади. Бундай ёндашувга интернал локус назорат типида одам ўз ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар учун масъулиятни ўзига олиши, сабабларни ўзидан қидириши ҳақидаги тасаввурлар асос бўлади. Дарҳақиқат, маҳсус илмий тадқиқотларда ҳам масъулият яхши ривожланган одамлар нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг хулқ-атворини изоҳлашда кўпроқ интернализмга мойиллиги исботланган. Масалан, Н.В.Лейфритнинг диссертация ишида исботланишича, муваффақият қозонган одам ҳақидаги тасаввурлар, уларнинг қанчалик яхлитлиги, англаганлиги, динамикаси, тўлақонлиги, рационал эканлиги масъулият сифатининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Жумладан, масъулиятли шахс типи одамнинг муваффақиятларини шахс ички заҳиралари билан, жавобгарликни ўзига олиш, қўйилган мақсадга эришишда ўз имкониятлари ва қобилиятларини тўла рўёбга чиқариш, қийинчилик мавжудлигига қарамай ундан чиқиш йўлини топиш каби сифатлар билан боғлаб тушунтиради [78].

Шундай қилиб, психологик етуклик диагностикасида масъулият сифатининг ривожланиш хусусиятларини ташхис қилишининг имкониятлари анча кенг эканини замонавий психологик тасдиқламоқда. Айни вақтда маълумки, масъулият ҳиссини интерналлик даражасини ташхис қилиш орқали ўлчаш учун хизмат қилувчи асосий методикалар жумласига қуйидагилар киради

1. “Интернал-экстернал локус назорат шкаласи” Дж.Роттер томонидан 1966 йил таклиф этилган. Шкала 23 жуфт таъқиддан иборат бўлиб, синаловчи ҳар бир жуфтликдаги таъқидлардан бирини танлаши керак бўлади. Методиканинг ишончлилик даражаси анча юқори (ички мувофиқлик бўйича 0,70, бир ойлик ретест синов бўйича 0,72), аммо 60 йилдан ортиқ вақт давомида бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда кенг қўлланиб келинишига қарамай

унинг валидлиги юзасидан умумий нуқтаи назар мавжуд эмас [35, 6.395-396].

2. “Мәхнатда локус назорат шкаласи” П.Э.Спектор томонидан 1988 йил иш жойи, мәхнат шароитидаги масалаларда интерналилк даражасини текшириш учун таклиф этилган. Шкала 16-та таъқиддан иборат бўлиб, синаувчи ҳар бир таъқидга 6 балл тизимда (“умуман қўшилмайман” дан “тўлиқ қўшиламан” гача) баҳо беради. Ички мувофиқлик бўйича ишончлилик 0,75 дан 0,85 гача, 6 ойлик ретест ишончлилик 0,75 га teng. Дж.Роттер шкаласи билан конвергент валидлик даражасини текшириш 0,38-0,54 қийматидаги кўрсаткичларни аниқлаган, ҳамдўстлик мамлакатларида методиканинг қўлланиши юзасидан маълумот мавжуд эмас [35, 6.492-493].

3. “Субъектив назорат дажараси сўровномаси” Е.Ф.Баллин, Е.А.Голинкина, А.М.Эткинд томонидан 1984 йил таклиф этилган. Методика Дж.Роттер шкаласи асосида ишлаб чиқилган бўлиб, 44 та таъқидни ўз ичига олади ва умумий интерналилкдан ташқари 6 та шкала бўйича интерналилк даражасини текширишга хизмат қиласди. Муаллифларнинг маълумотига кўра, методика юқорига ишончлилик даражасига эга, унинг валидлиги бошқа шахс сўровномалари, жумладан, 16 PF (Р.Кеттелнинг 16 факторли шахс сўровномаси ёрдамида олинган натижалар билан бўлган алоқадорликка кўра аниқланган [35, б.503-504].

4. “Касбий локус назорат шкаласи” Г.Фурнье, К.Женри, С.Драпо томонидан 1996 йил касбий мавқе масаласини тушунишдаги интерналилк даражасини текшириш учун таклиф этилган. Методика 90 та таъқидга 4 балл тизимда баҳо беришга асосланган бўлиб, унинг мувофиқлик бўйича ишончлилик даражаси 0,69-0,85 га tengлиги, валидлиги эксперталарнинг мустақил баҳолари асосида юқори эканлиги тасдиқланган Дж.Роттер шкаласи билан алоқадорлик кўрсатгичи 0,40 га tengлиги аниқланган. Ҳамдўстлик мамлакатларида методиканинг қўллангани юзасидан маълумот мавжуд эмасдир [35, 337-б.].

Кўриниб турганидек, айни вақтда академик фан амалиётчиларга шахс масъулият даражасини ташхис қилиш учун таклиф этаётган воситалар, бир томондан, чукур илмий асослаб берилгани, хорижда анча вақтдан буён самарали қўлланиб келаётганини, иккинчи томондан, кундалик педагогик-психологик эҳтиёжлар учун мураккаблик қилишини, фойдаланувчидан тестология бўйича махсус билим талаб қилиши, қолаверса аксарияти, катта ёшдаги синалувчилар учун мўлжаллаб тузилганини ҳам қайд этиш ўринлидир. Бундан ташқари ушбу методикалар бевосита сўровнома шаклида бўлиб, барча ҳолатларда синалувчиларда қайсиdir воқеа-ходисаларга кимнидир ёки ниманидир масъул қилиш (бошқача айтганда айбни бировга ёки вазиятга тўнкаш) ёки сабабни ўзидан қидириш мазмунидаги таъқидлар устида фикрлаб кўришга ундайди. Бундай вазиятда синалувчилар кучли даражадаги ижтимоий маъқулланиш мотивацияси (“фасад эфекти”) таъсирида бўлишини ва нохолис жавоб беришининг эҳтимоли юқорилигини ҳам этиборга олишга мажбурмиз.

Ёшларни психологик жиҳатдан етук шахслар қилиб вояга етказиш жараёнида кенг қўлламдаги гурухлар (педагоглар, отоналар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, оммавий ахборот воситалари мутахассислари, маданият ва санъат номоёндалари ва х.) иштирок этиши ва уларнинг барчasi ўз фаолияти самарасини ўлчашга, аниқ кўрсатгичларда акс эттиришга муҳтож бўладилар. Шундай экан, бу соҳада чукур илмий изланишларга хизмат қилувчи мураккаб психодиагностика аппаратидан ташқари қўлланиши нисбатдан содда, аммо тестологоя талаблари асосида асослаб берилган ихчам, тезкор қўллаш ва қайта ишлаш имкониятини берувчи ташхис воситаларига зарурият мавжуд. Айнан шу эҳтёждан келиб чиқиб, тадқиқот ишимизда психологик етукликнинг асосий мезонларидан бири сифатида кўпчилик мутахассислар томонидан тан олинадиган масъулият ҳисси даражасини ташхис қилиш учун янги психодиагностика воситасини ишлаб чиқиб синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Тадқиқот ишимиз доирасида ишлаб чиқилган методика шартли рawiшда “ВАС-вазиятнинг асосий сабаби” деб номланиб, ёпик турдаги сўровнома шаклида тузилган. Сўровномада синаловчига 10 хил ҳаётй вазият ва уларга одатда олиб келадиган 3 хил сабаб юзасидан мулоҳаза юритиш топшириғи берилади. Бунда синаловчи ҳар бир вазият билан бирга бериленган сабаблардан қайси бирини ҳақиқатга яқинроқ, ҳаётда кўпроқ учрайдиган, деб билишини белгилаши лозим бўлади. Иловада методиканинг стимул материали тўлиқ келтирилади.

“ВАС” методикасининг асосий психометрия кўрсаткичларни текшириш учун тадқиқотимиз доирасида, олий таълим муассасалари талабалари билан эмпирик синов ишлари ташкил этилди. Дастроб методиканинг критериал валидлигини текшириш мақсадида мазкур восита ёрдамида талабалар гуруҳида таъқидловчи эксперимент ишлари ўтказилди. Сўнгра валидизация мезони сифатида илмий манбаларда келтирилган тавсияга асосланиб [35], талабаларни шахс даражасида яхши билган мутахасислар-педагогларнинг баҳоси тўпланди. Математика-статистика методлари, жумладан, К.Пирсон r-чизиқли корреляция коэффицентини ҳисоблаш методи ёрдамида икки гуруҳ кўрсаткичлари ўртасидаги алоқадорлик қийматлари аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Талабаларнинг масъулият ҳиссини психодиагностика методикаси ва эксперт баҳолар асосида корреляцион таҳлил қилиш натижалари (Ч.Пирсон r-корреляция коэффиценти асосида)

Масъулиятнинг доминант атрибуцияси	Педагоглар талабаларнинг масъулиятига берган эксперт баҳо	
	r	p
Экстрапунитив атрибуция	-0,57**	p≤0,01
Импунитив атрибуция	0,45*	p≤0,05

2-жадвалда келтирилган корреляция кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, педагоглар талаба масъулиятига берган баҳо билан талабалар “ВАС” методикасининг импуниитив атрибуция шкаласи бўйича тўплаган кўрсаткичлари ўртасида статистик аҳамиятли боғланиш аниқланаяпти. Бу эса турли ҳаётий вазиятларда рўй бераётган ҳодисаларнинг сабабини ўз шахси ва хатти-ҳаракатларида кўриш сифати нисбатдан юқори талабалар экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланганини кўрсатади. Айни вақтда эксперт педагогларнинг талабалар масъулият даражасини берган баҳоси ва экстрапуниитив атрибуция, яъни рўй бераётган ҳодисалар учун сабабни вазият ёки бошқа шахслардан кўриш хусусияти ўртасида манфий корреляция аниқлангани, масъулиятни ситуатив ёки бирорнинг ҳаракатлари билан тушунтиришга уриниш кўрсаткичлари ўқитувчилар берган баҳо қанча паст бўлса, шунчалик юқорилаб бораётганидан дарак беради. Икки қатор ўзгарувчилари ўртасида аҳамиятли боғлиқлик мавжудлиги уларни кўргазмали ифодалашда ҳам яққол кўзга ташланади (1-расм).



1-расм. Синалувчиларнинг масъулият сифатини психологик диагностика ва эксперт баҳолар асосида текшириш натижалари.

Кўриниб турганидек, аксарият ҳолларда “ВАС” методикаси импунитив атрибуция шкаласи кўрсаткичлари юқорилаб борган ўринлар билан экспертлар ижобий баҳолаши ўзаро мос келмоқда. Аксинча, экстрапунитив атрибуция кўрсаткичлари устун бўлган ўринларда экспертларнинг ҳам талаба масъулият даражасига бераётган баҳоси пасайиб бораётганини кўриш мумкин. Мазкур ҳолатлар икки қатор ўзгарувчилари, яъни “ВАС” методикаси натижасида қўлга киритилган кўрсаткичлар ва эксперт баҳолар ўртасидаги аҳамиятли боғланиш мавжудлигини тасдиқлайди. Бу ўз навбатида биз таклиф этаётган методика критериал валидлик нуқтаи назаридан талабга жавоб беришини исботлайди.


“ВАС” методикасининг ишончлик даражасини текшириш учун бир ойлик танаффус билан ретест текшируви ўтказилди. Икки босқич кўрсаткичлари ўртасидаги статистик муносабат Стыюдентнинг t-мезони асосида текширилди.

4-жадвал

“ВАС” методикаси ишончилилик даражасини ретест усулида текшириш натижалари (Стьюдент t-мезони бўйича)

Тадқиқот босқичи	Статистик кўрсаткичлар		Статистик фарқ	
			t	p
1	M_1	4,6	0,24	$p \leq 0,05$
	S_1	1,3		
2	M_2	4,5		
	S_2	2,6		

Статистик таҳлилдан маълум бўлишича, ретест текширув кўрсатгичлари ўртасида сезиларли тафовут йўқ. Бу эса натижаларнинг вақт кесимида барқарорлигини, методика ёрдамида ишончли маълумот олиш мумкинлигини тасдиқлайди. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида импунитив атрибуция устунлик қилувчи талабалар миқдорида ҳам сезиларли ўзгариш кузатилмаётгани диаграммада ҳам акс этаяпти (2-расм).



2-расм. Синалувчилар маъсулият кўрсаткичларини ретест текширув орқали қиёслаш натижалари.

Шундай қилиб, илмий тадқиқот ишимиз доирасида талабаларда масъулиятли ёндашиш сифатининг ривожланиш даражасини текшириш учун хизмат қилувчи нисбатдан содда ва мобил методикани ишлаб чиқишига қаратилган ишланишларимиз қўйдаги хулосалар учун асос бермоқда:

1) икки хил атрибутив реакция-эстрапунитив ва импунитив атрибуциянинг қайси бирига кўпроқ мойиллик мавжудлигини текшириш асосида талабаларда масъулият сифатини объектив баҳолаш мумкин;

2) “ВАС-вазиятнинг асосий сабаби” методикасидан талабаларининг турли ҳаётий вазиятларга қанчалик масъулиятли ёндаша олишини прогнозлашда ишончли ташхис воситаси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд;

3) мазкур йўналишдаги тадқиқот иши кейинги босқичларда “ВАС” методикаси учун валидликнинг бошқа турларини текшириш, стандарт баҳолар тизимини ишлаб чиқишига қаратилиши ўринлидир.

2.4. Носитуатив мусъулият шахс психологик етуклигининг кўрсаткичи сифатида

Психологик жиҳатдан етук инсон қатъий равища ўзининг қатор таянч хусусиятлари билан ажralиб туришини ҳаётнинг ўзи кўп карра исботляяпти. Аслида ушбу сифатларнинг ҳар бирини алоҳида алоҳида таҳлил қилиб, уларни психодиагностика усуллари билан текшириш чораларини излаш мумкин. Шу билан бирга бу мавзуда нафақат кенгайтириш, яъни психологик етукликнинг янги-янги муҳим мезон ва кўрсаткичларини аниқлаштириш, балки чуқурлаштриш – ҳозиргача маълум бўлган қайсиидир мезоннинг янгича қирраларини очиш ҳам самарали бўлади, деб ҳисоблаймиз. Чунки бундай ёнлашувда психологик етуклик мезони сифатида ажратилган бирор сифат ва алломатнинг айнан қайси жиҳатлари, томонлари, унсурлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши аниқланади. Бу эса, шубҳасиз, психологик ташхис ишини янада нозикроқ даражага ўтказиш ва ўз ўзидан инсоннинг келажадаги хулқ-авторини аниқроқ башорат қилиш имкониятини оширади. Шу нуқтаи назардан, диссертациямизнинг мазкур қисмида эътиборни психологик етукликнинг масъулиятдан бошқа мезонларига эмас айнан шу кўрсаткичнинг, назаримизда, муҳим аҳамиятга эга бўлган бир жиҳатига қаратиши режалаштирганмиз.

Диссертациямизнинг аввалги қисмларида келтирилган маълумотлардан аниқ бўлдики, акмеологик нуқтаи назардан масъулиятни фаолият аввалида белгиланган сифат ва муддатлардан кутилмаган вазият ва қийинчилик юзага келиши ёки келмаслигидан қатъий назар чекинмаган ҳолда кутилган натижага эришишни кафолатловчи хусусият деб тушуниш мумкин [14, 82-б.]. Ушбу феноменнинг турли хил томонларини таҳлил этарканмиз, бизнинг эътиборимизни ижтимоий фанларда тез-тез қўлланувчи “тарихий масъулият” тушунчаси ўзига жалб этди. Тарихий масъулият кўпроқ ахлоқий-сиёсий маънода талқин этилиб, умумий равища, муайян ижтимоий гурухни ташкил этувчи одамларнинг ўз ҳаракатлари учун келажак олдида жавобгарлик ҳис этиши тушунилади [38]. Тадқиқотчиларнинг такидлашича, тарихий масъулиятнинг

мавжудлиги билан миллий ўзини ўзи англаш даражаси баҳоланади [66]. Тарихий масъулият жамоа ёки индивид ўз гуруҳдошлари тарихидаги маълум ҳодисаларга қанчалик таъсир кўрсатгани, уларнинг муайян тарзда кечишига қандай даражада айбдор ёки сабабчи эканлиги ҳамда унинг натижаси учун нафақат бугунги кунда, балки келажакда жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёрлигига акс этади [38].

Демак, умумий равишда тарихий масъулият ўтмишда содир қилинган ишларнинг ҳозирги ва келажакдаги оқибатлари учун жавобгар бўлишини назарда тутади. Одам фаоллигининг ички манбаи эҳтиёж эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, айни вақтда қондирилиши долзарб бўлиб турган эҳтиёжларнинг мотивацион кучи юқори бўлишини тахмин қилиш қийин эмас. Аксинча, қачонлардир, балки жуда узоқ келажакда рўй бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларга мўлжал олиб, иш юритишга ўзини ўзи ундей олиш анчагина кучли ички уринишни талаб қиласди. “Ноадаптив фаоллик назарияси (В.А.Петровский) да кўрсатиб берилганидек, “яшаб қолиш”, “шахсий эҳтиёжларни қондириш” дан ташқарига чиқувчи хатти-ҳаракатлар ҳам одамнинг ўзини, ҳам унинг атрофидаги одамларни психологик жиҳатдан улғайтиради. Айнан тор маънодаги ноадаптив хулқ-атвор, яъни шахсий манфаатлар, гедонизм, гомеостатика, прагматизм мотивлари билан озиқланувчи фаоллиқдан ташқарига чиқадиган хатти-ҳаракатлар инсон ўзини ўзи психологик жиҳатдан ривожлантиришининг асосий йўлидир [109]. Масалан, муҳтожларга беғараз ёрдам беришга йўналтирилган фаолият – волонтёрлик ишининг мотивацион асосларини таҳлил қилган мутахасислар унинг замирида ҳам ноадаптив тенденциялар устунлигини қайд этадилар [73]. Агар волонтёрлик каби фаолият турлари фидоийликка асосланганини аксиома сифатида қабул қилиб, бундай фидокорликка қодир бўлиш учун одам, албатта, ўз психик тараққиётида юқори даражага етган бўлиши лозимлигини эътиборга олсак, ноадаптив фаоллик, ҳақиқатдан ҳам, психологик ектукликтининг муҳим аломати эканини эътироф қилишиз керак.

Бизнинг фикримизча, одам ўз хатти-ҳаракатларининг айни вақтдаги бирламчи тезкор натижасидан кўра, кўпроқ унинг истиқболдаги оқибатларига, яъни ҳозирги вақтда ҳали илғаш, бевосита амалий ҳис этиш имкони бўлмаган томонларига мўлжал олишида ҳам ноадаптив фаолликка хос жиҳатлар мавжуддир. Чунки муайян хатти-ҳаракатларнинг қачонлардир қандайдир натижаларга олиб келиши мумкилигини ўйлаб йўл тутиш номаълумликка мўлжал олинаётганини кўрсатади. Рағбатга эришиш ёки жазодан қутулиш имкониятлари номалум бўлиб келаётган вазиятдаги хатти-ҳаракатларда тан олиш керакки, ўзига хос беғаразлик, софлик захираси кўпроқ бўлади. Назаримизда, ўз олдига олиб мақсадлар кўйиб, улар сари интилишда умри қисқа ҳавасларни четга суро олган одамлар шахсини ўрганиб, уларнинг чинакам етук шахс даражасига ета олганини айнан шу билан тушунтириш мумкин.

Демак, масъулият одамни айни вақтдаги хатти-ҳаракатлар ҳозирда қандай натижаларга олиб келиши ҳақида қайғуришга ундаса, нисбатан узоқ келажакдаги ҳодисалар учун жавобгарлик ҳисси масъулиятнинг ўзига хос бир тарафи фаоллашуви эвазига рўёбга чиқади. Агар одам бевосита айни дамдаги эҳтиёжларни қондириш нуқтаи назаридан эмас, балки қандайдир режалар хаёли билан ҳаракат қилиши, яъни ноадаптив хулқ-атворни номоён этиши унинг шахс сифатида ўз тараққиётида анча юқори даражага эришганини тасдиқласа, демак, келажак олдидаги масъулиятни психологик етукликнинг ўта муҳим мезони сифатида ажратиб кўрсатиш учун асослар мавжуд. Масъулиятнинг бу жиҳатини “ноадаптив хулқ” атамасига таянган ҳолда “носитуатив масъулият”, яъни хатти-ҳаракатлар натижасининг вақт ва ҳажм ўлчовлари бўйича бевосита ҳаракат бажарилаётган вазиятдан анча ташқарига чиқиб кетадиган томонлари учун қайғуриш ҳодисаси сифатида талқин этишни таклиф қиласиз.

Носитуатив масъулият феномени, албатта, яна чуқур назарий тадқиқотлар доирасида ҳар томонлама ёритилиши, изохланиши керак. Бевосита амалий нуқтаи назардан эса эътиборни, аввало, ушбу сифатнинг даражасини ташхис қилиш имкониятларини қидиришга

қаратиш талаб қилинади. Мазкур диссертациянинг яратилишига асос бўлган фундаментал тадқиқот лойихаси доирасида айнан носитуатив масъулиятнинг даражасини психодиагностика қилиш методикаси ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Методиканинг мазмун-моҳияти ва, энг асосийси, уни психометрия қоидалари бўйича текширувдан ўтказиш натижалари ушбу диссертацияда келтирилади.

Носитуатив масъулият сифатининг даражасини текширишга хизмат қилиши қўзга тутилган методикамиз шартли равшда “НОМ-носитуатив масъулият сўровномаси” деб номланиб ўз тестологик моҳиятига кўра, тугалланмаган гап проектив методикаси ва ёпиқ турдаги шахс сўровномаси элементларини ўзида жамлаган. Унинг ёрдамида тадқиқот ишимиз давомида олий таълим талабалари билан тажриба ишлари ўтказилди. Методиканинг стимул материали ва унинг ёрдамида қўлга киритилган бирламчи маълумотларни қайта ишлаш қоидаси иловада келтирилади.

“НОМ” методикасининг психологик ғояси синаувчиларга турли ҳаётий масалаларга тегишли тугалланмаган хуқмларни тақдим этиб, келтирилган икки хил жавоб вариантидан ўзига маъқул келган, кўпроқ мос бўлган биттасини танлаш вазифасини бериш принципига асосланади. Бунда тугалланмаган гап шаклида келтирилган хуқмларга қандайдир оқибатлага олиб келувчи масалалар тилга олинади. Синаувчига гапни тугатиш варианти сифатида тақдим этилаётган икки хил оқибат-натижадан бири яқин келажакдаги, тез орада рўй берувчи ходиса мазмунида бўлади, иккинчиси, айни вақтда хавф солмайдиган, аммо қачонлардир рўй бериши мумкин бўлган ҳодиса мазмунидадир. Методика асосидаги назарий ғояга кўра, психологик етуклик даражаси нисбатдан юқори одам фақат айни вақтдаги эҳтиёж ва муаммолар билан эмас, балки истиқболни ўйлаб, анча олдинга қараб яшашга мойил бўлади. Шу нуқтаи назардан, “НОМ” методикаси бўйича бунда одамлар кўпроқ узоқ келажакка тааллуқли вариантларни танлаши тахмин қилинади. Мазкур фаразни текшириш учун “ВАС-вазиятнинг асосий сабаби” методикаси, яъни масъулият сифатининг даражасини аниқлаш

бўйича олинган кўрсаткичлар ва “НОМ-носитуатив масъулият” методикаси ёрдамида қўлга киритилган натижалар ўзаро корреляцион таҳлил қилинди.

5-жадвал

Импунитив-экстрапунитив атрибуция ва носитуатив масъулиятнинг ўзаро алоқадорлик кўрсаткичлари (Ч.Пирсон r-корреляция коэффициенти асосида)

Атрибуция йўналишлари	Ситуатив масъулият	Носитуатив масъулият
Импунитив атрибуция	-0,48*	0,63**
Экстрапунитив атрибуция	0,61**	-0,59**

Изоҳ: * $p\leq 0,05$ даражадаги статистик аҳамият

** $p\leq 0,01$ даражадаги статистик аҳамият

5-жадвалда келтирилган корреляция кўрсатгичларидан маълум бўляяптики, импунитив, яъни воқеа-ходиса сабабини шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари билан боғлаб тушунтиришга асосланган атрибуция ва носитуатив масъулиятнинг мусбат алоқадорлиги, ҳақиқатдан ҳам, масъулиятни ўзига олишга мойил одамлар нисбатан узоқ келажакни кўзлаб иш тутишини исботлайди. Бошқача айтганда муайян хатти-ҳаракатларнинг ижобий ёки салбий натижалари орасида яқин кунларга эмас, узокроқ истиқболга тегишли бўлган ҳолатларга мўлжал олувчиларда масъулиятнинг юқорироқ даражаси қайд этилишини таъқидлаш мумкин. Айни вақтда носитуатив масъулият кўрсаткичлари билан экстрапунитив атрибуция қийматлари тескари алоқадорликка эга эканлиги, яъни сабабларни

күпроқ ташқи омиллардан қидириш хусусияти ва узоқ келажакка тааллуқли оқибатларни күзлаш сифати манфий корреляцияга эгалиги юқоридаги мулоҳазани қўллаб қувватлайди.

Худди шунингдек, импунитив атрибуция ва ситуатив масъулият ўртасида манфий корреляция қайд этилиши ва экстрапунитив атрибуциянинг носитуатив масъулият билан тескари алоқадорлиги ҳам воқеа-ҳодисалар, хатти-ҳакарактларнинг улар содир бўлган вақтдан узоқлиги турли даражадаги натижаларига диққатни қаратиш кўрсаткичи асосида масъулият даражасини ташхис қилиш мумкинлигини исботлайди. Икки қарама қарши атрибуция тури устунлик қилувчи синалевчилар гуруҳларида носитуатив масъулият кўрсаткичи бўйича нисбатда ҳам якқол тафовут кўзга ташланади (3-расм).



3-расм. Турли етакчи атрибуцияга эга синалевчиларнинг масъулият кўрсаткичи бўйича тақсимоти.

Диаграммадаги тасвирлардан ҳам кўриниб турибдики, импунитив атрибуция устун синалевчилар орасида айнан носитуатив масъулиятни назарда тутувчи қарашларга ихтиёр

берувчилар микдоран кўпчиликни ташкил этади ва, аксинча, бу борада ситуатив масъулиятли вазиятларга мўлжал олувчилар гурӯҳида эктралунитив атрибуция сифати устун бўлганларнинг салмоғи нисбатдан кўп. Мазкур ҳолатлар фоизли таҳлил нуқтаи назаридан ҳам икки қатор ўзгарувчилари ўртасида эътиборга лойик ўзаро таъсирлашув мавжудлигига ишора қиласи.

Умумий равишда, масъулиятни қандай қабул қилиш ва оқибатларни қанчалик чуқур англай олиш алоқадорлигини таҳлил қилиб, қўйидаги хulosаларни шакллантиришни ўринли деб биламиз:

1)воқеа-ҳодисалар, хатти-ҳаракатларнинг узоқ ва яқин келажакдаги натижаларга мўлжал олишдаги индивидуал тафовутлар шахсда масъулият сифатининг ривожланганлик даражаси ҳақида тасаввур ҳосил қила олади;

2)масъулиятни кўпроқ ўзига олишга сабаб ва омилларни ўз шахсидан қидиришга мойиллик вазиятида одатда воқеа-ҳодисаларнинг узоқ келажакдаги натижаларига эътиборлироқ бўлиш ҳолати кузатилади;

3)носитуатив масъулият кўрсаткичлари одам ўз хатти-ҳаракатлари оқибатларини қанчалик англай олишини акс эттирувчи аломат бўлиб, унинг юқори даражалари психологик етукликнинг муҳим аломати сифатида қабул қилиниши мумкин.

2-боб бўйича хуносалар

Адабиётлар тахлили ва етуклик диагностикасини тахлил этиш натижасида қуидагилар аниқланди: биринчидан, етуклик тестологиясининг бу соҳасида ҳам муайян даврларни ажратиш мумкин;

иккинчидан, бу йўналишдаги илмий тасаввурлар эволюциясида етукликни тор биологик тушунишдан аста-секин гуманистик психология нуқтаи назаридан тушунишга ўтиш қайд этилади;

учинчидан, психологик етукликнинг табиати ҳақидаги тасаввурлар ҳар бир тарихий даврда ўзига хос психодиагностика воситаларини ишлаб чиқишида асос сифатида қабул қилинади.

Шахс етуклиги диагностикаси билан боғлиқ етарли даражадаги материаллар мавжудлиги аниқланди. Тадқиқот ишимиз мақсади ва вазифалари ва илгари сурилган гипотезага мос ҳолда мавжуд методикалар билан бир қаторда, маҳаллийлаштирилган, қўллашга қулай сўровнома ва методика яратиш эҳтиёжи мавжудлиги тахлиллар натижасида аниқланди.

Талабанинг психологик етуклиги компонентларидан бири унинг масъулиятлилиги ҳисобланади. Тажрибаларда инпунитив атрибуция ва ситуатив масъулият ўртасида манфий корреляция қайд этилиши ва экстрапунитив атрибуциянинг носитуатив масъулият билан тескари алоқадорлиги ҳам воқеа-ходисалар, хатти-харакатларнинг улар содир бўлган вақтдан узоқлиги турли даражадаги натижаларига диққатни қаратиш кўрсаткичи асосида масъулият даражасини ташхис қилиш мумкинлигини исботлайди. Икки қарама қарши атрибуция тури устунлик қилувчи синалевчилар грухларида носитуатив масъулият кўрсатгичи бўйича нисбатдан ҳам якқол тафовут кўзга ташланади.

Кўриниб турганидек, айни вақтда академик фан амалиётчиларга шахс масъулият даражасини ташхис қилиш учун таклиф этаётган воситалар, бир томондан, чуқур илмий асослаб берилгани, хорижда анча вақтдан буён самарали қўлланиб келаётганини, иккинчи томондан, кундалик педагогик-психологик эҳтиёжлар учун мураккаблик қилишини, фойдаланувчиidan

тестология бўйича махсус билим талаб қилиши, қолаверса, аксарияти катта ёшдаги синалувчилар учун мўлжаллаб тузилганини ҳам қайд этиш ўринлидир. Бундан ташқари ушбу методика бевосита сўрвнома шаклида бўлиб, барча ҳолатларда синалувчиларда қайсиdir воқеа-ҳодисаларга кимнидир ёки ниманидир масъул қилиш (бошқача айтганда айбни бировга ёки вазиятга тўнкаш) ёки сабабни ўзидан қидириш мазмунидаги таъқидлар устида фикрлаб кўришга ундейди. Бундай вазиятда синалувчилар кучли даражадаги ижтимоий маъқулланиш мотивацияси (“фасад эфекти”) таъсирида бўлишини ва нохолис жавоб беришининг эҳтимоли юқориилигини ҳам этиборга олишга мажбурмиз.

Талабанинг психологик етуклигига унинг онги, фаолияти, ўз-ўзини англашидан иборат ички йўналтирувчи механизми муҳим аҳамиятга эга, чунки унинг шахс сифатида ривожланиши, қизиқиши, характеристи, қобилияти, ақлий ривожланганлиги, эҳтиёжлари, меҳнат фаолияти билан белгиланади. Ана шу хусусиятлар ривожланиб, унинг ижтимоий ҳаётга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати маълум босқичга етганда у психологик етуклик даражасига кўтарилади.

Ш-боб. ТАЛАБАЛАР ПСИХОЛОГИК ЕТУКЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ШАХСИЙ СИФАТЛАРГА БОҒЛИҚЛИГИНИ ЭМПИРИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

3.1. Талабалар психологик етуклигини эмпирик ўрганишнинг умумий натижалари

Инсон камолоти масаласи таҳлилий жиҳатлари узоқ тарихий даврдан буён тадқиқотчиларнинг диққат марказидаги муаммолардан эканлиги олдинги бобларда амалга оширган таҳлилларимизда кўп бора қайд этдик. Ушбу масалани маданий мухит ва таълим жараёни субъектлари мисолида тадқиқ этиш юзасидан тадқиқотлар ўтказишга эришдик. Тадқиқотда бир қатор методикалардан фойдаланилди. Методикалар талабаларнинг психологик етуклигини бир неча жабҳада ўрганишга йўналтирилган. Тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида талабалар психологик етуклигининг умумий ҳолатини ўрганишга эришилди. Бунинг учун С. С. Степановнинг «Ижтимоий ва психологик ёшли аниқлаш» методикаси, Е. В. Каляева, Т. В. Прокофьеваларнинг “Шахс етуклигини аниқлаш” га қаратилган сўровнома, “ВАС-вазиятнинг асосий сабаби” маҳсус ишлаб чиқилган методика, маҳсус ишлаб чиқилган “НОМ-носитуатив масъулият сўровномаси”дан фойдаланилди. Натижалар, биринчи навбатда талабаларнинг бир неча методикалар бўйича сўровномаларга жавоблари умумлаштирилган жадвал асосида таҳлил қилинди. Шунингдек, талабаларнинг психологик етуклик хусусиятлари бўйича ижтимоий ва психологик ёш кўрсаткичлари, носитуатив масъулият ва вазиятнинг асосий сабабини аниқлаш мезонларига таянилди. Респондентлардан олинган натижалар таҳлили методикаларнинг мезонига мувофиқ психологик етукликнинг даражалари аниқлаш бўйича амалга оширилди. Психологик етуклик даражалари методикаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қуи, ўрта, ўртадан юқори, юқори ва жуда юқорига ажратилди. Натижалар ўзаро даражалар бўйича қиёсий талқин этилди.

Респондентларнинг психологик етуклигини аниқлаш борасидаги

дастлабки натижалар умумий характерга эга. Психологик етуклик шахс эгаллаши лозим бўлган муҳим шахс сифатлари мужассамлаштирилган тимсол билан белгиланди. Унинг “Мен тимсоли”, “Мен ва бошқалар”, “Мен ва жамият” муносабатларда уйғунлашган энг муҳим шахс сифатлари ўз аксини топди. Респондентлар томонидан келтирилган натижаларнинг кўрсатишича, шахс етуклигини унинг психологик ва ижтимоий камолоти билан баҳоланадиган жиҳатлари мавжудлиги аниқланди.

3.1.1.-жадвал

Талабалар психологик етуклигини баҳолаш методикалари кўрсаткичлари (қўйи ва ўрта етуклик даражаси, n=142)

Шкалалар	Даражала р	M	σ	t
Психологик ёш	Қўйи	82,69	6,307	-
	Ўрта	94,76	2,589	12,883**
Ижтимоий ёш	Қўйи	2,76	0,431	-1,000
	Ўрта	2,85	0,472	
Вазият	Қўйи	4,54	1,640	-1,096
	Ўрта	4,92	1,471	
Иккиланиш	Қўйи	1,56	0,708	0,905
	Ўрта	1,42	0,644	
НОМ	Қўйи	9,57	2,037	0,262
	Ўрта	9,45	2,441	
ВАС	Қўйи	13,11	3,380	-1,646
	Ўрта	14,57	3,569	

Изоҳ:***p≤0,001

Психологик етуклик ва ижтимоий етукликни талқин қилишда шахснинг психологик имконияти, ўзини эмоционал-иродавий тартибга солиш усулларини ўзлаштирганлиги, ижтимоийлашувни тўлиқ босиб ўтганлиги, ўтмиш, бугун ва келажак тимсолига кўра

шахснинг ривожланиши узвий камол топаётганлигини белгилаб беради. Тадқиқотнинг илк натижаларидан бири - психологик етуклик даражаси қуи ва ўртача бўлган талабалар натижалари талқин қилинганда, статистик жиҳатдан аҳамиятли кўрсаткичга эга бўлган ҳолат биргина кўрсаткичда кузатилди. Бу ҳолат талабаларнинг “психологик ёш” шкаласи натижаларида кузатилди. Бу ҳолат психологик ёш кўрсаткичи ўрта даражалилар бўйича (94,76 ва 82,69) фарқлар ишончлилиги аниқланди ($t=-12, 883, p\leq 0,001$). Психологик етукликни баҳолашнинг қолган шкалалари ўртасида катт фарқ кузатилмади. Психологик ёшдаги тафовут мавжуд бўлган шароитда ижтимоий ёшда шахсларда тафовут ёки фарқлар кузатилмаслиги мумкин экан. Бу ижтимоий ёш алоҳида мезонлар ва шахс сифатлари билан боғлиқни кўрсатади.

Бундан кўринадики, қуи ва ўртача психологик етук бўлганларда психологик ёш кўрсаткичлари талабаларда эмоционал зўриқишлиарни бартараф этиш, ўзининг имкониятлари, эмоционал интеллект, умуний интеллект, фаолият мотивлари шаклланганлиги билан боғланади.

3.1.2-жадвал

Талабалар психологик етуклигини баҳолаш методикалари кўрсаткичлари (ўртача ва ўртачадан юқори етуклик даражаси, n=144)

Шкалалар	Даражалар	M	σ	t
Психологик ёш	Ўртача	94,76	2,589	- 53,281** *
	Ўртачадан юқори	103,85	2,998	
Ижтимоий ёш	Ўртача	2,77	,4763	0,684

	Ўртачадан юқори	2,72	,503	
Вазият	Ўртача	4,81	1,448	0,107
	Ўртачадан юқори	4,78	1,534	
Иккиланиш	Ўртача	1,41	,628	-0,484
	Ўртачадан юқори	1,46	,581	
НОМ	Ўртача	9,85	2,437	0,436
	Ўртачадан юқори	9,68	2,278	
ВАС	Ўртача	13,97	3,612	-1,389
	Ўртачадан юқори	14,80	3,387	

Изоҳ:*** $p\leq 0,001$

Психологик етуклиқ даражаси ўртача ва ўртачадан юқори даражали талабаларнинг методикалар бўйича кўрсаткичлари ўртасида ишончлилик фарқи ҳам олдинги гурух респондентлар сингари психологик ёш шкаласи бўйича кузатилди. Хусусан, (94,80 ва 82,69) фарқлар ишончлилиги аниқланди ($t=-53, 281, p\leq 0,001$). Бошқа шкалаларда эса ҳеч қандай ортиқча тафовутлар кузатилмади. Бундан кўринадики, психологик ёш нуқтаи назаридан психологик етуклиги қуий, ўрта ва ўртачадан юқори жиҳатлилар бир-бирларидан шахс сифатларининг камол топганлиги билан ажralиб турган бир шароитда уларнинг ижтимоий ёши бўйича тафовутланишилари кузатилмас экан. Талабаларнинг ижтимоий ёши уларнинг шахс сифатида ўзларини ижтимоий муҳитда қандай тутишлари, ижтимоий муҳитга мослашувчанлиги, “Мен ва

бошқалар” муносабат тизимида ўзини тутиши, “Мен ва жамият” муносабатидаги эгаллаган позициялари билан белгиланади.

3.1.3.-жадвал

Талабалар психологик етуклигини баҳолаш методикалари кўрсаткичлари (юқори ва жуда юқори етуклик даражаси, n=100)

Шкалалар	Даражалар	M	σ	t
Психологик ёш	Юқори	111,00	0,0001	-11,073***
	Жуда юқори	122,40	2,302	
Ижтимоий ёш	Юқори	2,40	0,547	-2,449*
	Жуда юқори	3,00	0,707	
Вазият	Юқори	5,80	1,303	0,452
	Жуда юқори	5,20	1,923	
Иккиланиш	Юқори	0,90	0,418	-3,674**
	Жуда юқори	1,80	0,273	
НОМ	Юқори	10,60	2,073	2,316
	Жуда юқори	8,00	1,581	
ВАС	Юқори	17,40	4,098	1,215
	Жуда юқори	14,40	1,816	

Изоҳ: $*p\leq 0,05$, $**p\leq 0,01$, $***p\leq 0,001$

Аммо тадқиқотнинг навбатдаги психологик етуклик даражасидаги талабаларнинг кўрсаткичлари ўртасида ишончлилик тафовутлари анчагина эканлигининг гувоҳи бўлинди. Бу ҳолат (3.1.3-жадвал) талабаларнинг бир неча шкалалар бўйича кўрсаткичларида намоён бўлди. Психологик етуклик даражаси юқори ва жуда юқори талабаларда психологик ёш (111 ва 122,40; t=-11, 073, $p\leq 0,001$), ижтимоий ёш (2,40 ва 3,00, t=-2, 281, $p\leq 0,05$), иккиланиш ($t=-3, 674$, $p\leq 0,01$) шкалаларида кузатилди. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, юқори ва жуда юқори психологик етуклик

даражасидагилар ўзининг шахс сифатлари, ўзини ўзи бошқариши, руҳий барқарорлиги, ижтимоий муҳитга мослашувчанлиги, ижтимоий фаоллиги, атрофдагилар билан муносабатда етакчиликка интилиши ва бошқа ижтимоий жиҳатлари билан ажралиб туради. Тадқиқотимиз обьекти талабалар бўлганлиги боис, уларнинг психологик етуклик даражаси психологик ва ижтимоий ёш нуқтаи назаридан олганда, таълим босқичлари эмас, балки уларнинг психологик ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича камолоти билан боғлиқдир.

Шу боис, тадқиқотнинг кейинги босқичида талабаларни тадқиқ этишда алоҳида қўшимча методика татбиқ қилишга эътибор қаратилди. Бунинг учун психологик етуклик даражаси ташхисида кенг қўлланувчи САТ (“Самоактуализацион тест”) методикаси татбиқ қилинди. Методиканинг умумий тафсилоти олдинги бобда тақдим қилинган. Методика шахс сўровномаси шаклида бўлиб, 1963 йил Э.Шостром томонидан таклиф этилган. У 126 та тасдиқ-мулоҳазадан иборат. Сўровноманинг икки асосий шкаласи: 1) вақтни ҳис этиш хусусияти; 2) ёрдамни ҳис этиш хусусияти ҳамда 12 та қўшимча шкаласи мавжуд. Қуйида мазкур сўровномани татбиқ қилиш натижалари таҳлил қилинади (3.1.4.-жадвал)

3.1.4-жадвал

САТ методикаси бўйича талабалар психологик етуклик кўрсаткичлари (қуи ва ўрта етуклик даражаси, n=84)

Шкалалар	Даражала р	M	σ	t
Вақтни идрок этиш	Қуи	6,50	2,155	-0,110
	Ўрта	6,70	1,670	
Қўллаб қувватлаш	Қуи	44,09	4,87	1,119
	Ўрта	42,73	5,670	
Қадриятларга йўналганлик	Қуи	10,90	2,407	-0,224
	Ўрта	11,14	6,119	
Хулқ-атвор эгилувчанлиги	Қуи	6,00	2,164	-7,099**
	Ўрта	9,76	2,554	

Сензитивлик	Қуи	6,47	1,533	-0,064
	Үрта	6,50	1,941	
Режасиз хатти-ҳаракат	Қуи	7,33	2,281	1,856
	Үрта	6,47	1,915	
Үз-үзини ҳурматлаш	Қуи	7,95	2,378	0,522
	Үрта	7,66	2,456	
Үз-үзини қабул қилиш	Қуи	9,88	2,210	0,326
	Үрта	9,73	1,926	
Инсон табиатини тасаввур қилиш	Қуи	4,57	1,327	0,000
	Үрта	4,57	1,594	
Синергия	Қуи	2,97	1,505	-0,668
	Үрта	3,19	1,435	
Агрессияни қабул қилиш	Қуи	8,19	1,670	-0,618
	Үрта	8,42	1,989	
Контакт	Қуи	9,59	2,460	0,265
	Үрта	9,45	2,074	
Билишга бўлган эҳтиёж	Қуи	4,76	1,558	0,062
	Үрта	4,73	1,739	
Креативлик	Қуи	6,00	2,164	1,324
	Үрта	5,40	2,198	

Изоҳ:^{*}p≤0,05, ^{**}p≤0,01, :***p≤0,001

Методика натижалари таҳлилига кўра, талабалар психологик етуклигини олдинги анъанага мувофиқ қуи, үрта, ўртачадан юқори, юқори ва жуда юқори даражалар бўйича ажратилган ҳолат бўйича таҳлил қилинди. Уларнинг сўровнома бўйича кўрсаткичларида ўзига хос натижалар аниқланган. Бунда қуи ва ўртача психологик ёш даражаси сифатида ажратилган талабаларда сўровноманинг 14 шкаласидан биттаси бўйича статистик тафовутлар аниқланди. Бу “хулқ-атвор эгилувчанлиги” шкаласидир. Унга кўра ўртача психологик ёш кўрсаткичига эга бўлганлар қуи психологик ёшга эга бўлганлар билан солиштирганда (6, 00 ва 9,76,

$t=-7, 099, p\leq 0,001$) юқоригоқ ва фарқли кўрсаткичга эгалиги аниқланди. Натижалардан кўринадики, ўртача психологик етуклик даражасидагилар қуи psychologists' etuklik daражасидагиларга нисбатан вазият ва шароит ўзгаришига мос равишда тез ва тўғри жавоб қайтариш фазилатига эга эканликларидан далолат беради. Методиканинг бошқа шкаллари бўйича ҳеч қандай аҳамиятли кўрсаткич қийматлари кузатилмади.

Ўрта ва ўртачадан юқори даражали психологик ёшли талабаларнинг навбатдаги методика бўйича кўрсаткичлари 3.1.5-жадвалда келтирилган.

3.1.5-жадвал

САТ методикаси бўйича талабалар психологик етуклик кўрсаткичлари

(ўрта ва ўртачадан юқори етуклик даражаси, $n=144$)

Шкалалар	Даражалар	M	σ	t
Вақтни идрок этиш	Ўртача	6,70	1,670	-
	Ўртачадан юқори	103,87	2,998	258,895** *
Кўллаб-куватлаш	Ўртача	43,01	5,594	
	Ўртачадан юқори	2,720	0,503	62,780***
Қадриятларга йўналганлик	Ўртача	11,09	4,769	
	Ўртачадан юқори	4,78	1,534	10,980***
Хулқ-атвор эгилувчанлиги	Ўртача	5,52	2,162	
	Ўртачадан юқори	1,43	,610	14,989***
Сензитивлик	Ўртача	6,22	1,930	-
	Ўртачадан юқори	9,68	2,278	10,316***
	Ўртача	6,49	1,889	

Режасиз хатти-харакат	Үртачадан юқори	14,80	3,387	- 19,132***
Үз-үзини хурматлаш	Үртача	7,61	2,195	1,788*
	Үртачадан юқори	7,00	1,842	
Үз-үзини қабул қилиш	Үртача	9,57	1,996	- 56,471***
	Үртачадан юқори	44,16	5,148	
Инсон табиатини тасаввур қилиш	Үртача	4,84	1,522	- 17,270***
	Үртачадан юқори	10,68	2,329	
Синергия	Үртача	3,27	1,263	- 22,966***
	Үртачадан юқори	10,38	2,477	
Агрессияни қабулқилиш	Үртача	8,41	1,982	6,224***
	Үртачадан юқори	6,45	2,016	
Контакт	Үртача	9,62	2,164	8,300***
	Үртачадан юқори	6,76	1,992	
Билишга бўлган эҳтиёж	Үртача	4,85	1,587	-9,921***
	Үртачадан юқори	8,01	2,473	
Креативлик	Үртача	5,54	2,093	-9,931***
	Үртачадан юқори	9,75	2,838	

Изоҳ:*** $p\leq 0,001$

Бу тоифа респондентларнинг кўрсаткичларида оригинал ҳолат аниқланди. Үртача ва ўртачадан юқори психологик ёш кўрсаткичидаги респондентларнинг сўровноманинг барча шкалавари бўйича кўрсаткичларида статистик жиҳатдан ишончлилик фарқлар

аниқланди. Ўртачадан юқори психологик ёш кўрсаткичли талабаларда кўпчилик шкалалар бўйича кўрсаткичлари тафовутли ва юқори қийматга эга бўлди, айрим шкалаларнинг хоссасига кўра эса, ўртача психологик ёш кўрсаткичидаги талабаларнинг кўрсаткичлари устувор бўлди.

Ўртачадан юқори психологик ёш даражали талабаларда вақтни идрок этиш ($6,7$ ва $103, 87$, $t=-258, 895$, $p\leq 0,001$) юқори фарқли кўрсаткичга эга бўлиб, улар вақтни ҳис этиш шкаласи ўз ҳаётини узлуксиз яхлит тасаввур қилиши, бугунги кунни ўтмишнинг асорати ёки келажакнинг пойдевори эмас, балки ноёб қадрият сифатида тушунишини кўрсатмоқда. Улар ҳаётни тушунишга нисбатан реал ва ҳаётнинг аҳамиятидан келиб чиқиб баҳолаганлари натижаларда ўз ифодасини топди.

Ўз-ўзига сензитивлик шкаласи бўйича ҳам уларнинг кўрсаткичлари юқори бўлди ($6,22$ ва $9,68, t=-10, 316$, $p\leq 0,001$). Уларда аниқланган кўрсаткичлар, талабаларнинг ўз ҳис-кечинмаларини яхши англаб олаётгани, ўзи нима истаётганини тўғри тушуниб олаётганини англатмоқда.

“Беихтиёр ёки режасиз хатти-ҳаракатлар” бўйича ҳам улар юқори кўрсаткичга эга бўлиб ($6,49$ ва $14,80, t=-19, 132$, $p\leq 0,001$), ўз ҳис-туйғуларини қанчалик очиқ ва самимий ифодалай олиш фазилатига эгаликларини кўрсатмоқда.

Ўзини-ўзи қабул қилиш шкаласи бўйича ҳаманиқланган кўрсаткичлар ($9,57$ ва $44,16, t=-56, 471$, $p\leq 0,001$) га кўра ўртачадан юқори психологик ёш кўрсаткичига эга бўлганлар, ўзини қандай бўлса шундайлигича, барча фазилат ва нуқсонлари билан қабул қилишга тайёр ваўзларининг камчилик ва нуқсонларини борича қабул қила олар эканлар. Улар танқид ва эътиrozларга нисбатан ҳам холис ёндаша оладилар. Уларда ўзларини ортиқча баҳолашдан кўра реал баҳолаш мақбулдир. Ва аксинча, ўртача психологик ёш кўрсаткичига эга бўлганлар эса, ўзларини борича қабул қилишга доим ҳам тайёр эмаслар.

Инсоннинг табиати ҳақидаги тасаввурлар шкаласи бўйича ўртачадан юқори психологик ёшли талабалар юқори кўрсаткичга эга

(4,84 ва 10,68, $t=-17,270$, $p\leq 0,001$) эканлиги кўринди. Ушбу кўрсаткич талабаларнинг инсон табиатидаги қарама-қаршиликларни қанчалик тўғри қабул қилиши, кўпроқ ижобий баҳо беришга мойиллигини кўрсатмоқда. Улар инсон табиатида ва кундалик хулқатворида зид хусусиятлар мавжудлиги ва буни ҳам кундалик фаолиятда инсоннинг ўзини ўзи тушунишининг муҳим шартларидан бири сифатида баҳолашларидан далолат бермоқда.

Синергия шкаласи бўйича ҳам талабалар анчагина аҳамиятли кўрсаткичга эгадирлар (3,27 ва 10,38, $t=-22,299$, $p\leq 0,001$). Кўрсаткичлар талабаларнинг оламни ва одамларни қанчалик бир бутун яхлит идрок этиш қобилиятига эга эканликларидан далолат бермоқда. Улар оламни ва инсон табиатини яхши тушунишга ҳаракат қиласидар ва бунга тайёрлар.

Билишга бўлган эҳтиёж шкаласи бўйича аниқланган кўрсаткичлар (4,85 ва 8,01, $t=-9,921$, $p\leq 0,001$) талабаларни атрофолам ҳакидаги билимларни эгаллашга интилишини кўрсатмоқда. Улар олий маълумот олишга ва касбий тайёргарлик жараёнида ўз олдиларига қўйган мақсад сари тўғри боришга ҳаракат қилаётганликларидан далолат бермоқда.

Олдинги шкаланинг мазмунини тўлдирган ҳолда талабалар креативлик шкаласи бўйича (5,54 ва 9,75, $t=-9,931$, $p\leq 0,001$) ҳам устувор аҳамиятли натижага эга бўлдилар. Бу кўрсаткич одамнинг ижодий фаолликка қанчалик йўналганлигини билдиримоқда. Айнан ўртачадан юқори психологик етуклиқ даражасига эга бўлган талабалар таълим жараёнида зарур ижодий билимларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиш имкониятига эга эканликларини англатмоқда. Фақат ушбу имкониятларни рўёбга чиқариш муҳимдир.

Ўз навбатида ўртача психологик ёш даражасидаги талабалар ҳам ўртачадан юқори психологик ёш даражасидагилардан фарқ қилган ҳолда, бир қатор шкалалар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлдилар:

-қўллаб-қувватлаш шкаласига кўра 43, 01 ва 2,720, $t=62, 780$, $p\leq 0,001$) талабалар кўрсаткичлари одамнинг ўз хатти-ҳаракатларида

қанчалик шахсий қарашлари ва эътиқодига суюниши, мустақил бўла олишини кўрсатмоқда. Демак, бу кўрсаткичлар ўзининг шахсий қарашлари ва эътиқодига эга шахснинг жамиятда қандай психологик етуклик даражасига эга бўлишида устувор бир хислат сифатида акс этар экан. Бу эса, шахснинг маслак ва қарашларини тўғри танлаш имкониятини беради.

Дунёқараш ва эътиқодига мос равища “қадриятларга йўналганлик” шкаласига кўра ҳам талабалар ўртачадан юқори психологик ёш кўрсаткичдаги талабаларга нисбатан (11,09 ва 4,78, $t=-10,980$, $p\leq 0,001$) аҳамиятли кўрсаткичларга эга бўлди. Натижада, улар инсоннинг ўзини-ўзи рўёбга чиқарувчи шахсга хос қадриятларга мўлжал олаётганини кўрсатмоқда. Бу эса, келгусида ўртача психологик ёш кўрсаткичидаги талабалар ҳам ўзларининг касбий тайёргарлик ҳамда кундалик турмушлари давомида камолотга эришишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатмоқда.

Хулқ-атворнинг эгилувчанлиги шкаласи бўйича ҳам талабалар олдинги таҳлил қилинган тоифадан фарқли кўрсаткичга эга бўлдилар (5,52 ва 1,43, $t=14,989$, $p\leq 0,001$). Улар кўрсаткичлари шахснинг вазият ва шароит ўзгаришига мос равища қанчалик тез ва тўғри жавоб қайтаришини кўрсатмоқда. Бундан кўринадики, психологик етукликни белгиловчи ҳар бир шахс сифатлари бир-бири билан боғлиқ ва кези келганда алоҳида ҳамда юқори шаклланганлик кўрсаткичига эга бўлган сифатлар тарзида намоён бўлади.

Ўртача психологик ёш кўрсаткичидаги талабаларнинг ўз-ўзига хурмат шкаласи бўйича аниқланган кўрсаткичлари одамнинг қанчалик ўз фазилатлари, ижобий сифатларини англай олиши ва улар учун ўзини қадрлай олишини кўрсатмоқда (7,61 ва 7,00, $t=1,788$, $p\leq 0,05$). Бу ўринда кўрсаткичларда тафовутлар бошқа шкалаларнидан кескин тафовутга эга эмасдир.

Агрессияни қабул қилиш шкаласига кўра ўртача психологик ёш кўрсаткичидаги талабалар (8,41 ва 6,54, $t=6,224$, $p\leq 0,001$) инсоннинг ўз жахл, ғазаб ва ҳис-кечинмаларини одамзоднинг табиатига хос табиий жараён сифатида қабул қила олишлари ва бу билан уларни оқлашга интилмасликка тайёрликларини англатади.

Улар агрессия ва унинг оқибатини тушунишга тайёрлар ҳамда турмушларида агрессия ҳолати туфайли инсон учун ижобий натижа берувчи оқибатлар кузатилмаслигини билдирамоқда.

Ўрта психологик ёш кўрсаткичига эга талабалар ҳам алоқа-муносабат шкаласига кўра одамнинг қанчалик ҳиссиётларга бой, мазмунли муносабатлар қура олиши, мулоқот қила олиши муҳимлигини биладилар ва шунга ўзларини тайёрлашга ҳаракат қиласидилар.

Тадқиқотда ўз навбатида талабаларнинг кейинги тоифаси юқори ва жуда юқори психологик ёш даражаси кўрсаткичига эга бўлганларнинг сўровнома натижалари бўйича кўрсаткичлари таҳлилига эътибор қаратилди (3.1.6-жадвал).

3.1.6-жадвал

САТ методикаси бўйича талабалар психологик етуклик кўрсаткичлари (юқори ва жуда юқори етуклик даражаси, n=100)

Шкалалар	Даражалар	M	σ	T
Вақтни идрок этиш	Юқори	111,00	0,021	-
	Жуда юқори	122,40	2,302	11,073** *
Кўллаб қувватлаш	Юқори	2,40	0,547	-2,449*
	Жуда юқори	3,00	0,707	
Қадриятларга йўналғанлик	Юқори	5,80	1,303	0,452
	Жуда юқори	5,20	1,923	
Хулқ-атвор эгилувчанлиги	Юқори	9,80	3,633	4,718**
	Жуда юқори	1,80	0,273	
Сензитивлик	Юқори	10,60	2,07	
	Жуда юқори	8,00	1,581	2,316*

Режасиз хатти-харақат	Юқори	17,40	4,098	1,215
	Жуда юқори	14,40	1,816	
Үз-үзини ҳурматлаш	Юқори	6,80	3,114	0,108
	Жуда юқори	6,60	1,816	
Үз-үзини қабул қилиш	Юқори	43,00	5,958	-0,640
	Жуда юқори	45,40	5,319	
Инсон табиатини тасаввур қилиш	Юқори	11,80	1,095	-0,647
	Жуда юқори	12,40	2,302	
Синергия	Юқори	10,00	3,741	-0,434
	Жуда юқори	11,20	3,633	
Агрессияни қабул қилиш	Юқори	6,40	3,847	-0,266
	Жуда юқори	6,80	0,836	
Контакт	Юқори	5,20	1,923	-1,395
	Жуда юқори	6,40	0,894	
Билишга бўлган эҳтиёж	Юқори	8,00	2,236	0,749
	Жуда юқори	7,20	1,923	
Креативлик	Юқори	9,80	3,633	0,560
	Жуда юқори	8,40	3,209	

Изоҳ: $*p\leq 0,05$, $**p\leq 0,01$, $***p\leq 0,001$

Юқоридаги таҳлилий материаллардан фарқли ўлароқ юқори ва жуда юқори психологик ёш даражасига эга бўлган талабаларнинг натижаларида айrim шкалалардагина статистик тафовутлар аниқланди. Бу эса, статистик тафовутга эга бўлмаган шкалалар бўйича талабалар психологик етуклик кўрсаткичлари бўйича

мавжуд шахс сифатларида бир-бирлариға яқин даражада эканликларидан далолат беради. Фарқли аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичлар синалувчиларнинг қуидаги шкалаларида аниқланди ва уларнинг асосий қисмида жуда юқори психологик ёш даражасига эга бўлган талабаларнинг натижалари устуворлик қилди:

– вақтни ҳис этиш шкаласи бўйича аниқланган кўрсаткичларга кўра (111,00 ва 122,40, $t=-11,073$, $p\leq0,001$) талабалар инсоннинг ўз ҳаётини узлуксиз яхлит тасаввур қилиши, бугунги кунни ўтмишнинг асорати ёки келажакнинг пойдевори эмас, балки ноёб қадрият сифатида тушунишга эришганликларини ифодаламоқда;

– ёрдамни ҳис этиш шкаласида эса, улар (2,40 ва 3,0, $t=-2,449$, $p\leq0,05$) инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларида қанчалик шахсий қарашлари ва эътиқодига суюниши, мустақил бўла олишини кўрсатмоқда.

Юқори психологик ёш кўрсаткичидаги талабаларда эса, қуидаги шкалалар бўйича юқори аҳамиятли кўрсаткичга эга бўлди:

– хулқ-атворнинг эгилувчанлиги шкаласи (9,80 ва 1,80, $t=4,418$, $p\leq0,01$) бўйича аниқланган кўрсаткичлар уларнинг вазият ва шароит ўзгаришига мос равишда тез ва тўғри жавоб қайтаришга шайликларини кўрсатди, ушбу фазилат психологик етукликни белгиловчи асосий сифатлардан биридир;

– ўз-ўзига сензитивлик шкаласи (10,60 ва 8,00, $t=2,316$, $p\leq0,05$) бўйича аниқланган кўрсаткичлар талабаларнинг ўз ҳис-кечинмаларини қанчалик яхши англаб олаётгани, ўзи нима истаётганини тўғри тушуниб олаётганини кўрсатмоқда.

Психологик етуклик борасидаги изланишнинг ушбу босқич натижалариға кўра талабалардаги тафовутли ҳолатлар ўрганилаётган муаммо бўйича доимий равишда шахс етуклигининг ҳар бир даражасида ўзига хос ижобий аҳамиятли сифатлар кузатилиши мумкинлиги бўлди. Етукликнинг бир-бирига яқин даражалари орасида эса, тафовутлар кескинлашиши ёки тенглашиши мумкинлиги ҳам кузатилар экан.

Муаммонинг навбатдаги таҳлилий жиҳатларида эса, асосий эътибор талабаларнинг психологик етуклик кўрсаткичлари

ўртасидаги ички муносабатларни ва уларнинг хусусиятларини ўрганишга қаратилади.

3.2. Талабалар психологик етуклигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ўртасидаги муносабатлар

Психологик тадқиқот натижаларини ўртача қиймат бўйича таҳлил қилиш талабаларнинг маълум кўрсаткичларини тоифаларига кўра қиёсий ҳамда тафовутли томонларини таҳлил қилишга хизмат қилади. Бироқ, уларнинг ички муносабатлари ва ривожланиш қонуниятлари эса очиқ қолади. Шуни инобатга олган ҳолда, тадқиқот методикалари натижалари ва шкалаларининг кўрсаткичлари ўртасидаги корреляциясини аниқлаш мухимдир. Бу борадаги таҳлил навбатдаги жадвалларда келтирилади ва таҳлил қилинади. Талабалар психологик етуклигининг ижтимоий-психологик хоссалари ва хусусиятларини аниқлаш бўйича дастлабки уриниш қўйидаги тартибда амалга оширилди. Бу борада қўйидаги умумий натижалар ҳамда талабаларнинг тоифалари бўйича кўрсаткичлари таҳлили аниқлик киритади.

3.2.1-жадвал

Талабаларнинг психологик етуклик даражасини баҳолаш методикалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари

Шкалалар	Психологи кёш	Ижтимоий ёш	Вазият	Иккисини ш	НОМ	ВАС
Психологи к ёш	1	-0,029	0,078	-0,104	0,018	0,177*
Ижтимоий ёш		1	0,085	-0,045	-0,039	-0,020

Вазиятга нисбатан кескин			1	-0,558**	-0,035	0,112
Иккилани ш				1	-0,029	-0,050
НОМ					1	0,118
ВАС						1

Изоҳ:^{*} $p \leq 0,05$, ^{**} $p \leq 0,01$,

Жадвалдаги натижаларга кўра методикаларнинг иккита шкаласи орасида корреляция кўрсаткичларида аҳамиятли даража акс этди. Бу ҳолат психологик ёшни аниқлаш шкаласи билан вазиятнинг асосий сабабини аниқлаш шкаласи ўртасида кузатилди ($r=0,177$, $p \leq 0,05$). Бундан кўринадики, шахснинг психологик етуклик даражаси ўсиши давомида унинг томонидан вазиятнинг асосий сабабини баҳолаш, аниқлашга ва у ҳақида холисона хулоса чиқаришга ҳаракат қилинади.

Бунда эса, талабаларнинг хатти-ҳаракати ва амалга оширилаётган ҳаракатлари туфайли ижобий натижаларга эришиш мумкинлиги қайд этилади.

Иккинчи ҳолат эса, талабаларнинг “вазиятга нисбатан кескинлик” билан “иккиланиш” шкаласи ўртасида тескари салбий корреляция аниқланди ($r=-0,558$, $p \leq 0,01$). Бундан кўринадики, талабалар вазиятнинг кескинлашуви оқибатида амалга ошириш лозим бўладиган ҳар қандай фаолиятда иккиланиш, шубҳаланиш мумкин деган хулосага келиш тўғрисидаги тасаввурлари билан биргаликда тегишли кўникмалар шаклланиши мумкинлигини билдирумoqueда.

Талабаларнинг психологик ёш тоифалари бўйича олинган натижаларни таҳлил қилишда ҳам ўзига хос кўрсаткичлар аниқланган.

3.2.2-жадвал

**Талабаларнинг психологик етуклик даражасини баҳолаш
методикалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик
кўрсаткичлари
(қуий психологик ёш кўрсаткичи бўйича)**

Шкалалар	Психологик ёш	Ижтиомий ёш	Вазиятга нисбатан кескинлик	Иккиланиш	НОМ	ВАС
Психологик ёш	1	-0,216	0,132	-0,242	-0,033	-0,145
Ижтиомий ёш		1	0,189	-0,155	-0,091	0,204
Вазиятганисб атанкескинлик			1	- 0,653**	-0,147	0,327*
Иккиланиш				1	0,268	- 0,311*
НОМ					1	-0,113
ВАС						1

Изоҳ: $*p\leq 0,05$, $**p\leq 0,01$,

Психологик ёш кўрсаткичи қуий бўлган талабаларнинг методикалар шкалалари бўйича натижалари қуийдаги кўринишни олди. Уларда “вазиятларга нисбатан кескинлик” билан “иккиланиш” ($r=-0,558$, $p\leq 0,01$), “иккиланиш” шкаласи билан “ВАС” шкаласи ўртасида ($r=-0,311$, $p\leq 0,01$) салбий натижа аниқланди. Бундан кўринадики, қуий психологик ёш даражасидаги талабалар кундалик турмуш ва ўқув жараёнидаги ҳар хил вазиятларга дуч келишлари сабабли, уларнинг ечимини топиш борасида қийинчиликларга дуч келишлари ёки қийинчилик ва муаммолардан қочишга интилишларидан далолат бермоқда. Бу талабаларда ўз-ўзини anglash, ўз имкониятларини етарли англаб етмаслик, масъулиятли вазиятда нафақат ўзи, балки атрофдагилар билан етарли муносабатга кириша олиш кўникма ва малакалари еатрли эмаслигини кўрсатади.

Шакллантириувчи экспериментда айнан шу жиҳатни шакллантиришга урғу берилади.

Ўртача психологик ёш кўрсаткичига эга бўлган талабаларнинг кўрсаткичларида ҳам иккита корреляцион муносабат аниқланди.

3.2.3-жадвал

Талабаларнинг психологик етуклиқ даражасини баҳолаш методикалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари (ўртача психологик ёш кўрсаткичи бўйича)

Шкалалар	Психологик ёш	Ижтимоий ёш	Вазиятга нисбатан кескинлик	Иккиланиш	НОМ	ВАС
Психологикёш	1	-0,053	-0,035	-0,060	0,203	0,039
Ижтимоий ёш		1	0,098	-0,067	-0,039	-0,019
Вазиятганис батанкескинлик			1	-0,557**	0,128	0,034
Иккиланиш				1	-0,241*	-0,013
НОМ					1	0,140
ВАС						1

Изоҳ:^{*} $p\leq 0,05$, ^{**} $p\leq 0,01$,

Уларда ҳам тофовут “вазиятларга нисбатан кескинлик” билан “иккиланиш” ($r=-0,557$, $p\leq 0,01$) ва “иккиланиш” билан НОМ шкалалари ($r=-0,241$, $p\leq 0,05$) ўртасида кузатилди. Улар бўйича вазиятлар билан боғлиқ муаммолар вазиятга боғлиқ бўлмаган масъулиятни келтириб чиқариши мумкин. Шахснинг иш фаолиятида ва ҳаётда бирор бир ишни бажаришга бўлган маъсуллиги муҳим. Бу ўринда талабаларимизда масъулиятлилик хусусиятини етарли

шаклланмаганлиги натижаларда ўз аксини топди. Тадқиқотимизнинг кейинги босқичларида етукликни ифодаловчи шу шахс хусусиятини шакллантиришга эътиборимизни қаратамиз.

Ўртачадан юқори психологик ёш тоифасига мансуб талабаларнинг психологик етуклик кўрсаткичлари бўйича корреляцион муносабатида эса талабаларда яна анъанавий ҳолат, яъни вазиятларга нисбатан кескинлик билан “иккиланиш” ($r=-0,557$, $p\leq 0,01$) ўртасида салбий корреляцион коэффициент аниqlанди. Бу дастлабки талабаларнинг тоифасидаги ҳолат бу тоифа учун ҳам хослигини ифодаламоқда (3.2.4-жадвал).

3.2.4-жадвал

Талабаларнинг психологик етуклик даражасини баҳолаш методикалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари (ўртачадан юқори психологик ёш кўрсаткичи бўйича)

Шкалалар	Психологик ёш	Ижтимоий ёш	Вазиятга нисбатан кескинлик	Иккиланиш	НОМ	ВАС
Психологик ёш	1	0,075	0,100	-0,014	0,056	0,104
Ижтимоий ёш		1	0,084	-0,101	0,040	-0,055
Вазиятганисбатан кескинлик			1 0,591**	-	-0,111	0,054
Иккиланиш				1	0,049	0,003
НОМ					1	0,223*
ВАС						1

Изоҳ: $*p\leq 0,05$, $**p\leq 0,01$,

Аммо, уларнинг носитуатив масъулият шкаласи билан ВАС шкаласи ўртасида ижобий корреляция мавжуд экан ($r=0,223$, $p\leq 0,05$).

Бу ҳолат талабаларда носитуатив масъулиятни ривожлантириш ҳисобига вазиятларнинг асосий сабабларини аниқлаш кўникмаларини шакллантириш мумкинлиги ҳақидаги хulosани келтириб чиқармоқда. Шахснинг психологик етуклиги уни ностандарт шароитлари ва фавқулотдаги вазиятларда масъулиятлилик даражасини намоён қилиш билан ифодаланади. Натижалар шуни кўрсатиб турибдики, талаба ёшларимизда носитуатив масъулиятлилик даражасини оширишга қаратилган психокоррекцион ишларни олиб боришга зарурат мавжуд.

3.2.5-жадвал

Талабаларнинг психологик етуклик даражасини баҳолаш методикалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари (юқори психологик ёш кўрсаткичи бўйича)

Шкалалар	Психологик ёш	Ижтимоий ёш	Вазиятга нисбатан кескинлик	Иккиланиш	НОМ	ВАС
Психологик ёш	1	-0,122	-0,279	0,129	0,104	-0,199
Ижтимоий ёш		1	-0,089	0,192	-0,083	-0,067
Вазиятганис батанкескинлик			1	- 0,480*	-0,013	0,165
Иккиланиш				1	0,071	0,284
НОМ					1	-0,010
ВАС						1

Изоҳ:^{*}p≤0,05,

Юқори психологик ёш тоифасига мансуб талабаларнинг психологик етуклик кўрсаткичлари бўйича корреляцион муносабатда эса, талабаларда яна анъанавий ҳолат, яъни “вазиятларга нисбатан кескинлик” билан “иккиланиш” ($r=-0,557$, $p\leq 0,01$) ўртасида салбий корреляцион коэффициент кузатилди (3.2.5-жадвал).

Бундан кўринадики, талабаларнинг барча тоифаларининг психологик етуклигига анъанавий тафовутни бартараф этиш уларнинг психологик етуклигини таъминлашнинг бош сабаби эканлигини кўрсатмоқда.

3.2.6-жадвал

Талабаларнинг психологик етуклик даражасини баҳолаш методикалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари **(жуда юқори психологик ёш кўрсаткичи бўйича)**

Шкалалар	Исихологи кёш	Ижтимоий ёш	Вазиятга нисбатан кескинлик	Иккиланиш	НОМ	ВАС
Психологик ёш	1	0,154	-0,474	-0,634	0,343	-0,466
Ижтимоий ёш		1	0,184	0,645	-0,671	-0,389
Вазиятга нисбатан кескинлик			1	0,569	-0,411	-0,529
Иккиланиш				1	-0,866	-0,050
НОМ					1	0,261
ВАС						1

Тадқиқот натижаларидағи ўзига хос жиҳатлардан бири жуда юқори психологик ёш кўрсаткичига эга бўлган талабаларда

методикалар ўртасида корреляцион боғлиқлик кузатилмаганлигидир (3.2.6-жадвал). Бунинг сабаби ушбу гурухга юқори курс талабалари киритилганлиги бўлиб, таълим жараёнида курсдан-курсга талаба шахси ўқув фаолияти ва шахслараро муносабатлар негизида ўз-ўзини англаш, ижтимоий интеллект, масъулиятлилик каби етукликнинг асосий фазилатларини шакллантириб боради. Лекин бу барча юқори курс талабаларида бир хил юқори дегани эмас. Зоро, шахснинг психологик етуклик даражаси у яшаётган муҳит, тарбия, ўз-ўзига ва ўзгаларга бўлган муносабат, ўз устида ишлашга бўлган эҳтиёж, юқори фаолият мотивацияси, таълим ва келажакка бўлган масъулият хисси билан белгиланади. Демакки, қуйи курслардан талаба ёшларда шу жиҳатларни мақсадли ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шуни инобатга олган ҳолда талабалар психологик етуклигини ўрганишда фойдаланилган САТ методикаси шкалалари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ҳам аниқланди.

**Талабаларнинг САТ методикаси шкалалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари
(умумий жадвал) (жуда юқори психологик ёш кўрсаткичи бўйича)**

Шкалалар	Вактниидрокетиши	Кўллабкуватлаши	Қадриятларгайўн алганик	Хулқатворэгилувчаниги	Сензитивлик	Режасисизхатти-ҳаракат	Ўз-ўзинихурматлаши	Ўз-ўзиниқабулқилиши	Инсонтабиатинит асаввурқилиш	Синергия	Агрессияниқабулқилиши	Контакт	Билишгабўлганэхти ёж	Креативлик
Вактниидрокетиши	1	0,090	0,076	0,352**	-0,113	0,034	0,169**	0,158*	0,100	0,014	-0,057	0,144*	0,112	0,042
Кўллабкуватлаш		1	0,391* *	0,380**	0,256**	0,438**	0,455**	0,483**	0,193**	0,180**	0,473**	0,488**	0,122	0,161*
Қадриятларгайўнал ганлик			1	0,012	0,029	0,113	0,412**	0,137*	0,223**	0,364**	0,281**	0,063	0,151*	0,353**
Хулқатворэгилувчаниги				1	-0,070	0,194**	0,130*	0,174**	0,099	0,226**	0,103	0,324**	0,085	0,139*
Сензитивлик					1	0,390**	0,029	-0,134*	-0,093	-0,138*	0,316**	0,095	-0,017	-0,039
Режасисизхатти-ҳаракат						1	0,130*	-0,033	-0,003	-0,071	0,282**	0,230**	-0,082	0,105
Ўз-ўзинихурматлаш							1	0,302**	0,255**	0,165**	0,180**	0,092	0,223**	0,080
Ўз-ўзиниқабулқилиш								1	0,062	0,177**	0,070	0,208**	0,152*	0,039
Инсонтабиатинит асаввурқилиш									1	0,422**	0,032	-0,081	0,228**	0,047
Синергия										1	0,087	-0,110	0,215**	0,285**
Агрессияниқабулқилиш											1	0,260**	-0,030	0,052
Контакт												1	0,070	0,006
Билишгабўлганэхти ёж													1	0,109
														1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$,

Натижалар 3.2.7-жадвалда келтирилган. Унга кўра талабаларнинг умумий кўрсаткичлари бўйича жадвал натижаларида ижобий корреляцион боғлиқликни акс эттирувчи ҳолатлар анчагина экан:

“Вақтни идрок этиш” шкаласи “Хулқ-атвор эгилувчанлиги” ($r=-0,557$, $p\leq0,01$), “ўзини-ўзи ҳурматлаш” ($r=-0,557$, $p\leq0,01$), “ўзини-ўзи қабул қилиш” ($r=-0,557$, $p\leq0,01$), “муносабат” ($r=-0,557$, $p\leq0,01$) шкалалари билан ижобий корреляцион боғланиш аниқланди. Натижада инсоннинг қанчалик ўз ҳаётини узлуксиз яхлит тасаввур қилиши, бугунги кунни ўтмишнинг асорати ёки келажакнинг пойдевори эмас, балки ноёб қадрият сифатида тушунишининг ривожланиши ҳисобига одамнинг вазият ва шароит ўзгаришига мос равишда қанчалик тез ва тўғри жавоб қайтаришининг, ўз фазилатлари, ижобий сифатларини англай олиши ва улар учун ўзини қадрлашга ўрганиш, ўзини қандай бўлса шундайлигича, барча фазилат ва нуқсонлари билан қабул қилиш фазилати, одамнинг қанчалик ҳиссиётларга бой, мазмунли муносабатлар қура олиши, мулоқот қила олиш кўникмаларининг ўсишига олиб келар экан.

Қўллаб-қувватлаш шкаласи ҳисобида эса “қадриятларнинг йўналганлиги” (0,391), “хулқ-атвор эгилувчанлиги” (0,380), “сензитивлик” (0,256), “режасиз хатти-харакатлар” (0,438), “ўз-ўзини ҳурматлаш” (0,455), “ўзини-ўзи қабул қилиш” (0,483), “инсон табиатини тасаввур қилиш” (0,198), “синергия” (0,180), “агрессияни қабул қилиш” (0,473), муносабат (0,488) ва бошқаларда ижобий корреляция кузатилди.

Қадриятга йўналганлик эса “ўзини-ўзи ҳурматлаш” (0,412), “ўзини-ўзи қабул қилиш” (0,137), “инсон табиатини тасаввур қилиш” (0,223), “синергия” (0,364), “агрессияни қабул қилиш” (0,281), “контакт” (0,488) ва бошқаларда ҳам ижобий корреляцион муносабат аниқланди. САТ методикаси бўйича талабаларнинг ижтимоий етуклигини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар анча ижобий кўриниш олганлигини гувоҳи бўлинди. Талабаларнинг психологик хусусиятлари талаба фаолиятининг муҳим жиҳати сифатида баҳоланмоқда.

3.3. Талаба психологик етуклигининг шаклланишида ижтимоий интеллект ўзига хос жиҳатлари

Маълумки, етуклик - бу жисмоний ёшгина эмас, балки бу ижтимоий, эмоционал, маънавий ва интеллектуал тараққиётдир. Талаба психологик етуклиги жисмоний, ахлоқий ва ақлий босқичлардан иборат бўлиб, бу борада унинг ўзини англаши ва ижтимоий интеллекти етакчи, устувор ўрин эгаллайди. Ижтимоий интеллект - бу шахснинг жисмоний етуклик билан бир қаторда унинг ўз ички оламини фаҳмлаши, унга нисбатан зарур чоратадбирлар кўришга тайёрланиш, муҳим қарорлар қабул қилиш, ўз-ӯзини англаши, шахсий мақсад ва истакларини билиш, қадриятларни баҳолашга лаёқатлилигига қаратилган, эмпатияга қобилиятлиликни ифодаловчи шахснинг муҳим хусусиятидир. Ижтимоий интеллекктнинг ривожланганлик даражаси шахснинг психологик етуклигига муҳим ўринга эга.

Ижтимоий ролларни бажаришга тайёрлик, ижтимоий муҳитга мослашувчанлигини аниқлаш мақсадида жинсий тавофутларни аниқлаш ва бу тавофутларнинг ўзига хос хусусиятини тахлил қилиш тадқиқотимизда белгилаб олинди. Бунда талабаларнинг ижтимоий имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда психологик етукликни таркиб топтириш зарур, деган хulosага келинди. Бу эса, шахснинг психологик етукликги учун зарур бўлган ижтимоий интеллекти юзасидан ҳам изланишлар олиб бориш кераклигига заруратини юзага келтирди.

Талабаларнинг ижтимоий интеллектини тадқиқ этиш жараёнида уларнинг психологик етуклиги юзасидан аниқ тахминларга келишимизга имконият яратилишини инобатта олиб, куйидаги ҳолатларга ҳам эътиборни қаратдик:

- шахсий сифатларнинг ижтимоий интеллект ва ақлий интеллекtlар билан муносабати масаласи;
- ёш ва жинс хусусиятлари динамикаси;
- психологик етуклиқдаги аҳамиятни белгилаш;
- етуклик шаклланиши учун зарур шахсий сифатлар каби

жихатларга тадқиқотимизнинг ушбу босқичида алохида эътибор берилади.

Олдинги бобларимизда эътироф этганимиздек, талабаларнинг психологик етуклик масалалари бўйича махсус лойиҳа ишлари амалга оширилган бўлсада, аммо шахсий сифатлар билан ижтимоий интеллект муаммосини ўзаро алоқадорлиги талабалар мисолида яққол ўрганилмаган. Бу эса, тадқиқотимизнинг ўзига хос илмий янгилигидан бири саналади. Шуни ҳисобга олиб, ижтимоий интеллект муаммоси психодиагностикаси учун қўлланиладиган методикаларга яна бир бор эътибор қаратиб, уларнинг айрим томонлари хусусида қисқача тўхталамиз.

Тадқиқотимизнинг бу босқичида қўлланган методикаларда психологик тажрибалардан ўтган, миллий ва маданий мухит учун ортиқча тафовутларни келтириб чиқармайдиган томонларига эътибор қаратилди.

Бунинг учун Дж.Гилфорднинг “Ижтимоий интеллект диагностикаси” методикасини ўрганиш зарур бўлди.

Дж.Гилфорд тести нафақат ижтимоий интеллектнинг умумий ривожланиш даражасини, шунингдек, ижтимоий-психологик етуклик юзасидан зарур сифатлар-инсон ҳулк-атвори натижасини олдиндан кўриш; вербал ва новербал экспрессия акс этишининг мутаносиблиги; шахслараро ўзаро таъсирлашувдаги мураккаб вазиятларни таҳлил этувчанлик қобилияtlарини ўрганишга мўлжалланган.

Методика топшириқлари проектив характерга эга бўлиб, тўртта субтестга бириктирилган:

1. Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш;
2. Новербал ҳулқ-атворни тушуниш;
3. Вербал экспрессияни тушуниш;
4. Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш.

Бундан ташқари, методикани татбиқ этишининг доираси анчагина кенг. Уни бошқарув фаолиятида ходимлар билан самарали ишлашни ташхис этиш, кадрлар танлашда уларнинг иш жойига

мослашуви муваффақиятларини башорат қилишда; педагогика соҳасида педагогик фаолият самарадорлигини прогноз қилишда кўлланилади. Методика 9 ёшдан катта болалар ва катталар билан ишлаш учун мўлжалланган бўлиб, танишиш ва йўриқномаларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиш вақти 35-40 минутни ташкил этади. Методикадан асл натижаларни қўлга киритиш учун вақтни эътиборга олиш жуда муҳимдир.

Психологик етуклиkn илмий жиҳатдан ўрганиш жараёнини ташкил қилиш ва амалга оширишга қўйилган талаблар умумий тестология талаблари доирасида бўлади. Шунинг учун бевосита психологик етуклиkn психодиагностика усуллари билан ўрганишга қўйилган талаблар, бундай фаолиятнинг ўзига хос эътиорталаб жиҳатлари юзасидан фикр юрита олиш учун талабаларнинг ижтимоий интеллекти билан боғлиқ масалаларни ҳисобга олишни тақозо қиласди.

Талабанинг ижтимоий интеллекти уларнинг психологик етуклигини таъминловчи асосий компонентлардан ҳисобланади. Шу муносабат билан талаба психологик етуклик компонентларининг ижтимоий интеллектини ўрганиш натижаларини таҳлил этамиз.

Талабаларнинг психологик етуклиги учун фақат ақлий интеллектнинг ўсиши етарли эмас. Ҳар бир талаба мутахассис сифатида шаклланишида ўз соҳаси учун керакли билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга қобилиятли субъект бўлибгина қолмай, у ижтимоий муносабатларга мослашувчан, бошқаларнинг кечинмаларини ҳис эта оладиган, уларга ўз таъсирини ўтказувчи, муносабатларга киришимли, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаларга мослаштира оладиган психологик етук шахс бўлишини ҳам тақозо этиши масаласи кўндаланг бўлиб қолди.

Психологик етуклик аспектлари кўп бўлиб, улар ўзларини ҳар хил кўринишда намоён этади. Таъкидлаш керакки, талабаларнинг ижтимоий интеллекти мезонларини босқичлар бўйича ўрганишга ҳаракат қилганимизда бир қатор ижобий, илмий маълумотлар қўлга киритилди.

Биз тадқиқотимизда талабаларнинг нафақат жинсига, балки уларнинг ёш хусусиятларига ҳам катта эътибор қаратдик.

Талабаларда ижтимоий интеллектнинг ёш билан боғлиқ психологик жиҳатларига таъриф беришда Дж.Гилфорд методикасининг натижаларига суюниб иш кўрдик. Методика бўйича талабалар 4 та субтестни ечдилар ва ҳар бир субтест(омил)га тах. 5 балл, min. 0 балл қўйиб чиқилди. Шундан сўнг ҳар бир субтест бўйича йиғилган балларнинг умумий йиғиндиси топилди.

Биз шуни ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг психологик етуклигининг аспекти сифатида ижтимоий интеллектини ҳам диагностика қиласиз ва унинг динамикасига ҳам эътибор қаратамиз. Куйида (3.3.1-жадвал) тадқиқот натижалари шарҳига эътибор қаратамиз.

3.3.1-жадвал

Талаба психологик етуклик компонентларининг ижтимоий интеллект қўрсаткичлари

№	Ижтимоий интеллект субтестлари компонентлари	M	σ
1.	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,18	0,59
2.	Новербал ҳулқ-атворни тушуниш	3,30	0,86
3.	Вербал экспрессияни тушуниш	2,89	0,62
4.	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	2,79	0,95

Талаба психологик етуклигини белгилашда ижтимоий интеллектнинг ўрни масаласини ўрганишда Дж.Гилфорд методикасидан фойдаландик. Ушбу методика субтестлари талаба психологик етуклигининг баъзи қирраларини ёритишга хизмат қиласи. Психологик етуклик тушунчасининг мазмуни ва методиканинг хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, талабаларнинг мулоқотга ва ижтимоий шароитга мослашувчанликка

қобилятлилиги ҳамда инсонларни идрок этиш, улар билан мулоқотга киришимлилигидаги интеграллашган интеллектуал қобиляти ўртача даражали қийматни ифодаламоқда. Демак, талабалар таълим жараёнида психологияк етуклик сифати бўлган ижтимоий интеллектни ривожлантириш масаласига доимо эътибор қаратишлари лозим бўлади. Уларнинг ижтимоий интеллектини ифодаловчи мезонлардан “Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” бўйича (3.18 ± 0.59) ўртача кучли даражани намоён этди. Бу талабаларнинг одамлар билан муносабатни олдиндан башоратлашга, турли воқеа-ҳодисаларнинг боришини тахминлашга лаёқатлари бўлсада, аммо яққол тарақкий этмаганини кўрсатади. Шунинг учун уни ривожлантириш лозим деган хulosани беради. Талабалар ушбу субтестни юқори даражада ечган тақдирда нотаниш инсонларнинг фотосуратига қараб, унинг кимлиги, ички кечинмалари ҳақида батафсил тавсиф бера олардилар. Аммо, талабалар ижтимоий интеллектининг бу жабҳаси ўртачадан юқорироқ кўрсаткични кўрсатмоқда.

Талабаларда психологияк етуклик ривожланишида новербал хулқ-атворни тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Улардаги ушбу новербал хулқ-атворни тушуниш бўйича кўрсаткичлар ҳам ўртачадан (3.30 ± 0.86) юқори қийматга эга бўлган. Бу эса талабалар ўзларини фаол ижтимоий муҳитга тайёрлашга, новербал сигналлар бўйича сезгирикка, одамларнинг новербал мулоқотлари ёрдамида, танасининг ҳолати, мимикаси ва хатти-ҳаракатларига қўра баҳолаш кўниммалари борлигидан далолат беради. Бу кўникмалар борлиги талабаларкучлироқ ҳис қилган ҳолда ўзларидаги ушбу сифатни юқорироқ даражада шакллантиришга эришсалар, у ҳолда бу уларнинг фаол, стеник, чуқур рефлексияга, мулоқотда инсонларнинг эмоционал ҳолатларига нисбатан сезгирикка, ўзларининг ҳистойғуларини ҳам тушунишга мойилликлари ортишини билдиради.

Талабаларнинг методикадаги қолган иккита субтест кўрсаткичлари, яъни вербал экспрессияни тушуниш (2.89 ± 0.62), шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш (2.79 ± 0.95) бўйича ўртачага яқинлигидан талабалар ижтимоий интеллектининг ушбу

жабҳалари ҳали ўртача даражада ҳам ривожланмаганлиги маълум бўлади. Бу эса, талабалар психологик етуклик қирраларининг тўлиқ ривожланмаганлигидан далолат беради.

3.3.2-жадвал

Талаба психологик етуклик компонентлари ижтимоий муносабатларининг корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари

Шкалалар	Мулоқот иштирокчи хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулқ-авторни тушуниш	Вербал экспрессионни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсиrlашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчисини нг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	I	0,401*	0,330	0,568**
Новербал хулқ-авторни тушуниш		I	0,346	0,610**
Вербал экспрессионни тушуниш			I	0,332
Шахслараро ўзаро таъсиrlашувни таҳлил этиш				I

Изоҳ: * $p < 0.05$; ** $p < 0.01$

Илмий тадқиқотимизнинг мақсади талаба-ёшларда психологик етукликнинг ижтимоий-психологик томонларини илмий жиҳатдан асослаш ва амалда синаб кўришга қаратилган. Бунинг учун талабаларнинг ижтимоий интеллектини баҳолашга хизмат қилувчи тест мезонлари ёрдамида уларнинг компонентларининг ўзаро корреляцион муносабатларини таҳлил қилдик.(3.3.2-жадвал). Талабаларнинг ижтимоий интеллекти компонентлари орасида ижобий корреляцион муносабатлар кузатилмоқда. Ўртача қиймат бўйича таҳлилимида талабалардаги “мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” ва “новербал хулқатворни тушуниш” бўйича ўртачадан юқори кўрсаткичларга эгаликларини корреляцион муносабатлар тасдиқлади ($r=0.401, p<0.05$). Яъни, талабалар шахслараро муносабатда интеллектуал қобилияtlари бирлигida умумий мұхитни, сұхбатдошларнинг хатти-харакатлари, шахсий фазилатларини, кечинмаларини баҳолаш имкониятлари ўзаро қонунийт жиҳатидан боғлиқлиги тасдиқланди. Психологик етук даражасига эришиш талабанинг салоҳияти, ишchanлик қобилияти, ақлий ва ижодий фаолияти маҳсулдорлигига боғлиқ бўлиб, барча талабалар тараққиёт чўққисига эришади, деган маънони англатмайди. (3.3.2-жадвал).

Талабалар ҳаёти ва фаолиятида муваффақиятга эришиш учун “мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилияtlарини ўстириб борсалар, “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш”да ҳам муаммоларга дуч келмасликлари илмий жиҳатдан исботини топмоқда($r=0.568, p<0.01$). Новербал хулқатворни тушуниш қобилиятини ривожлантириш орқали “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этувчанликни камол топтиришлари мумкин экан ($r=0.610, p<0.01$). Психологик етуклик компонентлари билан ижтимоий интеллектик мөнорларининг боғлиқлиги ҳам шахснинг психологик етилишида аҳамият касб этиши табиий.

Талабаларни психологик жиҳатдан етук шахслар қилиб вояга етказиш жараёнида жинсий фарқлар бўлиши эҳтимол. Бу эса, муаммонинг жинсга муносабатини ўрганишни ҳам тақозо қиласди.

Шунга кўра, биз талаба қизлар ва йигитларнинг жинси бўйича кўрсаткичларини ўрганишга ҳам эътибор қаратдик. Бу эса, психологик етуклик даврида ижтимоий интеллектни ривожланганлик ҳолатининг жинсий тафовутланишидаги фарқларни баҳолашга олиб келди (3.3.3-жавдал).

3.3.3-жавдал.

Талаба қизларда психологик етуклик компонентларининг корреляцияси

Шкалалар	Мулокот иштирокчи исининг ҳиссиёти, фикри ва ниятлари ни тушуниш	Новербал хулқ-авторни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсиrlашувни таҳлил этиш
Мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	I	0,620*	0,578*	0,718**
Новербал хулқ-авторни тушуниш		I	0,331	0,628*
Вербал экспрессияни тушуниш			I	0,289
Шахслараро ўзаро таъсиrlашувни таҳлил этиш				I

Изоҳ: * p<0.05; ** p<0.01

Талаба қизлардаги ижтимоий интеллект мезонлари ўртасида умумий натижалар сингари корреляцион муносабатлар мавжуд бўлиб, уларда мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш новербал ($r=0.620, p<0.05$) ва вербал экспрессияни тушуниш ($r=0.578, p<0.05$), шахслараро ўзаро таъсиrlашувни таҳлил этиш қобилияти билан ҳам ижобий

корреляцион боғлиқликни акс эттира олган ($r=0.718, p<0.01$). Биз талаба қизлар психологик етилиш доирасида ўзларининг ижтимоий интеллект бўйича маълум умумий кўникмаларига эга эканликларини, аммо уларни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлашга мойилмиз.

Энди талаба йигитларнинг ижтимоий интеллект мезонлари ўртасида ўзаро корреляцион боғлиқликни қуидаги жадвал кўрсаткичлари ёрдамида таҳлил этдик (3.3.4-жадвал).

3.3.4-жадвал

Талаба йигитларнинг ижтимоий интеллекти компонентлари корреляцияси

Шкалалар	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал ҳулқ-атворни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	I	0,368 *	0,501 *	0,158
Новербал ҳулқ-атворни тушуниш		I	0,138	0,330
Вербал экспрессияни тушуниш			I	0,080
Шахслараро ўзаро таъсирашувнит аҳлил этиш				I

Талаба йигитларнинг натижаларида эса, қизларнидан фарқли жиҳатлари кузатилиши эҳтимол. Таҳлилларимиз талаба йигитларда ҳам талаба қизларнинг натижаларига боғлиқ тарзда мулоқот

иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш қобилиятлари новербал хулқ-авторни тушуниш ($r=0.368, p<0.05$) ва вербал экспрессияни тушуниш билан ($r=0.501, p<0.05$) түғри корреляцион алоқадорликни намоён этди. Бундан кўринадики, талабаларда психологик етилишнинг умумий муҳитига ва муносабатларга ўзларини тайёрлашда етарлича фаҳм-фаросат ва ақл-заковат бор, аммо талабалар уларни турмуш тажрибалари ҳамда касбий шаклланиш жараёнида ривожлантириб боришларига түғри келади. Шакллантирувчи экспериментимизда шу жиҳатларни ҳам ривожлантиришга диққатимизни қаратдик. Таълим-тарбия жараёнида талаба йигитларнинг ўз устларида ишлашлари, ижтимоий интеллектни характерловчи фазилатларни шакллантиришни ортга қолдирмасликлари лозим бўлади. Талаба йигитларнинг ижтимоий интеллекти кўрсаткичларидан кўринадики, мулоқот шароитидаги талабаларнинг атрофдагиларга нисбатан муносабатида интеллектуал жиҳатдан компетентли бўлган муомалани намоён эта олишлари уларнинг психологик етуклигида ҳам катта аҳамият касб этар экан.

Бизнинг тажрибамиизда ҳар икки жинс талабаларида психологик етилиш даврида мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш, новербал хулқ-авторни тушуниш мезонлари бир-бири билан боғланишни ифодалагани сингари ижтимоий интеллект билан ҳам ижобий ҳамда түғри корреляцион боғлиқликни акс эттира олди (3.3.4-жадвал).

Талабалар психологик етуклик компоненти бўлган ижтимоий интеллект натижаларининг ўсиш ҳолати тўртинчи босқичда яққолроқ ифодаланишини кўрсатди. Бундан кўринадики, психологик етукликини таъминлаш учун аниқ ижтимоий психологик тадбирлар билан бир қаторда талабаларнинг ўзлари шахсий сифатлари юзасидан мустақил изланиш олиб боришлари ҳам зарур.

3.4. Талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантиришнинг самарадорлиги

Тадқиқотимизда олий таълим муассасаларида талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш борасидаги ишлар ўзининг психологик моҳиятига кўра қуидаги босқичларда амалга оширилди:

1-босқич. Талабаларда психологик етуклик компонентлари ривожланганлик даражаси аниқланди. Бунинг учун талаба ёшларга маҳсус тест батареялари ва анкета сўровномалари тақдим этилди, сұхбатлар ўтказилди, кузатиш ишлари амалга оширилди.

2-босқич. Талабаларга психологик етуклик компонентлари хақида назарий маълумотлар берилди.

3-босқич. Ишлаб чиқилган маҳсус психотренинг дастури асосида талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш тажриба-синовидан ўтказилди.

4-босқич. Тажриба-синов ишлари натижалари умумлаштирилди. Ушбу натижалар “Стьюент-Фишер” критерийсини қўллаб математик-статистик таҳлил этилди.

Олий таълим муассасаларида дарсдан ташқари вақтларда талабаларда психологик етуклик компонентларини ривожлантириш, уларда самарали мулоқот қуриш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи фаоллаштириш, психологик етуклик бўйича мавжуд тажрибалардан фойдаланган холда “Талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш” маҳсус тренинг курс дастурини ишлаб чиқдик.

Ушбу маҳсус тренинг курсида талабалар ижтимоий психологик етуклигининг асосий компонентлари бўлган масуълиятлилик, ижтимоий интеллект ва ўзини англаш каби психологик сифатларини ривожлантирилди. Тадқиқот натижаларига мувофиқ маҳсус психотренинг машғулотлари 72 соатга режалаштирилди. Бунда талабаларнинг масуълиятлилик, ижтимоий интеллект ва ўзини ўзи англаш сифатлари маҳсус назарий машғулотлар ва психотренинглар орқали ривожлантирилди.

Талабалар психологияк етуклигини ривожлантиришнинг психологик механизмларининг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида: таълим жараёнида талабанинг психологик етуклик компонентларининг ривожланишида типлар ва услублар намоён бўлишини, бунда талабалар психологик етуклик компонентлари: масуълиятлилик, ижтимоий интеллект, ўзини ўзи англаш ва тафаккурини оригиналлик, эгилувчанлик, аниқлик ва тезкорлик хусусиятларини ривожлантирувчи назарий маълумотлар негизидаги психотренинг дастури шакллантирилди ва амалда татбиқ этилди. Даструр келажакда махсус курс сифатида битирувчи курс талабаларининг касбий ва психологик етуклигини таъминлашга ҳам хизмат қиласи.

Тадқиқот учун танлаб олинган методика (“Ижтимоий интеллект” тести)лари орқали аниқловчи синовлар ўтказилди. Психологик феноменларни акс эттирувчи психотренинг материаллари тайёрланди.

“Талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш” махсус тренинг курси РЕЖАСИ

№	Махсус психотренинг йўналишлари	Кутилаётган натижа	Ўтказиш оралиғи	Ажратилг ан соат
I. Масъулият				
	Ижтимоий масъулият – жамият равнақига хисса қўшишга ундовчи назарий машғулотлар ва тренинглар	Хулқ- авторнинг ижтимоий нормалари га риоя қила олиш;	Ҳафтада бир марта	12 соат

Ижтимоий масъулият оширувчи тренинглар	Ўзи ва яқинларига ғамхўрлик қилиш киритилди.	Хафтада бир марта	12 соат
Масъулиятли мустақилликни оширувчи тренинглар	Ўзига масъулиятни олиш ва масъуллик;	Хафтада бир марта	12 соат

II. Ижтимоий интеллект

Ижтимоий муҳитга мослашувчанлик (назарий машғулот)	Мулоқот иштирокчисин инг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Хафтада бир марта	12 соат
Ижтимоийла шув психотренинги	Инсон шахсини шакллантирувчи табиий ва ижтимоий муносабатлар тизими, ижтимоий интеллект, ҳаёт тарзи ва шахслараро муносабатлар каби омилларнинг бир-бирига мувофик	Ойида икки марта	6 соат

		келиши ва бойиб боради.		
III. Ўзини ўзи англаш				
	Ўзликни англашга ундовчи назарий машғулот тернинг ва	Талабанинг ўз- ўзини англашни такомиллашув и орқали психологик етуклини шакллантириш	Хафтада бир марта Ўз-ўзини англаш шахснинг фазилатига айланиши учун муайян давр, вакт, муддат талаб қилинади, талабалар билин дастурий тадбир- чоралар ўтказиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин.	12 соат
	Ўз-ўзини бошқаришга ундовчи тренинглар	Тез ўзгарувчан ҳаётий вазиятларга мос холда ўзини бошқара олади;		6 соат


		- ҳаётий муаммоларни ҳал этишда ўз билими, малакалари ва кўникмаларин и қўллай олади		
	Жами соатлар		Машғулотлар ҳафтасига 4 соатдан ташкил этилиб, 6 ойга мўлжалланган	72 соат

Таълим жараёнида талабанинг психологик етуклигини яхлит ҳолда шакллантиришда қуидаги ҳолатларга эътибор қаратилди:

- талабанинг онги, ҳис-туйғуси, хулқига маҳсус психотренинглар орқали таъсир этиш;
- талабанинг ташқи таъсир асосида ўз-ўзини тарбиялаши;
- талаба етуклиги билан боғлиқ барча соҳаларнинг ўзаро алоқаси;
- талабанинг ижтимоий етуклигини шакллантиришда ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқа таркибий қисмларнинг уйғунлигига эришиш;
- талаба психологик етуклигини шакллантириш жараёнининг тизимлилиги.

Ижтимоий тарбия аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, у талаба шахсини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутади. Талабанинг психологик етилиши учун уни ақлий, ахлоқий, эмоционал, жисмоний ривожлантириш, ижодий қобилиятини намоён этиши учун имконият яратиш, унда психологик етуклик

сифатларини таркиб топтириш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда психологияк етуклика изоҳ беришини лозим деб топдик. Демак, шахснинг психологик етуклиги бушахснинг ақлий, ахлоқий, эмоционал, жисмоний ривожлантириш, ижодий ва касбий қобилиятини намоён этиши, шахсий камолотга эришишга имкон берувчи ўз-ўзини англаш ва масъулият ҳамда ижтимоий интелектнинг комплекс ифоланишидир. Талаба шахснинг ижтимоий-психологияк етуклиги таълим-тарбия жараёнида орттирилган билим, кўникма ва малакалар, ўз устида ишлаш, ҳаётий тажриба ва махсус ташкил этилган ҳамда мақсадга йўналтирилган табдирлар йиғиндиси ҳисобланади. Тадқиқотимиз доира олиб борилган таҳлил натижасида “Психологияк етуклик модели” ишлаб чиқилди ва уни куйидаги расмда кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Психологияк етуклик модели

Биз талабалар психологик етуклик компонентларининг ривожланганлик даражасини ўрганишда уларнинг ички ва ташқи имкониятларидан фойдаландик. Ўз навбатида бу ҳолат талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантиришга ёрдам берди. Ички имкониятлар талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, уларнинг муроқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш, новербал хулқ-авторни тушуниш, вербал экспрессияни тушуниш, шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этишлари юзасидан ички талаблар киритилиб, уларнинг ўз атрофларидаги кишиларни, ўз-ўзини англаши, уларни тушуна бориши асосида психологик етуклигига ички бир йўналиш беришдан иборатдир.

Ташқи омиллар олий таълим муассасаси фаолиятида оила, маҳалла ва бошқа муассасалар билан алоқа боғлаш вазифасидан иборат бўлди.

Тажриба-синов давомида ўғил болаларнинг олий таълим муассасасида ижтимоий-гуманитар фанлар асосида ҳамда ижтимоий фаолиятда ўзларини баҳолай олиш, ўзларини бошқара билиш билан чекланиб қолмай, ўзларининг психологик етилишлари зарурлигини ҳам тушуниб олдилар. Талабанинг ҳаёт ва фаолиятида муваффақиятга эришиш мақсадига мувофиқ саъй-ҳаракатларини йўналтириш учун етукликка интилиш ҳис-туйғуларини такомиллаштиришга, ўзига-ўзи буйруқ бериш, ўзини-ўзи такомиллаштириш, ўзини-ўзи баҳолаш, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзига-ўзи таскин бериш, ўзини-ўзи қўлга олиш кўникмаларига эътибор қилиш зарурдир. Тавсия этилган психотренинг дастури мазмuni ва воситалар талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантиришга қаратилди.

Талабанинг ўз олдига қўядиган мақсади - ўзликни англашнинг муваффақиятли ривожланишини таъминловчи энг муҳим омиллардан бири. Шунинг учун талабага ўз олдига мақсад қўйиш ва унга эришишни ўргатишда қўйидагиларга эътибор қилиш лозим: талабани кундалик аниқ вазифалар(кун тартиби)ни бажариш, ўз вақтини режалаштириш, уйқу олдидан кунга яқун ясаш, кун сўнгида

ўз-ўзига ҳисоб бериш, кундалик юритишига ўргатиш, мuloқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш, шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этишни, ўзликни тезроқ англаш ва ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини эгаллашга ўргатиш.

Талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижалари куйидагича бўлди (3.4.1 - жадвал):

3.4.1-жадвал

Талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш мезонлари

Мезонлар	Талабалар сони – 275 нафар			
	Тажриба гурӯҳи $n_1 = 140$		Назорат гурӯҳи $n_2 = 135$	
	Қуий		Қуий	
	T/a (%)	T/c (%)	T/a (%)	T/c (%)
Мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	48	67	49	50
Ўз-ўзини баҳолай олиши	42	58	41	46
Новорбал хулқ-авторни тушуниш	35	46	34	40
Вербал экспрессияни тушуниш	55	74	53	60
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	58	75	58	66
Қийин вазиятлардан чиқишига тайёрлиги	60	74	59	60

Инсонларга нисбатан хурмат	53	70	52	55
Ўзини-ўзи фаолаштириш	49	63	48	54

Изоҳлар: т/а – тажрибадан аввал, т/с – тажрибадан сўнг.

Демак, талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантиришда биз тавсия этган иш мазмуни, ўқув курси дастури, метод ва воситалар ўзини оқлади. Буни биз қуйидаги статистик маълумотлардан кўрсак бўлади.

Талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижасида қуйидагилар намоён бўлди. Қулланилган психотренинг самарадорлиги тажриба-синов ва назорат гурухларида олинган натижаларни таққослаш йўли билан аниқланди. 3.4.1. жадвалда психотренингдан олдин ва психотренингдан кейин талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш мезонлари ўз аксини топди. Махсус ишлаб чиқилган психотренинг дастури талабалар психологик етуклик мезонларининг ривожлантиришга қаратилган. Юқоридаги жадвал кўрсаткичларидан маълум бўлдики, ишлаб чиқилган психотренинг дастури ижобий таъсири этган. Натижада ҳар бир психологик етуклик шкаласининг ривожланиши 15-20 % ўзгаришни ташкил этган. Аммо, назорат гуруҳида ўзгариш деярли сезилмади. Чунки назорат гуруҳида психотренинг дастурлари асосида машғулотлар олиб борилмади.

Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантиришга доир назорат натижаларини аниқлаш юзасидан тажриба боши ва якунидаги натижаларни аниқлаш бўйича тажриба ва назорат гурухларидаги ўзлаштиришларини математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Шакллантиритувчи тажрибадан олдин эспериментга 502 нафар респандентлар жалб қиласанган эди. Шакллантиритувчи экспериментга 140 нафар қуи натижаларни кўрсатган респандентлар тажриба-синов гуруҳида ва 135 нафар назорат гуруҳида респандентлар танлаб олинди.

Масаланинг қисқача моҳияти қўйидагилардан иборат: бири талабаларнинг тажриба(психотренинг)гача билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса талабаларларнинг тажриба (психотренингдан кейин) охиридаги билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жадвал асосида тажриба ва назорат гурӯҳи ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз. Жадвалдан тажриба бошидаги тажриба ва назорат гурӯҳларидаги натижаларни умумлашган ҳолда қўйидаги жадвалда акс эттирамиз:

3.4.2-жадвал


Тажриба-синовдан олдин ва кейин талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантиришга доир назорат натижалари

Муддат	Гурӯҳлар	Талабала р сони	Ўзлаш тириш дараж а-лари	Психологик етуклик			t
				%	X	σ	
Тажрибада н олдин	Тажриба гурӯҳи	140	46	3,1	2,4	0,6 9	
	Назорат гурӯҳи	135	38	3,3	2,2	0,5 7	
Тажрибада н кейин	Тажриба гурӯҳи	140	63	4,8	3,1	0,7 1	
	Назорат гурӯҳи	135	40	4,0	3,3	0,5 3	

3.4.2-жадвалда кўриниб турибдики, ўtkazilgan психотренинг натижасида тажриба гурӯҳи талабаларида ўзлаштириш даражаси

46% дан 63% гача ошган. Бу эса ўз навбатида ўтказилган психотренинг самарли эканлигини кўрсатади.

Тажриба-синовдан олдин ва кейин талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантиришга доир назорат натижалари



3.5. Талабаларни ўзлигини англаш ва ўз-ўзини бошқаришга ўргатишга қаратилган тажриба-синов ишларининг натижалари

Талабалар психологик етуклик компонентларини ривожлантириш мезонларидан энг муҳими ўзлигини англаш ҳисобланади. Биринчи ёндашишга кўра, ўзини-ўзи англаш жараёни вужудга келишининг бош сабаби-инсон билан жамият ўртасидаги муносабатнинг ўзаро номутаносиблигидир.

Талабанинг ўз-ўзини англаш жараёни миллий ўзлигини англаш билан узвий боғлиқ бўлиб, муайян вақт, муддат ўтишини, яъни маълум даврни тақозо этади. Талабада ўз-ўзини англаш бешта таркибдан иборат бўлган ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг таркибларини бирин-кетин англаш имкониятига эга эмас. Чунки инсонда ўзининг ҳаёти ва фаолияти ютуқлари, нуқсонларини, хулқатвор кўникмаларини, ақл-идрок даражаларини, ички имконият

захираларини, қадрият ҳамда маънавият кўрсаткичларини оқилона баҳолашга қурби етишмайди. Шахсада танқид ва ўз-ўзини танқид, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш, текшириш ва ўз-ўзини текшириш, назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш, бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш, такомиллаштириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш, ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш мутаносиблиги мақсадга жавоб бераолмайди. Индивидуал ва ижтимоий онгнинг тобора ривожланиб бориши мазкур мутаносибликни амалга оширишни таъминлайди, бу эса муайян муддатни талаб қиласди.

Талаба ўз-ўзини англаш жараёнида фикрлашни кўпинча реалликдан бошлайди, ҳозирги ва фавқулоддаги ҳолатни таҳлил қиласди, шахсий имконияти билан таққослайди, маълум мезон ёки намуна, ибрат танлаб, унга тенглашишга интилади. Кейинчалик эса, келажак, истиқбол режалари уни қизиқтиради, ўзининг нималарга қодирлиги юзасидан мулоҳаза юритади ва бу борада муайян қарор қабул қилишга эришади, лекин унинг тўғрилиги ёки оқилоналигига шубҳаланади. Уни бир неча марта таҳлил қилиш, қиёслаш, унга ўзгартиришлар киритиш, янгилаш орқали бўлғуси “Мен”ига аниқлик киритади ва фаоллик механизмига айлантиради. Ўз-ўзини англашнинг бешта ркибий қисми бир текис инсоннинг маънавий дунёсига айланса, демакки, унда мукаммаллик, баркамоллик даражаси вужудга келганлигидан далолатдир.

Ўз-ўзини англаш шахснинг фазилатига айланиши учун муайян давр, вақт, муддат талаб қилинади, шунинг учун талабалар билан дастурий тадбир-чоралар ўтказиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

